

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

**“ЎЗБЕК ФАЛСАФАСИ”
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Тошкент – 2021

Модулнинг ишчи ўқув дастури Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7-декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган намунавий ўқув режа ва дастурлар асосида ишлаб чиқилган.

Тузувчи: ЎзМУ, “Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқ таълими” кафедраси профессори, ф.ф.д., Тўйчиев Б.Т.

Тақризчи: ЎзМУ профессори, ф.ф.д., Рўзиматова Г.М.

Ўқув -услугий мажмуа Ўзбекистон миллий университети Кенгашининг қарори билан нашрга тавсия қилинган (2020 йил 24 декабрдаги №3 -сонли баённомаси)

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	3
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.	13
III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	16
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	112
V. ГЛОССАРИЙ	135
VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	157

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги «Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида»ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5847-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги «Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили, мутахассислик фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар

такомиллаштирилиши мумкин.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Модулнинг мақсади: миллий фалсафий кадрларимизнинг тарихий илдизлари, жумладан Ўрта асрлар Илк Уйғониш даври Марказий Осиё файласуфларининг қарашлари, фалсафий таълимотлари ҳамда уларнинг жаҳон фалсафаси ривожига қўшган ҳиссаларини таҳлил қилиш асосида олий таълим муассасалари педагог кадрларининг билим, кўникма ва компетенцияларини ошириш.

Модулнинг вазифалари:

- Фалсафа йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш;
- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;
- миллий фалсафани яратишнинг тарихий-фалсафий асосларини ўрганишнинг синергетик парадигмаларини шакллантиришни йўлга қўйиш;
- Ўзбек фалсафаси ривожланишининг асосий тенденцияларини аниқлаш;
- Ўзбекистонни ривожланиш стратегиясининг ижтимоий-фалсафий масалаларини таҳлил этиш;
- Фалсафа йўналишида ўқув жараёнини фан ва ишлаб чиқариш билан самарали интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

Модулни ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- Ўзбек фалсафаси мазмуни, таркиби ва янги тенденциялари, турли маданиятлар вакилларининг ва фалсафий мактабларнинг самарали ҳамкорлиги, ўзбек фалсафаси ривожланишининг асосий йўналишлари ҳамда ОТМ тизими ривожланишига доир концепциялар мазмуни ва уларнинг жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясига таъсирини *билиши* керак.
- Илмий тадқиқот ишларида фалсафанинг замонавий масалаларига ёндашиш услубиятини тўғри танлаш;
- борлиқни тизимли ва тузилмавий ташкиллаштириш;
- тараққиётнинг фалсафий моделларини таҳлил қилишда фалсафий методларни қўллаш олиш;
- дарсни самарали ташкил этиш, ўқув жараёнида замонавий педагогик технологиялардан унумли фойдаланиш;
- жамият маънавий ҳаёти ҳамда инсонлараро муносабатларда IX-XI асрлар Марказий Осиё мутаффакирлари фалсафий-тарихий меросининг ўрни ва ролини замонавий муаммолар билан боғлиқ ҳолда ўрганиш, уларни таҳлил қилишга илмий ёндашиш *кўникмаларига* эга бўлиши лозим.

- Фалсафа йўналишидаги фанлардаги янгиликлар асосида ўқув дастурлари ва ўқув-услубий мажмуаларга ўзгартириш киритиш;
- фалсафий билимларни ўрганиш орқали дискурсив (асосланган) фикр юритиш;
- фалсафанинг замонавий йўналишларини ишлаб чиқиш ва оммалаштириш;
- глобаллашув жараёнидаги муаммоларини аниқлаш ва таҳлил қилиш;
- фаннинг илмий, назарий, тарихий ва прогматик аҳамиятини ҳаётий воқелик ва илмий асосда тушунтириб бериш;
- фалсафий манбалардан зарур ва муҳим бўлган маълумотларни ажратиб олиш, уларни изчил тизимга келтириб, талқин қилиш *малакаларига* эга бўлиши лозим.
- фалсафа фанининг инсонинг жамиятда тутган ўрни, яшашдан мақсад каби масалаларни таҳлил қилиш ва бугунги кун билан таққослаш;
- мазкур йўналишда тўпланган янги маълумотларни саралаш ва муайян фанлар доирасида тизимлаштириш, аниқ, лўнда, тушунарли равишда баён этиш;
- модулли ёндашув асосида ўқув жараёнини ташкил этиш;
- технологик ёндашув асосида таълим ва тарбия жараёнини бошқариш;
- фалсафа фанида инновацион ўқув машғулотларини лойиҳалаш, амалга ошириш, баҳолаш, такомиллаштириш;
- коммуникатив вазифаларни ҳал этиш технологиялари, касбий мулоқот усулларида фойдаланиш, ҳамкорлик ишларини олиб бориш;
- Ўзбекистонда калом ва фикҳий масалалар, инсоннинг жамиятда тутган ўрни, яшашдан мақсад каби масалаларни таҳлил қилиш ва бугунги кун билан таққослаш;
- Ўзбекфалсафаси ривожланишининг асосий йўналишларига оид янги манбалардан фойдалана олиш *компетенцияларига* эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

Модулни ўқитиш маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Модулни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усуллари қўллаш назарда тутилади.

Модулни ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

«Ўзбек фалсафаси» модули ўқув режадаги биринчи блок ва мутаххасислик фанларининг барча соҳалари билан узвий боғланган.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим жараёнини ташкил этишда технологик ёндашув асосларини ва бу борадаги илғор тажрибани ўрганадилар, уларни таҳлил этиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий лаёқатга эга бўладилар.

Модуль бўйича соатлар тақсимоти

№	Модуль мавзулари	Аудитория ўқув юклармаси			
		Жами	жумладан		
			Назарий	Амай машғулот	Кўчма машғулоти
1	Марказий Осиёда фалсафий фанлар ва маданият ривожланишининг тарихий илдизлари	6	2	4	
2	IX-XII асрларда Уйғониш даври фалсафаси	4	2	2	
3	XX аср ўзбек фалсафаси ва унинг ривожланиш стратегияси	4	2	2	
4	Ўзбекистонда мустақиллик йилларида фалсафа фанининг ривожланиши истиқболлари	4	2	2	
	Жами: 18 соат	18	8	10	

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАРМАЗМУНИ

1-мавзу. Марказий Осиёда фалсафий фанлар ва маданият ривожланишининг тарихий илдизлари (2 соат).

- 1.1. Зардўштилик диний-фалсафий таълимотининг вужудга келиши.
- 1.2. Монийлик ва Маздак таълимотининг фалсафий жиҳатлари.
- 1.3. Ислом фалсафий тафаккурининг Ўзбекистон илм-фан раўнақидаги аҳамияти.

2-мавзу. IX-XII асрларда Уйғониш даври фалсафаси (2 соат).

- 2.1. Марказий Осиёда тарихий шарт-шароитлар ва ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида табиий-гуманитар фанлар тараққиёти.
- 2.2. Тасаввуф тариқатларининг ижтимоий-фалсафий фикр ривождаги ўрни.

3-мавзу. XX аср ўзбек фалсафаси ва унинг ривожланиш стратегияси. (2 соат).

3.1. «Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари» ўзбек фалсафасининг замонавий концепцияси.

3.2. Маънавий баркамол авлод – буюк келажак бунёдкори.

3.3. XX аср бошлари жадид маърифатпарварлик ҳаракати ва унинг фалсафий моҳияти.

3.4. Мустабид совет тузуми даврида ўзбек фалсафаси. Тоталитар мафкуранинг фалсафага таъсири.

4-мавзу. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида фалсафа фанининг ривожланиши истиқболлари (2 соат).

4.1 Миллий ғоя ва мафкуранинг ишлаб чиқилишининг ижтимоий-фалсафий аҳамияти

4.2 Янгиланаётган Ўзбекистонда ижтимоий гуманитар фанларнинг ривожланиш истиқболлари

4.3 Ш.Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясининг ижтимоий-фалсафий аҳамияти.

4.4 Мустақиллик йилларида ўзбек фалсафасининг замонавий йўналишлари

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот. Марказий Осиёда фалсафий фанлар ва маданият ривожланишининг тарихий илдизлари (4 соат).

2-амалий машғулот. IX-XII асрларда Уйғониш даври фалсафаси (2 соат).

3-амалий машғулот. XX аср ўзбек фалсафаси ва унинг ривожланиш стратегияси (2 соат).

4-амалий машғулот. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида фалсафа фанининг ривожланиши истиқболлари (2 соат).

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

“Ўзбек фалсафаси” модулини ўқитишда замонавий педагогик технологияларнинг фан хусусиятидан келиб чиққан ҳолда деярли барчаси тадбиқ этилиши мумкин. Хусусан, маъруза ва семинарлар “Ақлий хужум”, “Кластер”, “Бумеранг”, “Меню”, “Б/Б/Б”, “Мунозара”, “Резюме” сингари методлар, слайдлар, мультимедиа намоёшлири билан ўтказилади. Бу таълим ўз моҳиятига кўра таълим жараёнининг барча иштирокчиларини тулақонли ривожланишларини кўзда тутди. Бу эса таълимни лойиҳалаштириладиғанда, албатта, маълум бир таълим олувчининг шахсини эмас, аввало, келгусидаги мутахассислик фаолияти билан боғлиқ уқиш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ёндошилишни назарда тутди.

Шахсга йўналтирилган таълим. Бу таълим ўз моҳиятига кўра таълим жараёнининг барча иштирокчиларини тўлақонли ривожланишларини кўзда тутди. Бу эса таълимни лойиҳалаштириладиғанда, албатта, маълум бир таълим олувчининг шахсини эмас, аввало, келгусидаги мутахассислик фаолияти билан боғлиқ уқиш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ёндошилишни назарда тутди.

Тизимли ёндошув. Таълим технологияси тизимнинг барча белгиларини ўзида мужассам этмоғи лозим: жараённинг мантиқийлиги, унинг барча бугинларини ўзаро боғланганлиги, яхлитлиги.

Фаолиятга йўналтирилган ёндошув. Шахснинг жараёнли сифатларини акллантиришга, таълим олувчининг фаолиятни активлаштириш ва интенсивлаштириш, ўқув жараёнида унинг барча қобилияти ва имкониятлари, ташаббускорлигини очишга йўналтирилган таълимни ифодалади.

Диалогик ёндошув. Бу ёндошув ўқув муносабатларини яратиш заруриятини билдиради. Унинг натижасида шахснинг ўз-ўзини фаоллаштириши ва ўз-ўзини кўрсата олиши каби ижодий фаолияти кучаяди.

Ҳамкорликдаги таълимни ташкил этиш. Демократик, тенглик, таълим берувчи ва таълим олувчи фаолият мазмунини шакллантиришда ва эришилган натижаларни баҳолашда биргаликда ишлашни жорий этишга эътиборни қаратиш зарурлигини билдиради.

Муаммоли таълим. Таълим мазмунини муаммоли тарзда тақдим қилишорқали таълим олувчи фаолиятини активлаштириш усулларидан бири. Бунда илмий билимни объектив қарама-қаршилиги ва уни ҳал этиш усулларини диалектик мушоҳадани шакллантириш ва ривожлантиришни, амалий фаолиятга уларни ижодий тарзда қўллашни мустақил ижодий фаолияти таъминланади.

Ахборотни тақдим қилишнинг замонавий воситалари ва усулларини қўллаш - янги компьютер ва ахборот технологияларини ўқув

жараёнига қўллаш.

Ўқишнинг усуллари ва техникаси. Маъруза (кириш, мавзуга оид, визуаллаш), муаммоли таълим, кейс-стади, пинборд, парадокс ва лойиҳалаш усуллари, амалий ишлар.

Ўқитишни ташкил этиш шакллари: диалог, полилог, мулоқот ҳамкорлик ва ўзаро ўрганишга асосланган фронтал, коллектив ва гуруҳ.

Ўқитиш воситалари: ўқишнинг анъанавий шакллари (дарслик, маъруза матни) билан бир қаторда - компьютер ва ахборот технологиялари.

Коммуникация усуллари: тингловчилар билан оператив тескари алоқага асосланган бевосита ўзаро муносабатлар.

Тескари алоқа усуллари ва воситалари: кузатиш, блиц-сўров, оралик ва жорий ва якунловчи назорат натижаларини таҳдили асосида ўқитиш диагностикаси.

Бошқариш усуллари ва воситалари: ўқув машғулоти босқичларини белгилаб берувчи технологик карта кўринишидаги ўқув машғулотларини режалаштириш, кўйилган мақсадга эришишда ўқитувчи ва тингловчининг биргаликдаги ҳаракати, нафақат аудитория машғулотлари, балки аудиториядан ташқари мустақил ишларнинг назорати.

Мониторинг ва баҳолаш: ўқув машғулотида ҳам бутун курс давомида ҳам ўқитишнинг натижаларини режали тарзда кузатиб бориш. Курс охирида тест топшириқлари ёки ёзма иш вариантлари ёрдамида тингловчиларнинг билимлари баҳоланади.

“Ўзбек фалсафаси” модулини ўқитиш жараёнида компьютер технологиясидан, "Excel" электрон жадваллар дастурларидан фойдаланилади. Айрим мавзулар бўйича талабалар билимини баҳолаш тест асосида ва компьютер ёрдамида бажарилади. "Интернет" тармоғидаги расмий иқтисодийкўрсаткичларидан фойдаланилади, тарқатма материаллар тайёрланади, тест тизими ҳамда таянч сўз ва иборалар асосида оралик ва якуний назоратлар ўтказилади

“Ўзбек фалсафаси” модули дарслари қизиқарли ва тингловчиларга бой ахборот берадиган бўлишига ёрдам берадиган улублар жуда кўп. Лекин улар орасида фалсафанинг энг синалган ва энг қадимий услуби бўлган “суқротча бахс”га ҳеч қайси услуб ета олмайди. Зеро айнан шу услуб диалектик фикрлаш услубидир ва айнан шу услуб дунёга Суқрот, Платон, Аристотел, Форобий, Ибн Сино каби кўплаб мутафаккирларни етиштирган. Айни шу услуб Платон диалогларида акс этган ва ҳозиргача инсоният етук мутафаккирларини камолотга етказишда давом этмоқда. Бу услубни яхши билиш учун мазкур диалогларни чуқур ўрганиш керак. Бугунги кунда уларнинг ўзбек тилидаги таржимаси амалга оширилгани эса ишимизни янада енгиллаштирди. Бу услуб семинарда эмас, балки фақат маърузалар вақтида ўказилади. Бунда ўқитувчи Суқротнинг, талабалар эса Суқротнинг суҳбатдоши ролларини ўйнайдилар. Мазкур методни машқ орқалигина намойиш этиш мумкин. Шунинг учун бу ерда ушубу услубга бошқа тўхталмаймиз. Лекин методикадан ўтказадиган семинарларимизда бу методни махсус машқ қилиб кўра оламиз. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки,

бу услубни фалсафани чуқурроқ биладиганлар ўзлаштириши мумкин ва мақсадга мувофиқдир. Фалсафа дарсларининг хажми жуда қисқа бўлган нофалсафа мутахассисликлари дарсларида эса уни қўллаш учун етарли вақт топиб бўлмайди. Аммо бу услуб масаланинг жавоби бахс қатнашчиларидан бирига аён бўладиган платонча (сукротча) диалог эмас, албатта. Бу саволлар ва уларга жавоблар тўқнашуви жараёнида келиб чиқадиган ўз ўзидан ташкилланиши кутиладиган нозизиқли когнитив-коммуникатив муҳитдир.

“Ўзбек фалсафаси”ни ўрганишга эндигина киришганлар эса аввал осонроқ услублар асосида ўз тафаккурларини ривожлантирадиган услублар асосида ишлашлари мақсадга мувофиқ. Шундай услублар каторига “инсерт” услуби туради.

III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-Мавзу. МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ФАЛСАФИЙ ФАНЛАР ВА МАДАНИЯТ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ.

Режа:

- 1.1. Зардуштийлик диний-фалсафий таълимотининг вужудга келиши.**
- 1.2. Монийлик ва Маздак таълимотининг фалсафий жиҳатлари.**
- 1.3. Ислом фалсафий тафаккурининг Ўзбекистон илм-фан равнақидаги аҳамияти.**

1.1. Зардуштийлик диний-фалсафий таълимотининг вужудга келиши.

Марказий Осиё жаҳон цивилизациясининг энг қадимги ўчоқларидан биридир. Эрадан олдин биринчи минг йилликда ҳозирги Марказий Осиё худудларида юнон тарихчилари скифлар, эрон манбаларида саклар деб аталувчи халқлар яшаган. Каспий орти водийларини массагетлар эгаллаган. Марказий Осиёнинг ана шу худудларида цивилизациянинг илк марказлари вужудга келган.

Эрадан аввалги VI аср охири ва V аср бошларида саклар форс давлати таркибига кирган, эрадан аввалги IV асрда эса Марказий Осиёни Александр Македонский забт этади. Юнон истилосига қарамасдан Марказий Осиё халқлари ўзининг маданиятини сақлаб қолади.

Бу даврда хўжалик юритиш, маданият ва саноатнинг ранг-баранг шакллари ривож топади. Марказий Осиёга арамей алфавити кириб келади, унинг асосида хоразмий ва сўғд ёзувлари таркиб топади. Марказий Осиё халқлари оғзаки ижодиёти ва адабиётининг бошланиши ҳам худди шу даврга тўғри келади. Шаҳарлар пайдо бўлади, хунармандчилик тараккий этади, темир асбоб-ускуналардан фойдаланиш яхши йўлга қўйилади. “Буюк Ипак йўли”нинг шу ердан ўтиши туфайли аҳоли Ҳиндистон, Хитой, Миср, Месопатамия, ҳатто Юнонистон ва Рум каби мамлакатлар билан алоқалар ўрнатади.

Қадимги Турон заминда VIII асргача бўлган фалсафий, ижтимоий ахлоқий қарашларнинг умумбашарий аҳамиятга молик бўлганлиги бизга қадар етиб келган тарихий ёдгорликлардан маълумдир. Турк мифологияси, Орхун-Энасой ёзувлари, Култагин ёдгорлиги, Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, Наршахийнинг “Бухоро тарихи” каби манбалар ўша давр ижтимоий-фалсафий қарашлари тўғрисида муайян тасаввур ҳосил қилади. Тарихий манбаларда ёзилишича, қадимги Ҳиндистонда ва Хитойда кенг тарқалган 4-5 элементнинг субстанциявийлиги ҳақидаги ғоялар Марказий Осиё халқлари фалсафий фикрларига ўзига хос таъсир этган. Ўша замоннинг донишмандлари борлиқ ва ундаги барча нарса-ҳодисаларни сув, ҳаво, тупроқ ва оловдан ташкил топган деб ўйлаганлар, бу тасаввурлар кейинчалик илоҳийлаштирилган. Шу маънода ҳавони булғаш

энг катта гуноҳ ҳисобланган. Олов меҳр-муҳаббат рамзи бўлган. Сакларнинг эпик эртақларида ватанпарварлик, садоқат ва жасурлик ғоялари куйланган. Ўз қабиласи мустақиллиги учун курашнинг ёрқин намуналари Широқ, Тўмарис ҳақидаги афсоналарда акс этган. Сак эпосининг айрим белгилари ўзбек, қорақалпоқ, туркман ва тожик халқлари оғзаки ижодиёти намуналарида сақланиб қолган.

Бизнинг Марказий Осиёда яшаган қадимий авлод-аждодларимиз фалсафий фикри ҳақида қимматли маълумотларга эга бўлишимизда қадимий халқ оғзаки ижодига оид афсона ва ривоятлар, қадимги Ҳинд, Хитой ва Юнон тарихчиларининг асарлари, «Авесто», «Бехистун», «Бундахшин» ва шулар каби ёзма ёдгорликлар, жумладан, Турк Ўрхун-энасой руний матнлари муҳим манбаълар сифатида катта аҳамиятга эга. Айниқса, улар ичида «Авесто», Шарқ, шубҳасиз, Марказий Осиё халқларининг қадимий маънавият маданият, хусусан, фалсафий қарашларини ўрганиш учун бебаҳо манбаъдир. Бу асар бизга қадимги Марказий Осиё халқларининг илк табиий-илмий тасавурлари, ижтимоий-сиёсий, диний ва фалсафий фикрларининг шаклланишини аниқлаш учун жуда бой манбаъ бўлиб хизмат қилади. Биз «Авесто»га мурожаат қилганимизда, ундаги диний мифологик ва фалсафий жиҳатларни бир-биридан фарқлашимиз лозим. Чунки унда жуда кўп масалалар инсоний муносабатлар асосида ёритилиб, ундаги асосий ғоялар илоҳий кучлар-худолар хоҳиш-иродасини бажо келтирувчи кучлар қиёфасида намоён бўлади.

«Авесто», тадқиқотчиларнинг ёзишича, 21 китобдан иборат бўлиб унинг 7 китоби дунё ва инсон зотининг ўтмиши ҳақида, 7 китоби инсон ахлоқи, унинг ҳуқуқлари ҳақида ва ниҳоят, 7 китоби тиббиёт, илмий-ҳайъат ҳамда аниқ фанларга оид билимлар ҳақида бўлган. Бу асар мазмунини ташкил этган диний-фалсафий ғоялар милоддан илгариги бир қанча асрлар давомида шаклланиб, тўпланиб, ривожлантирилиб борилган. Ниҳоят, милоддан илгари VI-V асрларда Зардушт томонидан тартиб берилиб, китоб ҳолига келтирилган. Бу асар зардуштийлик диний-фалсафий таълимотининг муқаддас китоби сифатида ўзида аждодларимизнинг табиат, борлик, олам, жамият, инсон, унинг ҳаёти, ахлоқи, ҳуқуқлари, бурчи каби масалалар юзасидан дастлабки диний фалсафий қарашларини ифодалайди.

Афсуски, бу китобнинг тўртдан бир қисмигина бизгача етиб келган, холос. Ҳозир мавжуд «Авесто»: «Готлар», «Яшта» (ёки «Ясна») ва «Видевдат» қисмлардан иборат бўлиб, улардан «Готлар» энг қадимги, деб ҳисобланади. Қолган қисмлари эса сосонийлар даврида қайта тикланган бўлиб, унга сосонийлар давлати манфаатлари асосида тахририй ўзгаришлар киритилган. Шу сабабли кўпчилик тадқиқотчилар «Авесто»нинг фалсафий ғояларини таҳлил қилишни унинг «Готлар» қисмидаги зардуштийлик диний-фалсафий таълимотининг инсонга, инсонни жамиятдаги ўрни ва ролига муносабатини кўрсатишдан бошлайдилар.

Зардуштийлик диний-фалсафий таълимотига кўра, оламда иккита куч: яхшилик ва ёмонлик кучлари бўлиб, улар бир-бирларига қарши кураш олиб борадилар. Яхшилик кучларига худо Аҳура Мазда, ёмонлик кучларига худо

Ахриман бошчилик қилишади. Инсоннинг ҳаёти, унинг тақдири, бахти ва бахтсизлиги шу икки куч кураши билан боғлиқ ҳолда кўрсатилади. Бунда инсон бу фаолиятнинг субъекти сифатида эмас, балки худолар таъсир кўрсатадиган объект сифатида намоён бўлади. Асарда кишилар ўз амалий ишлари ва ахлоқий фазилатлари билан яхшиликка мойил эканликлари, улар ёвуз кучларга қарши курашда эзгу руҳларга кўмаклашишлари лозим, акс ҳолда, ёмонлик тантана қилиб, улар абабул-абад азоб-уқубатларда яшаши мумкинлиги айтилади. Бунда кишиларнинг яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги тасаввурлари ва қарашлари уларнинг амалий фаолияти билан боғланган ҳолда кўрсатилиб, улар кишилар фаолиятини рағбатлантирувчи, йўналтирувчи кучлар сифатида ифодаланади. Масалан, асарда шундай дейилади: «Дон эккан киши тақвадорлик уруғини экади. У (Ахура) Маздага ихлосмандлик эътиқодини олға суради, у (ўз) иймонини озиклантиради». «Экин экиш, демак, ердаги ёвузликни йўқотишдир, чунки дон экилганда, девларни тер босади, девлар тегирмонда унга айлантирганда, девлар гангиб қолади, ун тегирмондан чиққанда, девлар саросимага туша бошлайди, нон пайдо бўлган пайтда, девлар кўрққанларидан зўр бериб, дод солиб қочадилар».

«Авесто»да инсоният тарихи ҳақида ҳам фикр юритилиб, унда айтилишича, биринчи пайдо бўлган одам Илмадир. Бошқа одамлар кейинчалик ундан тарқалган. Илма яшаган давр инсониятнинг олтин даври, деб тасвирланади. Бу даврда одамлар ўлмайдилар, уларга абадий баҳор яратилган бўлади, улар бахтли ва фаровон яшайдилар. Бироқ шундай бир пайтда одамлар тақиқланган мол гўштини еб, гуноҳ қилиб қўйишади. Бундан ғазаби келган Ангра манью («Ахриман») худоси уларга қор ва совуқни юборади. Илма шунда уй қуриб, одамларни ва бир жуфтдан ҳайвонларни сақлаб қолади. Шундан бошлаб, инсоният тарихининг биринчи даври олтин даври тугаб, иккинчи-яхшилик ва ёмонликнинг кураш даври бошланади. Бу даврда яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги кескин курашлар сўнггида худо Ахура Мазда худо Ахриман устидан ғолиб чиқади ва бахтли ҳаёт салтанати қарор топади. Бу инсоният тарихининг учинчи даври бўлиб, инсониятнинг келажаги давридир. Бу даврда кишиларнинг бахт-саодат, адолатли жамият ҳақидаги орзу-умидлари ушалади. Бу даврда олдин ўлганлар тирилади, гуноҳқорлар жазоланади. Жамиятда меҳнатсеварлик, адолат, ҳалоллик, поклик, яхшилик асосий ўринни эгалайди.

«Авесто»да қуйидаги уч жиҳат инсоннинг инсонийлигини таъминловчи асосий фазилатлар эканлиги айтилади. Булар: 1) Эзгу фикр; 2) Эзгу сўз; 3) Эзгу иш (амал)дир. Мана шу фазилатларга эга бўлган инсон олий ҳақиқатга мушарраф бўлади. Буларга эришишнинг асосий воситаси меҳнат қилиш, ўрганиш, излаш, ўз устида тинмай ишлашдир. Хуллас, «Авесто»да илгари сурилган диний-фалсафий таълимот, зардуштийлик ғоялари кейинги даврлар Шарқ ва Европа диний-фалсафий таълимотларининг шаклланиши ва пайдо бўлишида жуда катта ўрин тутган ва рол ўйнаган.

Зардуштийлик динининг муқаддас китоби бўлмиш «Авесто»нинг илк саҳифалари бундан уч минг йил илгари Хоразмда яратилган. Эрамиздан

олдинги VII асрга келиб, уни Амударё соҳилидаги туя боқувчи қабилалар орасидан етишиб чиққан Зардушт қайта ишлаб чиққан. Зардушт "Авесто"нинг қадимги қисми бўлган «Яштлар»даги кўпхудолик ақидаларига зид ўлароқ, унинг «Гоҳлар» қисмида яккахудолик ғояларини тарғиб этган.

Қадимги юнон донишманди Плиний таъбири билан айтганда «бир миллион кўшиқдан иборат» бўлган "Авесто"да дин назарияси, амалиёти билан бир қаторда Мовароуннаҳр ва қадимги Эрон халқлари тарихи, маданиятига оид қимматли далиллар мавжуд.

«Авесто»да Марказий Осиё халқларининг олам, космос нур сочувчи сфера ва жаннатдан иборатдир, деган тасаввурлари ўрин олган: коинот Ер, океан, осмон билан ўралган. Ер етти қисмдан иборат бўлиб, турлича иқлим ва йил фасллари билан боғланган. Осмон тўрт сферадан иборат: биринчиси ерга энг яқин - юлдузлар (Катта Айиқ, Вега, Сириус, Канопус). Иккинчиси - Ой, учинчиси - Қуёш сфераси, тўртинчиси - ёруғлик майдони ёки жаннат сфераси. Ой сфераси олти фазага бўлинади, уларнинг ҳар бири беш кундан иборат. Юлдузлар, Ой ва Қуёш худо Ахура Мазданинг танасини ўзларида гавдалантиради.

Мазкур китобда оламда иккита куч: яхшилик ва ёмонлик кучлари ўртасидаги ва уларнинг бир-бирларига қарши кураши, яхшилик кучларига худо Ахура Мазда, ёмонлик кучларига эса худо Аҳриман бошчилик қилиши ҳақида, инсоннинг ҳаёти, унинг тақдири, бахти ва бахтсизлиги шу икки куч кураши билан боғлиқ эканлиги кўрсатилади. Асарда кишилар ўз амалий ишлари ва ахлоқий фазилатлари билан яхшиликка мойил эканликлари, улар ёвуз кучларга қарши курашда эзгу руҳларга кўмаклашишлари лозим эканлиги, акс ҳолда, ёмонлик тантана қилиб, улар абадул-абад азоб-укубатларда яшаши мумкинлиги ҳақида гап кетади. Бунда кишиларнинг яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги тасаввурлари ва қарашлари уларнинг амалий фаолияти билан боғланган ҳолда кўрсатилиб, улар кишилар фаолиятини рағбатлантирувчи, йўналтирувчи кучлар сифатида ифодаланади.

“Авесто”да Шарқ маънавий уммони жамланган ва тизимга келтирилган ҳолда баён қилинган. Унинг кишилар ҳаётига инсонийлик, адолат, эзгулик каби ғояларни олиб киришда, жорий қилишда, ёмонлик ва ёвузлик, вайронгарчилик ва зулм, адолатсизликка қарши курашда, кишиларни яхшилик байроғи остида бирлашишда ўйнаган роли бениҳоя каттадир.

Айни вақтда “Авесто” халқнинг ўзини-ўзи билишида, ўзининг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ўзининг келажагини белгилай олишидаги ақлини ифодалашда ҳам инсоният тарихида катта рол ўйнади. “Авесто”да илгари сурилган ғоялар XIX асрда яшаган ва ижод этган немис файласуфи Фридрих Ницше томонидан янги даврда, Европа цивилизацияси нуқтаи-назаридан қаралди. У ўзининг “Зардушт таваллоси” номли асарида “Авесто”да ўртага қўйилган кучли шахс ғоясини капитализм шароитида руҳан зўриққан, индивидуализм турмуш тарзи икир-чикирлари орасида умумий ҳаёт, умумий турмуш тарзи, маданияти билан суғорилган кишиларни юксакликка, инсонийликнинг олий даражалари сари олиб чиқиши мумкин бўлган матонатли иродали ва серғайрат шахс тимсолини ва бу шахснинг

ички дунёсининг унинг руҳи билан боғлиқлиги, руҳ ва ирода мусаффолиги жамиятдаги ҳар қандай майда-чуйдалиқ табиатига эга бўлган зиддиятлардан уни ҳалос қилишлик кучига эга эканлигини кўрсатиб берди.

Зардўштийлик таълимоти диний шаклда берилган, кимки Зардўшт таълимотига амал қилса, у ер, сув, йилқи учун майдон, айвонли уй, ўн беш ёшли келинга муяссар бўлади; кимки ўз уйида хотини билан тинч-осойишта яшаса, кўп фарзанд кўрса, оиласини меҳнат қилиб боқса, у покдомондир.

Зардўштийликда ахлоқий таълимот уч асосга: “эзгу фикр” (гумата), “эзгу сўз” (гукта), “эзгу амал” (гваришта)га таянади. Эзгу фикр - худо Ахура Мазданинг тимсоли, ёмон фикр эса ёвузлик тимсоли Ахриманнинг белгиси. Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал - инсон бутун умри давомида амал қиладиган тамойиллар бўлиб, шу уч хислатга эга бўлган ҳалол меҳнат соҳиби инсон олий ҳақиқатга эришади.

Зардўштийликда ҳуқуқий қарашлар ҳам ўз ифодасини топган. Кишиларнинг жамиятдаги мунсабатларини тартибга солиб турувчи урф-одатлар ва ахлоқий қоидалар Ахура Мазда тарафидан илоҳий қонун даражасига кўтарилган. Ҳуқуқий соҳалар жиноят, фуқаролик, оила, ер-сув ҳуқуқи кабиларга ажратилган. Сув жазоси ўта шафқатсиз бўлган. Жазолашда ўт, қиздирилган темир, қамчидан кенг фойдаланилган. Бош ҳакам Ахура Мазданинг ўзи бўлган.

1.2. Монийлик ва Маздак таълимотининг фалсафий жиҳатлари.

Биз Марказий Осиё қадимий халқларининг фалсафий тафаккури тараққиётини ўрганиш учун «Авесто»дан кейинги манихейчилик билан танишишда бунинг яққол гувоҳи бўламиз, Манихейчилик ёки Монийлик таълимоти эрамизнинг 3-асрида шимолий Эронда вужудга келади. Унинг асосчиси Монийдир (216-276 йилар). Монийчилик, тадқиқотчиларнинг ёзишича, зардуштийлик ва христианлик ҳамда буддавийлик таълимотлари таъсири асосида Эрон шоҳларидан сосонийлар ҳумронлиги даврида шаклландир. У бир неча диний-ахлоқий рисоалар муаллифи бўлиб, «монийлик ёзуви» номи остида янги алифбо кашф этиб, уни тавсия этган. Унинг орзуси кўпчиликни саводхон қилиш ва ҳаммага маоқул тушадиган умумий ягона динни яратиш эди. Моний турмуш тарзини ўзгартириш борасида ҳам ислохотчи бўлиб, гўшти истеъмолдан чиқариб, ўрнига сабзавотлардан тайёрланган таомларни кўпроқ ейишни тавсия этган. У майда хунармандчиликни ривожлантириш билан биргаликда камтарона, фақирликда яшашни тарғиб қиладди. Моний таълимотини тарғиб этиш Эрон, Марказий Осиё, Хитой, Туркистон бўйлаб ёйилган. Унинг ошиб бораётган обрўсидан ҳадиксираган зардўштий қоҳинлар Монийни фалсафий баҳсга чақирганлар. Аммо баҳс билан чегараланмай, уни зиндонга солганлар ва, ниҳоят, 276 йили қатл этганлар.

Монийнинг фалсафий-илоҳий таълимотида маънавий кадриятларга катта ўрин берилган. Унинг фикрича, икки дунё - «зулмат ва зиё дунёси» мавжуд бўлиб, биринчисида адолатсизлик, зулм, зўравонлик ҳукм сурган, иккинчиси абадий, емирилмайдиган, доимий кадриятлар дунёси бўлган. Моний

таълимотида қадимги замоннинг асосий кадриятлари жамланган. Уларнинг умумий тизими асотир тафаккур (мифология), фалсафа, коинот ҳақидаги илмлар ва бошқа ижтимоий-табиий билим соҳалари билан боғлиқда баён этилган.

Моний таълимотининг озод деҳқонларга қаратилганлиги ва улар манфаатининг ғоявий ифодаси бўлганлигидан III ва ундан кейинги асрларда ҳам Эрон, Марказий Осиё, Сурия, Миср ва Рум империясининг шарқий вилоятларида унинг ғоявий таъсири кенг ёйилган эди. Буюк ипак йўли бўйлаб буддавийлик таълимотининг тарқилишига қадар Эронда қувғинга учраган Монийнинг маслакдошлари Марказий Осиёдан паноҳ топадилар.

Бу таълимотга кўра, дунё нур(зиё) ва зулматнинг абадий кураш майдонидир. Дунёда инсоннинг вазифаси - шу дунёдаги нур(зиё)дан баҳраманд бўлиб, зулмат (ёвузлик, ёмонлик)га қарши кураш олиб бориш.

Моний ўз таълимотида жамиятдаги кишиларни икки тоифага бўлади: 1-тоифа-мумтоз зодагонлар; 2-тоифа-меҳнаткашлар оммаси ва савдогарлардир. У дунёни ҳам икки дунёга ажратади: 1- дунё-бу одамлар реал яшайдиган дунё бўлиб, унда адолатсизлик, зулм, зўравонлик ҳукм суради. 2-дунё-бу «Зиё дунёси» («Нур дунёси») «Зиё дунёси» да инсон камолотга эришади. «Зиё дунёси» барча нарсаларни яратган, инсонни ҳам яратади, шу сабабли киши зулматдан холи бўлиши, ўз истагича ва ўз хоҳиш иродаси билан яшашга ҳаракат қилиши лозим.

Монийлик ғоялари Марказий Осиёнинг ўтрок, энг маданий халқларидан бўлган уйғурлар дунёқарашига катта таъсир ўтказган. Монийликнинг уйғур тилига қилинган таржимаси тарзида сақланган диний ёдгорлиги «Хуа стуанифт» ("Монийликнинг тавба намози") аниқ, тушунарли тилда ёзилган ва бу асар қадимги туркий халқлар тилида яратилган илк адабий ёдгорлик ҳисобланади. Монийлик VII асрда Уйғур давлатининг динига айланган.

Моний таълимотида кўра, инсон софликка, мусаффоликка, «гуноҳлардан холилик»га ҳаракат қилиши зарур. У ўз муридлари ва шогирдларини дунёвий ишлардан бўйин товламасликни, дунёда кўп нарсаларга ҳаддан ташқари интиламасликларини, ўртачаликка; исрофгарчиликка йўл қўймасликни, мўътадил ҳаёт кечиришга даъват қилади. Моний шундай ёзади: «ўлимдан кейин ҳеч кимсага рўзғор асбоблари билан ҳовли ҳам, уй ҳам керак бўлмайди». «Мен ўз умрим давомида кўп ҳокимларни кўрдим, улар дунёда ахлоқсизлик қилиб, манманликка берилиб юрдилар, аммо пировардида аламларга ва тубанликка дучор бўлдилар».

Монийнинг кўпчилик қарашлари ўз даври феодал зодагонларига ёқмаган, уларни кўрқувга солган. Улар Моний ғояларини тенгликни илгари сурувчи, барча мол-мулкни задагонлар ва камбақаллар орасида тенг ва барабар тақсимлашга даъват, деб тушуниб, унинг ўзини қатл қилишиб, унинг тарафдорларини эса қувғин қилишади.

Шундай қилиб, моний таълимотида диний-ахлоқий қарашлар билан бир қаторда, фалсафий қарашлар: адолат, озодлик, ахлоқий камолот ҳақида ўз давридаги халқ оммасининг ўй-фикрлари, орзу-умидлари ўз ифодасини топгандир.

Марказий Осиё халқлари қадимий фалсафий қарашларини ўрганишда эрамизнинг 5-асри охири ва 6-аср бошларида Эронда зардуштийлик таълимотининг янги кўриниши сифатида пайдо бўлиб, сўнг марказий Осиё, Кавказ ва Шимолий Ҳиндистонда кенг ёйилган маздакизм ёки маздакийлик диний-фалсафий таълимоти билан танишиш ҳам муҳим ўрин тутади.

Фалсафий кадриятлар мавзусининг излари VI асрда яшаган **Маздак** таълимотида ҳам кўзга ташланиб туради. Маздак ақидасига кўра, дунёда содир бўладиган жараёнлар онгли мақсадга йўналтирилган эзгулик ва унинг манбаи бўлган ёруғлик билан кўр-кўрона ва тасодифий ҳаракат қилувчи қоронғилик (жоҳиллик) ўртасидаги курашдан иборатдир.

Маздакийлик таълимоти, аслида, монийлик диний-фалсафий таълимотни тўлдирувчи диний-фалсафий таълимот бўлиб, унинг илдизлари зардуштийликка бориб тақалади.

Бу таълимот Маздак (470-529 йиллар) номи билан боғлиқ бўлиб, у шимолий Эроннинг Нишопур шаҳрида зодагон оиласида туғилади. Маздак дастлаб зардуштийлик дини оташгоҳларидан бирида қоҳин бўлиб, кейинчалик бутун Эрон бўйича бош қоҳин вазифасида ишлайди. У бунда зардуштийликка асосланиб ўзининг янги таълимотини ишлаб чиқади. Маздакийлик таълимотида кўра, дунёда бўладиган ҳодисалар ва воқеалар онгли ва бирор мақсадни кўзлаб ҳаракат қилувчи эзгулик ва ёруғлик манбаи билан кўр-кўрона ва тасодифий ҳаракатланувчи қоронғулик манбаи ўртасидаги курашдан иборат. Бу кураш эзгулик (яхшилиқ)нинг, ёруғликнинг қоронғулик (жоҳиллик) устидан муқаррар ғалабаси билан тугалланади.

Шу билан бирга, Маздакийлик жамиятдаги ижтимоий даъват этган Маздакийлар ҳаракатининг мафқураси сифатида ҳам хизмат қилади.

Бу кураш яхшилиқнинг ёмонлик устидан муқаррар ғалабаси билан якунланади. Яхшилиқни барқарор қилиш учун ижтимоий тенгсизликка барҳам бериш лозим, асосий ёвузлик - бойликка хирс қўйишдир. Бундай таълимотга асосланган Маздак бойларнинг мол-мулкни тортиб олиб, қамбағалларга бўлиб беришга бошчилик қилган. Феодалларнинг марказий давлатдан ажраб чиқиб, ўзларича мустақил яшаш тамойиллари кучайганлиги сабабли, уларнинг кучини оммавий ҳаракат орқали сингдиришдан манфаатдор бўлган Эрон шоҳи Қубод I (488-581) аввал бошда Маздакни қўллаб-қувватлаб, уни бутун Эронга қози қилиб тайинлайди. Мамлакат бўйлаб хусусий мол-мулкни ижтимоий тенглик асосида қайтадан бўлиб чиқиш мақсадида талон-тарож қилиш бошланади. Мамлакатдаги катта ер эгалари, амалдорлар ва қоҳинларнинг иқтисодий ва сиёсий ҳукмронлиги барбод бўлганидан сўнг, шоҳ Қубод I Маздак билан алоқани узади. 529 йили маздакийларнинг инқилобий ҳаракати бостирилгач, Маздак қатл этилади. Аммо унинг таълимотидаги адоват ва ҳасадни йўқ қилишга қаратилган тадбирлар, ижтимоий адолатсизликка қарши курашиш муқаддас вазифа эканлиги ҳақидаги ғоялар жозибакор мафқура сифатида узоқ вақт яшаб қолади. Кейинчалик бу таълимот ғоялари Эрон, Марказий Осиё ва Озарбайжондаги деҳқон ва шаҳар қамбағалларининг феодаллар зулмига

қарши, кейинроқ эса араб истилосига қарши кўтарилган Муқанна ва Бобек кўзғолонларида кураш ғояси бўлиб хизмат қилган.

Маздакийлик таълимотига кўра, жамиятда ижтимоий нотенглик юзага келса, ёвузлик ва зулмат ҳукмронлик қилади. Бу эса кишилар ўртасида ҳасад, ғаразгўйлик, зикналик, ўғирлик, маккорлик, шафқатсизлик, урушлар, турли-туман бахтсизликни келтириб чиқаради. Шу сабабли бу иллатларни жамиятдан бартараф этиш учун шу нотенгликни пайдо қилувчи асосларнинг ўзини йўқотиш, зарур, деб ҳисоблайди.

Маздакнинг айтишича, худо кишиларга ўзаро тенг тақсимлаб олсин, деб, ноз-неъматларни яратган. Бироқ, баъзи худбин кишилар ўз манфаатини кўпроқ ўйлаб иш қилишгани учун бу ноз-неъматлани тақсимлашда адолат бузилган. Шу асосда баъзилар мол-мулкка эга бадавлат бўлишиб, бошқалар камбақал бўлиб қолишган. Шу боис, бадавлат кишилардан мол-мулкнинг бир қимини тортиб олиб, уни камбақалларга тақсимлаб бериш адолатли иш бўлади, чунки камбақаллар ҳам мол-мулкка эга бўлишлари зарур.

Маздакнинг бу таълимотини оддий халқ оммаси кенг қўллаб-қувватлайди. Шу сабабли у кўп жойларга жуда тез ёйилади. Бу даврда кўпчилик жойларда деҳқон жамоалари ва шаҳар меҳнаткашлари аҳволи оғирлиги туфайли маздакийликнинг бу ғоялари улар манфаатдорларига мос бўлиб тушади. Маздакийликнинг бу ғоялари Эрон, Озарбайжон ва Марказий Осиё халқ оммаси кўзғолонларининг ғоявий байроғи бўлиб хизмат қилади. Ўша давр феодал зодагонлар маздакийлик таълимотининг феодал жамияти негизларига путур етказа бошлаганлигини кўришиб, маздакийлик таълимоти тарафдорларини шафқатсиз жазолайдилар. Маздакни эса Сосонийлар давлатининг подшоси Анушервон томондан 529 йили қатл қилинади. Умуман олганда, маздакийлик монийликдан фарқ қилиб, бу таълимот фақат фалсафий қарашлар мажмуаси бўлиб қолмай, балки амалий характерга ҳам эга бўлган, ўз ғояларини амалга оширишга қаратилган таълимотдир. Бу таълимотнинг ҳур фикрлилик ғоялари ўзидан кейин Шарқ мамлакатларида, Марказий Осиёда, ҳатто Ғарб мамлакатларида ҳам юзага келган озодлик ҳаракатлари билан боғлиқ фалсафий оқимларга ўз таъсирини кўрсатган.

Шундай қилиб, исломнинг Марказий Осиёга кириб келиши арафасида, яъни VII-VIII асрларда бу ер аҳолисининг аксарият қисми зардўштийликнинг ранг-баранг шаклларида, мазҳабларига, шу жумладан монийлик, маздакийлик, буддавийлик оқимларига эътиқод қўйганлар. Шу билан бирга Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг маълум худудларида христианлик, асосан унинг несториан тариқати ҳам кенг тарқалган.

1.3. Ислом фалсафий тафаккурининг Ўзбекистон илм-фан раўнақидаги аҳамияти.

VII асрда Арабистон ярим оролида вужудга келган янги дин -исломнинг шаклланиши натижасида араб халифалиги таъсир доирасидаги мамлакатлар маънавий-маданий ҳаётида туб ўзгаришлар содир булди. Бу жараённи асосан ислом динининг Арабистон ярим оролида марказлашган давлат тузишдаги

ўрни билан баҳолаш мумкин. Чунки ўша даврдаги тарқоқ араб кабилалари жуда қийинчилик билан бўлса ҳам, фақат ислом таълимоти таъсири остидагина бирлашган эдилар. Айнан муайян бир ғоя остида шундай бирлашиш жараёни кучли ҳокимиятни вужудга келтирди. Ўз навбатида бу ҳокимиятнинг бошка ҳудудларни босиб олишига кулай шарт-шароитлар юзага келди. Араб халифалиги деб ном олган бу улкан империя таркибига Арабистон ярим оролидан ташкари Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларининг барчаси, Шимолий Африка, Испания, Кавказ орти давлатлари ва Ўрта Осиё кирар эди.

VIII асрнинг бошларида Марказий Осиё халқларини араблар босиб олиб, улар ўзлари истило қилган бу халқларга янги дин-ислом динини зўрлик билан жорий қилдилар. Бу даврларда Марказий Осиё ҳудудида Суғд, Хоразм, Фарғона, Уструшана, Чағаниён ўлкалари Шарқ билан Ғарбни Шимол билан Жанубни боғловчи Ипак Йўлининг марказлардан бўлиб улар маданий жиҳатдан анча ривожланган бўлишади. Лекин араблар бу ўлкаларни босиб олгач, уларни араб халифалигига бўйсундиради бу ҳудудларда ўзларининг босқинчилик сиёсатини олиб бориб, маҳаллий халқларнинг маданияти, динлари, ёзувлари, билимдон кишиларини бутунлай йўқотишга ҳаракат қилдилар. Араб босқинчиларининг бу ҳатти-ҳаракатларига қарши маҳаллий халқ вакиллари Абу Муслим, Муқанна, Ҳамза ал-Ҳориж, Рафи Ибн Лайслар бошчилигида халқ кўзғолонлари бўлиб ўтади. Араб ҳукмдорлари бу кўзғолонларни шафқатсизлик билан бостирадилар ва бу халқларга узил-кесил ислом динини сингдириб, ўз ҳукмронликларини ўрнатадилар.

IX-XI асрлар мусулмон фани ва маданияти тарихида катта ютуқлар ва муҳим илмий кашфиётлар даври булганлигидан, бу даврни баъзи тадқиқотчилар Шарқ фани ва маданиятининг “олтин даври” деб эътироф этадилар. Ўша даврда араб халифалиги таркибига кирган Мовароуннахр ва Хуросон минтақаси юз берган маданий-маърифий юксалишни таъминловчи ва ҳаракатлантирувчи асосий кучлардан бири эди. Бу ҳулоса, биринчи навбатда, бу илмий юксалишда иштирок этган мутафаккирларнинг асосий қисми ушбу замин фарзандлари булгани билан изоҳланади.

Шунингдек, ислом фалсафасига оид муаммоларни аниқлашда куйидаги масалаларни куриб чиқиш мақсадга мувофиқдир:

- Ислом фалсафасининг шаклланиши ва ривожланишига таъсир курсатган омилларни аниқлаш;
- рационализмнинг ислом фалсафасида тутган ўрнини ва ролини курсатиб бериш;
- Ўрта асрларда калом илми ва фалсафа ўртасидаги узаро алоқадорликни урганиш;
- Ибн Сино ва Ғаззолий илмий меросидаги рационалистик масалаларни фалсафий-илмий таҳлил қилиш;
- ислом фалсафаси гносеологиясининг замонавий таҳлилига оид концептуал ёндашувларнинг мазмун-моҳиятини очиқ бериш.

Ислом фалсафасида гносеологик масалалар талқинини ўрганиш, унинг ўзига хос жиҳатларини таҳлил этиш ўша даврдаги илмий-фалсафий,

ижтимоий-ахлокий фикр ривож, унинг мухим хусусиятлари, устувор йўналишлари, тараккиёт қонуниятлари, турли фалсафий, диний, тасаввуфий оқимларнинг моҳиятини тугри идрок қилишга, бу таълимотларнинг кейинги асрларда ва ҳозирги замонда фалсафий тафаккур тараккиётига таъсирини чуқур англашга, назарий ва амалий хулосалар чиқаришга ёрдам беради.

Ушбу мавзуни ўрганиш орқали илк ўрта асрлардаги маънавиятимиз илдизларини, ислом фалсафасининг мухим соҳаларидан булган калом илмидаги билиш назариясини ҳар томонлама чуқур ва тарихийлик тамойили асосида тадқиқ қилиш ҳозирги замон фалсафасининг нафақат миллий, балки умумбашарий муаммоларидан бири сифатида эътироф этиб, узнлигимизни англаш учун яна бир имконият яратилади.

“Бирламчи фанлар” деб аталган, айниқса унинг рационал қисми ҳисобланган фанларнинг вужудга қелиши билан ислом дунёсида кўпроқ ақлий мушоҳадага мурожаат қиладиган булдилар ва шуларнинг натижаси сифатида ислом минтақасида “фалсафа” алоҳида фан сифатида пайдо бўлиб, ривожланди. Бунгача муътазила гуруҳи туфайли ҳақиқатларни кашф этиш ва диний аҳкомларни асослашга ақлий мушоҳада ва рационал муҳокамалардан фойдаланиш бошланган эди. Муътазила оқими ислом тафаккури тарихида рационализм тарафдори сифатида маълумдир. Буюк ватандошимиз Абу Наср Форобий X асрда фалсафага қуйидагича таъриф берган эди:

“Мавжудот ҳақидаги билим қулга киритилса, шу ҳақда таълим берилса, мавжудотдан булган нарсанинг зоти билинса, нарсанинг маъноси тушунилса, ишончли далил-ҳужжатлар асосида шу нарса ҳақида мияда бир турли ишонч ва тасаввур пайдо бўлса, мана шу маълумотга дойр фанни фалсафа деймиз”.

Ҳақиқатан ҳам “фалсафа воқелиқдаги барча нарса ва ҳодисаларнинг энг умумий алоқадорлиги ва ривожланиш қонуниятларини, уларнинг туб моҳиятини билишга қаратилган фандир”.

Форобийнинг улуғ хизмати фасат унинг фалсафани чуқур англаб етганида ва янги ғоялар, фикрлар берганидагина эмас, балки дин ва фалсафа орасидаги муносабатларни сатъий ва аниқ ифодалгани ҳамда бу икки соҳанинг инсонлар онгида бирга яшаши мумкинлигини уйғунлаштириб исботлаб берганлигидадир.

Форобий динга жиддий муносабатда бўлиб, шариатнинг ботиний моҳиятига фалсафий маъно берди.

Форобий ўзининг “Ал-хуруф” (Юқламала) асарида шундай дейди: “Агар дин барча умумий жиҳдлари билан такомиллашадиган фалсафага итоат этса, унда у ҳақ ва тўғридир. Аммо агар дин тўғри таҳлилий фалсафа ҳали шаклланмай, балки халқ тафаккури, ғояси булган риторика (балоғат санъати, сўзамоллик), диалектика (бахс) ва софистика (ҳар қандай восита билан бўлса ҳам рақибни сузда лол қолдириш) билан банд булган даврда пайдо бўлса, бундай фалсафага буйсунган дин ҳам ёлғон ва хатолардан холи бўлмайди. Қуп холларда у бошидан охиригача нотугри бўлиб чиқади. Фалсафа динга нисбатан ҳам бирламчи мавқета эга, чунки фалсафа - мағз, дин - пўстлоқ, аниқроғи - фалсафанинг қуролидир”.

Унинг фикрича, дин жуда катта аҳамиятга эга. Зеро, бир томондан унинг

мохияти яна ўша олий фалсафадир, бошка томондан эса шариат инсоният жамияти мавжудлиги ва ижтимоий тартиб барқарорлиги учун фалсафа сингари зарур. Форобий учун асосий таянч аналитика (тахлил ва тадқиқ)га қурилган фалсафадир. Унингча, дин билан фалсафа бирдир. Фақат фалсафа - хосларга тегишли, диннинг тили эса хосларга ҳам, авомга ҳам тушунарлидир.

Форобий фикрича, пайғамбарлар ва файласуфлар билимларининг манбаи биттадир. Файласуф фаол ақл билан қўшилиб, ҳақиқатни билади, Пайғамбар эса - ҳақиқатнинг инъикоси булмиш вахий орқали билади. Дин эса вахий асосидаги ҳақиқатдир. Дин ва фалсафа - ҳар иккиси ҳам билим ва мушоҳададир, фарқ шундаки, дин соддалаштирилган фалсафадир. Бошқача ибора билан айтганда, дин ва фалсафа ягона бирликнинг икки хил жиҳатларидир. Фалсафа далилий ҳукмларнинг коидаларига таянади, дин эса унта ҳукмлар ва коидаларнинг хитобий шаклидир. Унинг дин ва фалсафанинг ягона бирлиги ҳақидаги мулоҳазаларига қарамадан, кейинчалик, Форобий фалсафани диндан афзалроқ ва устунроқ қўйганлигига урғу бера бошладилар. Баъзилар, жумладан андалузиялик файласуф Ибн Туфайл уни бу масалада кескин танқид қилди. Андалузиялик файласуфнинг далилига қўйиб, Форобий файласуф даражасини гуё пайғамбарликдан ҳам юқори қўйган. Аммо, Форобий “Дин фалсафанинг мисолларидир” деганда пайғамбархалқлигида сўзлашишга мажбур эканлигини ҳам алоҳидақайд этиб ўтади. Чунки, омма далилий ҳукмларни тушунмаганлиги сабабли, далилий ҳақиқатларни хитобий шаклда баён этишдан узга имконият йук- Бинобарин, пайғамбар ҳам файласуфдир. Форобийнинг фикрига қўйиб, авомнинг диний қарашлари, унинг фалсафий ҳулосаларига доим ҳам мое тушавермайди ва бунинг зарурияти ҳам йук- Шунинг учун у ўз фикрларини бевосита авомга мослаштирмаган эди. У авом мени тушунади, деб ҳам уиламаган ва аксинча бундан хавотир ҳам олганки, унингча “авомнинг фалсафага аралашини, уни бузади”.

Форобий фикрича, инсон ўзининг табиий ҳолатида камчиликка ҳам, қамолотга ҳам эга эмас. Бу ерда Форобийнинг маънавий ҳулосасидан келиб чиқадиган ўта муҳим нарса шундаки, у фазилатни “бир яхши амал” маъносида таърифламайди. Унинг фикрича, фазилат хайрли амалнинг инсон руҳидаги “инъикоси” ва “натижаси” бўлган руҳий вақилликдирки, яхши одатлар, хайрли ишлар ва шарафли хатти-ҳаракатларнинг такрорланиши таъсирида келиб чиқади. Худди шунингдек, разолат ва камчиликлар ҳам руҳда ўз изини қолдирадиган ёмон амаллар ва кўнгилсиз ишларнинг такрорланиши оқибатида келиб чиққанлар. Унинг фикрича, барча фазилатларнинг мақсади руҳий хайрихоҳликдир. Форобийнинг далили шундаки, модомики, барча руҳий қувватлар хайрда тўпланар экан, улар орасидаги ихтилоф ва қарама-қаршиликларга ўрин қолмайди. Аммо улар ўртасидаги осойишталик қачонки бузилса, руҳда шарр, ёмонлик ва бузғунчилик аломатларини ахтариб топиш керак бўлади. Демак, Форобий фикрича, бахт-саодат лазиз ва разолатли нарсалардан ўзини тийиш эвазига инсон учун берилган муқофот эмас, балки, улардан қутулишнинг натижаси ва оқибатидир.

Шундай қилиб, фазилат ва бахт-саодат ўртасидаги сабаб ва оқибат нисбати далилидан Форобий шундай натижа чиқарадики, бахт-саодат фазилатга ташқаридан ёпиштирилган ёки юкланган амал бўлмасдан, балки унинг ўз жинсидан ва зотнинг умумийлигидан чиққан сифатий ҳолатдир.

Форобий яшаган вақтда зарурият ёки зўрлик ҳақидаги назария кўпчилик томонидан қабул қилинган ҳисобланар эди. Форобий шу вақтгача қўлланилмаган “ихтиёр” истилоҳини илмий адабиётга олиб кириш билан, инсоннинг ирода эркинлиги унинг тақдирига таъсир этиши мумкинлиги масаласини ўртага ташлаб, ҳақиқатда кенг ёйилган назарияга очикдан-очик қарши чиқди. У бундай фикрни ёйиш билан, кишиларни шунга даъват этдики, инсон табиий, ирсий, синфий тўсиқларга қарамасдан ўз билганича, ўзини қайтадан шақллантириши ва сиёсий нуқтаи назардан ҳам маданий жамиятнинг “етук” ва “баркамол” аъзоси бўлиши мумкин.

Форобий инсон моҳиятини тарбиялашни узоқ муддат давом этадиган яхши амал, деб билди. Унинг фикрича, ҳар қандай яхши ахлоқ, агар зехнда такроран жойлана берса, унинг натижасида инсон онгининг қуввати ва фазилати орта боради.

Маданий жамиятнинг сифати моҳиятан ирода ва ихтиёрда бўлганлигидан жамият бошлиғининг вазифаси ушбу иродани хайр (яхшилиқ) томон йўналтиришдир.

Форобий фикрича, сиёсат табобат сифатидаги нарса бўлиб, жарроҳлик йўли билан бўлса ҳам даволаниши зарур бўлган фуқароларнинг дардига малҳам қўйишдир. Табибнинг мақсади беморнинг дардини даволаш бўлганидек, фозил сиёсатнинг ҳам охириги мақсади жароҳатларга малҳам қўйиш, синган суякларни пайвандлаш сингари аҳолининг фаровонлигини кўтариш орқали унинг руҳини ва саломатлигини яхшилашдир.

Форобий ахлоқий фазилатларни руҳ учун бадан саломатлигидек нарса, деб тушунган. Демак, сиҳат-саломатликни тиклаш учун инсон табибга эҳтиёж сезганидек, бемор инсоннинг руҳи учун ҳам табиб зарурдирки, уни ҳолатини даволай олсин. Шундан келиб чиқадики, қонуний ҳукумат раисининг бўлиши жамият учун исбот қилинган заруриятдир.

Форобийнинг фозил шаҳар тўғрисидаги ўз назариясини тақлиф қилишдан мақсади, барча инсонларга бахт-саодат ва камолотга эришиш йўлларини кўрсатиб беришдан иборат эди.

Калом икки аср давомида ловуллаб турган илмий соҳадаги бахслар алангасини учуриши осон эмас эди. Калом ва тасаввуф ислом фалсафасининг таркибий қисмлари сифатида майдонга чиқди. Бу назарий мактаблар ислом фалсафасини яратишга шарт-шароит яратдилар.

Форобий фалсафасининг инкор этиб бўлмайдиган жойи шундаки, у назарий фалсафани ҳақиқий ва асосий илм, деб билиб, колган барча фанларни унга тобе булган иккинчи даражали соҳалар мақомига қўйди. Унинг фикрича, фалсафадаги масалалар исботини пайғамбарлар рамзлар шаклида баён қилганлар, зеро, моҳият жихатидан фалсафа билан дин ўртасида ҳеч қандай тафовут йук. Бундай қараш ўз даврида ниҳоят даражада муваффақият қозониб, исломий фалсафанинг асоси ва усулини белгилаб

берувчи фикрлаш тарзига айланди. Шунинг учун ҳам Форобийнинг маълум маънода ислом фалсафасининг муассиси деган фикрлар йук эмас.

«Мотуридия» номли асарда келтирилишича тадқиқотчи доктор Мухаммад Айюб Али тахминига кура хижрий 238 мелодий 870 йил таваллуд топган. Мазкур эхтимолнинг сабаби Мотуридийнинг икки устози вафоти санасига алоқадор бўлиб улардан бири Мухаммад ибн Мукотил ар-Розий хижрий 248 мелодий 880 йили, иккинчиси Наср ибн Яхё Балхий хижрий 868 мелодий 898 санада вафот этганидадур. Шу нуктаи назардан Мотуридий хижрий 248 мелодий 880 йиллари 10 ёшдан кичик булиши эхтимолдан узоқлигидадур.

Абу Мансур Мотуридий Самаркандда хижрий 333 милодий 944 -945 йиллари вафот этган ва шаҳар чеккасидаги Чокардиза деган кабристонга дафн этилган.

Мотуридий ислом оламида таълимоти кенг тарқалган калом мактабларидан бирига асос солган олим сифатида исломий қарашларни тарқатишда катта ўрин тутди¹.

Абул Мансур Мотуридий илмга рағбати, динга курсатган кўмаги, ақидани химоя қилишдаги улуг уринлари ва кудратларини курсатиб турадиган бир қанча лақаблар билан танилганлар. Жумладан, “имам ал-худа” (тугри йул имоми), “имам ал мутакалимий” (мутакаллимларнинг етакчиси), “раису ахли-сунна ва-л-жамоа” (ахли-сунна ва-л-жамоа 9 йуналишининг рахбари), “имам аз-зохид” (художуй имом) ва бошқа номлар билан эъзоз топганлар².

Абдуллоҳ Муройй узининг «Фатхул мубий фий-табакртул усулии» китобида шундай дейди: «Абу Мансур кучли хужжатли, бахсада голиб, мусулмонлар ақидасини химоя қилувчи, дахрийларни шубҳаларига раддия билдирувчи киши эди»³.

Шунга карамасдан Мотуридийнинг шахси ва унинг таълимоти тарих табакрт, ақида китоблари муаллифлари эътибордан четда қолди, жумладан Бағдодийнинг (в 429/1037) «Ал-фарк байна-л-фирок», Ибн Хазмнинг (в 456/1064) «Ал-фасл», Исфаронийнинг «Тафсир» китобларида Аш - Шахристонийнинг (в 548/1153) «Ал-милал ва-н-нихал» китобида Мотуридийнинг шахси ва Мотуридийлик зикр этилмайди. Ибн Надимнинг «Фихрист», Ибн Халконнинг «Вафоёт ал-Аъён», Самонийнинг «Ансоб» китобларида Мотуридийнинг юрти ҳақида зикр қилиниб: «Бу жойда бир гуруҳ фозиллару - олимлар етишиб чиккан» дейилади. Бирок мазкур муаллифларнинг барчаси Мотуридийни эътибордан тушириб қолдиришади.

Имом ас-Суютий ҳам «Табакрт ал-муфассирин» китобида «Таъвилот ахли-сунна»дек маълум ва машхур тафсир ёзган Мотуридийни эътибордан четда қолдирган.

Ҳанафийликка оид табакот жанри дастлабки муаллифларидан булган

¹Мотуридий. Таъвилот ахл ас-сунна. / Фотима Юсуф ал-Хаймий таҳрири остида./ -Байрут: Муассасат ар-Рисала Наширун, 2004. -5 жилдли. -Б.30. (Бундан кейин: Таъвилот)

²Ал-Мотуридия. -Б 98.

³Мавсуот ал-Муяссара. -Б. 99.

Абдулқодир бин Муҳаммад Қураший Ҳанафийнинг “Жаваҳир ал-музия фий табақот-ил-ҳанафия” китобида Мотуридий ҳақида ҳатто 10 қаторга етмайдиган жуда оз маълумот берган.

Мотуридий ислом давлатининг шарқий минтақасида дунёга келди. Маълумки ислом давлатининг шарқий қисми Аббосийлар халифалиги салтанатига мустақкам боғланган эди. Халифа мутаваккил вафотидан сунг кўплаб улқалар Аббосийлар халифалиги салтанатидан мустақилликка чиқдилар шарқий улқалар ҳам шулар жумласидан бўлиб, Мовароуннаҳр диёридаги Сомонийлар давлатини қурсатиб утишимиз мумкин.

Мотуридий ўз таълимотини анъаналарини ва илмий асарлари билан Мовароуннаҳр илоҳиёт мактаби ривожланишига катта улуш қўшди. Илоҳиёт илмлари тўла шаклланиб қамол топишига хизмат қилди. Уларни қайта ишлаб чиқиб, маълум тизимга солишдек бир ишни амалга оширди ва ханафий таълимотини Ўрта Осиё халқларининг урф-одатлари билан боғлиқлигини ўз қарашлари орқали кўрсатиб берди. У яратган таълимот ислом динининг буюқ ақидавий оқимидан бири сифатида танилди.

Машҳур турк олими Тошқуброзоданинг таъкидлашича: «Ахли-сунна вал жамоа»да қалом илми раислари икки киши бўлиб, улардан бири Ханафий иккинчиси Шофиъийдир. Ханафий Абу Майсур ал-Мотуридий Шофиъий эса Абул Ҳасан Ашъарийдир.

Мотуридийнинг “Таъвилот ал-ахли сунна” ёки “Таъвилот ал-Қуръон” номи билан танилган тафсири бўлиб, у зод ҳақида ёзганларнинг барчаси бу китобларни эслаб утишади. Мазкур китоб Мотуридия ақидасида маълум-у машҳур китоб бўлиб, Мотуридия ақидавий йуналишидаги кишилар учун бу тафсир аввалда ҳам, кейин ҳам бемисл деб саналган.

“Китоб ат-тавҳид” Мотуридийнинг бу китоби қалом илмига оид асарларининг энг аҳамиятга моликлиги ҳисобланади. Зеро, бу асарда у зотнинг қалом илмига тегишли қарашлари қарор топган ва яна энг муҳим эътиқодий масалаларни баён қилган. Шу боисдан “Китаб ут-Таъвий Мотуридия ақидасини танитган асосий манбага айланди. Мотуридийлик ақидавий йуналишида Абу Мансур Мотуридийдан сўнг келган кишиларни барчаси у китобга таянишади. “Китоб ат-тавҳид” яна шунингдек турли исломий гуруҳлар хусусан Муътазила қарашлари зикр этилган қаломга оид манбаларнинг дастлабкиларидан ҳисобланади.

Буюқ фақиҳ Али ибн Абу Бакр ибн Абд ул-Жалил ал-Фарғоний ар-Риштоний ал-Марғиноний 1123 йил 23 сентябрда туғилган, 1197 йилда вафот этган. У Қуръон, ҳадис илмларини муқаммал эгаллаб, фикх-ислом ҳуқуқшунослиги борасида билимга эга бўлганлиги ва бу соҳада беқиёс дурдоналар яратганлиги туфайли Бурҳон уд-дин ва-л-милла (Милла деганда халқ, яъни мусулмонлар тушунилади. Бу ерда олимни улуғлаб, уни ислом оламидаги халқлар ҳамда ислом динининг далили, исботи лейилмоқчи) ва Бурҳонуддин ал-Марғиноний (Марғинон-Марғилон шаҳрини ўрта асрларда араблар Марғинон деб аташган) номлари билан машҳурдир.

1149 йили Бурҳонуддин ал-Марғиноний ҳаж сафарига борди.

Бурҳонуддин ал-Марғиноний ислом динидаги суннийларнинг тўртта

асосий мазҳаби асосчиларининг асарларини ўрганиш билан бирга ўзи ҳам фикҳга оид бир қатор асарлар яратган. Бизгача етиб келган асарларидан «Бидоят ал-мунтаҳий» («Бошловчилар учун дастлабки таълим»), «Кифоят ал-мунтаҳий» («Яқунловчилар учун тугал таълим») «Нашр ул-мазҳаб» («Мазҳабнинг ёйилиши»), «Китоб ул-мазид» («Илмни зиёда қилувчи китоб»), «Маносик ул-ҳаж («Ҳаж маросимлари»), «Мажма ул-навозил» («Нозил бўлган нарсалар тўплами»), «Китоб ул-фароиз» (« Фарзлар китоби») ва бошқалар маълум.

«Ҳидоя»да ҳуқуқий масалаларнинг ечими дастлаб йирик фикҳ олимлари фикрларининг баёни ва унга бошқа муаллифлар эътирозлари ёки қўшилишларини изҳор этиш йўли билан берилган. Ана шу обрўли муаллифлар фикрларидан келиб чиқиб, муайян масалада энг маъқул ечимни танлаб олиш йўлига амал қилинган. Шу тариқа унда қонуннинг айнан ифодасигина эмас, балки унинг мукамал шарҳи ҳам асослаб келтирлади.

«Ҳидоя» тўрт жуздан иборат бўлиб, биринчи жузга ибодат масалалари киритилган, булар: таҳорат, намоз, рўза, закот ва ҳаж китобларидир. Иккинчи жузга никоҳ, эмизиш, талоқ, қулларни озод қилиш, топиб олинган болани насабини аниқлаш, топиб олинган нарса, қочиб кетган қуллар, бедарак йўқолганлар, шерикчилик ва вақф мулки каби масалалар киритилган.

Учинчи жузда эса: олди-сотди, пул муаммолари, кафолат, пулни бировга ўтказиш, қозиларнинг вазифалари, гувоҳлик, берилган гувоҳликдан қайтиш, ваколат, даъво, иқрор бўлиш, сулҳ, бир ишда пул билан шерик бўлиш, пулни сақлашга бериш, қарз бериш, совға, муайян шарт асосида чекланган озодлик берилган қуллар, волийлик (патронат), мажбур қилиш, ҳомийлик, қисман озод бўлган қуллар ва босқинчилик хусусидаги масалалар ўрин олган.

Тўртинчи жузда эса: шафоат, мерос тақсимлаш, деҳқончилик ҳамда боғдорчилик хусусида шартнома, қурбонликка сўйиладиган жонзод ҳақида, умуман қурбонлик қилиш ҳақида, шариатга зид ёмон нарсалар ҳақида, ташландиқ ёрларни ўзлаштириш хусусида, тақиқланган ичимликлар ҳақида, овчилик, гаровга бериш, жиноятлар хусусида, хун ҳақи тўлаш, васият каби масалалар ёритилган.

«Ҳидоя» бир неча асрлар давомида кўп мусулмон мамлакатларида, жумладан, Ўрта Осиёда ҳам ҳуқуқшунослик бўйича энг асосий қўлланма ҳисобланиб, бу ерда 1917 йил инқилобидан кейин ҳам, то 30-йилларгача шариат қозилари бекор қилиниб, совет суд системаси жорий қилингунча, амалда бўлиб келди.

Ҳозирги кунда ҳам ислом шариати асосида иш юритадиган мусулмон мамлакатлар ҳуқуқшунослигида бу асардан кенг фойдаланилади.

2-Мавзу. IX-XII АСРЛАРДА УЙҒОНИШ ДАВРИ ФАЛСАФАСИ.

Режа:

2.3. Марказий Осиёда тарихий шарт-шароитлар ва ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида табиий-гуманитар фанлар тараққиёти.

2.4. Тасаввуф тариқатларининг ижтимоий-фалсафий фикр ривожигаги ўрни.

2.1. Марказий Осиёда тарихий шарт-шароитлар ва ҳозирги

Ўзбекистон ҳудудида табиий-гуманитар фанлар тараққиёти.

Аббосийлар даврида Бағдод шаҳрига асос солиниб, у халифаликнинг сиёсий маркази бўлибгина қолмай, балки салтанатнинг иктисодий, маънавий-маърифий, илмий марказига айлантирилган эди. Аббосий халифалар Мансур (754-776), Хорун ар-Рашид (786-809) ва Маъмун (813-833) даврида илм-маърифатга катта эътибор берилган. Масалан, йирик илмий марказга айланган “Байт ал-хикма”га асос солиниб, бу жойда ўз даврининг машҳур олиму файласуфлари, табиб, мунажжим, мусиқачи, меъмор, муҳандислари тўпланган эди. Бу даврда араблар, яҳудийлар, насронийлар, форслар, мовароуннахрлик ва хуросонликлар томонидан яҳудий, юнон, сурёний, форс, хинд ва бошқа тиллардаги риёзиёт, фалакиёт, мантик, алкимё, хандаса, тарих тиббиёт фанларига оид маданий, илмий-фалсафий асарлар араб тилига таржима қилинган. Қадимги юнон файласуфлари Птолемейнинг “Алмажистий” (Алмагест), Евклиднинг хандаса (геометрия), Афлотун ва Арастуниг катор асарлари араб тилига ўгирилди. Айниқса, Арастуниг мантикқа оид асарларининг таржима қилиниши Бағдод зиёлилари дунёқарашининг бутунлай ўзгаришига олиб келган эди.

Араб халифалиги даврида Ўрта Осиёни Тоҳирийлар (821-873), Саффорийлар (873-904), Сомонийлар (875-999), Ғазнавийлар (977-1186), Қорахонийлар (999-1212) ва Хоразмшоҳлар (1077-1231) каби сулолалар бошқарган. Салжуқийлар (1033-1300) XII асрнинг бошларига келиб, бутунги Ўрта Осиё ҳудудини бутунлай ўз назорати остига оладилар.

Маълумки, салжуқийлар сулоласи илгариги мавкеи йўқолган халифаликни бошқараётган Бағдод халифасининг расмий ҳукмронлигини сақлаган ҳолда, амалда марказлашган давлатнинг дунёвий ишларини бошқарар эдилар. Салжуқий Маликшоҳ даврида узоқ вақт вазирлик қилган фан хомийси Низомулмулк Абу Ҳомид Ғаззолий ва Махмуд аз-Замахшарий каби олимларни ҳам қўллаб-қувватлаган. У Бағдодда расадхона ишини ривожлантириб, машҳур фалакшунос олимларни туплайди. Низомул Мулк ташаббуси билан Бухоро, Хирот, Нишопур, Самарканд, Бағдод каби шаҳарларда “Низомия” номидаги мадрасалар очилган. Ушбу давр илм-фан тараққиётининг эътиборли томони шундаки, купгина олимлар ўз соҳаларида янгиликларга асос соладилар. Масалан, биринчи бўлиб, Умар Хайём таквимига тузатиш киритади. Айниқса, бу давр араб ва форс адабиётининг тараққиёт даври булган. Умуман олганда, ижтимоий-иктисодий, сиёсий жабхаларда кўплаб ўзгаришлар фалсафа, табиий-илмий билимлар ривожига

мухим объектив ва субъектив шарт-шароитларни вужудга келтирган. Ўз навбатида Мовароуннахр диёрида ҳам илм-фан равнаки учун кулай имкониятлар яратилган. Айтиш мумкинки, бундай имкониятлар ХХ асрнинг бошларигача ҳеч вақт вужудга келмади. Бу муаммо бутун Яқин ва Ўрта Шарққа, ҳатто Хитой ва Хиндистонга ҳам хос хусусиятдир.

Х асрнинг охири-ХІ асрнинг бошларида Хоразмда илм-фан, маданият ва санъат кучли ривожланади. Бунда Хоразмшоҳларнинг авлодларидан бўлган шоҳ Маъмун бошчилигида Марказий Осиёда биринчи академия-Маъмун академияси ташкил топиб унга Абу Райҳон Беруний бошчилик қилади. Бу академияга шу даврнинг буюк олимлари, хусусан, Абу Али Ибн Сино ҳам жалб қилинади.

Марказий Осиё ва бутун Яқин ва Ўрта Шарқда табиий-илмий билимлар ва фалсафий тафаккур тараққиётига Абу Наср Форобийдан кейин Ибн Сино билан бир даврда Абу Райҳон Аҳмад Беруний (973-1048) катта таъсир кўрсатди.

Абу Райҳон Беруний илмий ишларининг серқирралиги, фикрий парвозининг юксаклиги билан кишини ҳайратда қолдирадиган буюк даҳодир. У бир юз эликдан ортиқ асар ёзган ўрта асрнинг улуғ алломаси (энциклопедисти)дир.

Абу Райҳон Беруний ҳижрий 362 (мил. 973) йилнинг 2-зулҳижжа ойида Хоразмнинг илк маркази Кат (Қиёт) шаҳри атрофида дунёга келди. У ўз туғилган масканида яхши таълим олди, илк ёшлигидан илмий ишларга берилиб кетди. Ўша пайтда Хоразмда юз берган сиёсий танглик сабабли ўз ватанини тарк этди ва, тахминан, 998 йилдан то 1004 йиллар мобайнида Каспий денгизининг жанубий-шарқий чеккасидаги Жўржон (Гургон)да яшади. Шу йиллари ўзининг йирик асари – “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” китобини яратди. Бу китобнинг рус тилига қилинган таржимаси 1957 йили ва ўзбек тилидаги таржимаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриётида алоҳида-алоҳида китоб бўлиб, босилиб чиқди.

1005 йили Беруний Хоразмга қайтиб келди ва Хоразмшоҳ Абу Аббос Маъмун (1009-1017) саройида ҳурматли мартабани эгаллади. 1017 йили Маҳмуд Ғазнавий (998-1030) Хоразмни ўзига бўйсундиргач, Беруний бошқа олимлар қатори пойтахт Ғазнага олиб кетилди ва умрининг охиригача ўша ерда яшади.

Ғазнада Беруний илмий ишларга берилиб кетди. Султон қўшинлари билан бирга у бир неча бор Хиндистонда ҳам бўлди. Шу пайтларда бу ўлкани атрофлича ўрганишга киришди, натижада, 1030 йили Хиндистон ҳақида ажойиб асар – “Ҳиндларнинг ақлга сиғадиган ва сиғмайдиган таълимотларини аниқлаш китоби” (қисқача “Мўланҳинд” – “Хиндистон”)ни яратди (Бу асар 1963 йилда рус тилида “Фан” нашриётида нашр этилди). Бундан олдинроқ, 1025 йили эса “Турар жойлар орасидаги масофани текшириш учун жойларнинг чегараларини аниқлаш” (қисқача “Геодезия”) асарини ёзиб тугатган эди.

Маҳмуднинг вориси султон Масъудга (1030-1041) Беруний ўзининг

математика ва астрономияга оид энг йирик асари – “Қонуни Масъудий”ни бағишлади. Ундан кейинги султон Мавдуд (1041-1048) даврида Беруний минералогияга оид асари – “Қимматбаҳо тошларни билиб олиш бўйича маълумотлар тўплами” (қисқача “Минералогия”) ни, умрининг охирида эса “Доривор ўсимликлар ҳақида китоб” (қисқача “Сайдана”) асарини ёзди.

Беруний ҳижрий 440 йилнинг 2-ражабида (мил. 1048 йил, 11 декабр) Ғазнада вафот этди.

Беруний ўз даврида тажрибавий билимларни пухта эгаллаган олимлардан бўлиб, бу унинг табиий-илмий ва фалсафий қарашларининг муайян томонларини аниқловчи муҳим омиллардан ҳисобланган.

Беруний борлиқ дунё яратилганми ёки йўқми, деган саволларга дунё яратилган, деб жавоб беради. Унинг қарашларида намоён бўлган икки қарама-қарши ғоялар, яъни бир томондан, дунёнинг яратилганлигини инкор эта олмаслик, иккинчи томондан эса, табиатни мустақил деб билиш, Берунийнинг табиатшунос сифатида дунёни ва табиатни тушунишда маълум даражада деистик (худо дунёни яратиб қўйиб, бошқа унинг ишларига аралашмайди) йўналишга мойиллигини кўрсатади. Худо дунёни бутунлигича яратади ва унга азалдан маълум қонунларни беради. Ана шу қонунлар туфайли табиий куч, яъни табиат ҳаракат қилади. Лекин кейинчалик Беруний ҳатто деизм қобиғининг торлигини сезади ва моддий дунёнинг абадий мавжудлигини тан олишни зарурлигини ҳис этади. Бу фикрнинг исботини у Қуръондан ҳам топади. Ўша даврдаги табиатшунослик фанида эришилган ютуқлар уни Арастунинг табиат фалсафасига танқидий ёндошишга, шунингдек, унинг заиф томонларини фарқига боришга олиб келган. Бу унинг Ибн Сино билан ёзишмасида ўз ифодасини топган. Уларнинг бу ёзишмалари асосан Арастунинг “Ғазо ҳақида” ва “Физика” асарлари бўйича олиб борилган.

Бу ёзишмада Ибн Сино Арастунинг табиат фалсафасини ҳимоя қилган. Беруний эса Ибн Синога эътироз билдирган. Уларнинг баҳси асосан Арасту табиат фалсафасининг муҳим масалаларидан бири – жисмларнинг чексиз бўлиниши бўйича бўлган. Бу борада Берунийнинг Ибн Синога қарши чиққанлигини кўрган айрим муаллифлар уни Демокрит атомизмининг тарафдори деган хулосага келганлар. Лекин Беруний бу масалага бирмунча жиддийроқ қараган. У бўлиниш муаммосини ҳал этишда шундай йўлни топишга ҳаракат қиладики, икки таълимот – атомистик ва чексиз бўлинишнинг ўзига хос қарама-қаршиликларини ва чекланишларини бартараф этишга интилади.

Беруний атомистик назариясини Демокрит атомистик назариясидан фарқи шундаки, Абу Райҳон бўшлиқни инкор этса, Демокрит бўшлиқ – дунёнинг зарурий ажралмас қисми, деб ҳисоблайди.

Беруний Арастуни танқид қилишда даставвал тажрибага мурожаат этади. Унинг бу йўли Арастунинг кузатувчилик усулига қарши қаратилган эди. Шундай қилиб, Беруний жисмларнинг чексиз бўлинувчанлигини тан олиш ва бўлинмас заррачалар тўғрисидаги атомистик таълимотнинг чекланганлигини кўрсатишга интиладию, бироқ бу муаммони тўлиқ ҳал қила олмайди. Шунга қарамай, масаланинг бундай қўйилишининг ўзи ҳам мутафаккирнинг катта

ютуғи бўлган.

Беруний барча унсурлар, шунингдек, оғирроқ унсурларнинг бошқа унсурлардан олдин марказга интилиши тўғрисида гапириб, “Ҳамма унсурлар марказга қараб интилади, лекин вазминроқлари бошқа унсурлардан ўзиб кетади”, деб таъкидлайди. Беруний “Ҳиндистон” асарида унсурларнинг Ерга оддий интилиши тўғрисида эмас, балки барча оғирликларнинг Ер марказига тортилиши ҳақида фикр юритади. Берунийнинг Ибн Синога билдирган эътирозларида муҳитнинг оғирлигини эътироф этиши бу фазо жисмлари билан Ер ўртасидаги тортилиш кучлари борлигини тан оладиган фикрга яқинлашганлигини кўрсатади.

Берунийнинг бошқа дунёлар мавжудлиги тўғрисидаги таҳмини унинг фалсафий ютуқларидан бири ҳисобланади. Беруний бошқа дунё ҳақида фикр юритар экан, бошқа моддий дунё эҳтимол бизнинг дунёмиз сингари табиий хусусиятга эга бўлиб, “ҳаракат йўналишлари эса, бизнинг дунёмиздаги ҳаракат йўналишларидан фарқ қилади”, дейди.

Буюк табиатшунос Беруний ўзининг салафлари, хусусан, Аҳмад Фарғоний ва Муҳаммад Хоразмий ишлаб чиққан билишнинг илмий усулини ривожлантириб, янада чуқурлаштирди. Унинг айтишича, “Кузатишнинг кўплиги кўрилган нарсаларни эслаб қолиш қобилиятини яратади”. Беруний ўзининг ўғитида: “Билиминг шундайки, у яланғоч бўлсанг ҳам ўзингда қолади, уни ҳаммомга кирганиндаги хўллик ҳам йўқота олмайди”, - дейди. Беруний инсон хотирасини “Аллоҳнинг тухфаси”, деб ҳисоблайди. У “тиришқоқлик ва кўп шуғулланиш билан ҳам хотирани мустаҳкамлаш мумкин”, - дейди.

Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқда тажрибага таянувчи фанларнинг асосчиларидан бўлган Беруний табиат ҳодисаларини билишдаги назарий-мантиқий хулоса, қиёслашнинг аҳамиятини бениҳоя катта эканлигини уқтириб ўтади. Беруний тарихий ҳодиса ва воқеалар ҳақиқатини билишга тааллуқли ҳамма масалаларни ҳар тарафлама ўрганиш зарурлигини кўрсатади ва бу билан нотўғри йўлга тушиб қолишдан эҳтиёт бўлишга чақиради. У шундай ёзади:

“Хабар кўз билан кўргандек бўлмайди, деган кишининг сўзи жуда тўғридир. Чунки кўриш кўринган нарсанинг ўзи бор пайтида ва ўз жойида турганида қаровчи кўзининг уни учратишдан иборатдир. Хабарга ёлғон-яшиқлар қўшилмаганда, у кўришга нисбатан ортиқроқ ўринда турган бўлар эди. Чунки кўриш ва қараш шу пайт, шу он билан чекланади. Хабар эса нарсанинг кўринган пайти ва вақтдан илгари ўтган ва кейин келадиган ҳолларидан дарак беради; ана шунинг учун хабар мавжуд нарсалардан ҳам, келажак нарсалардан ҳам дарак бераверади. Ёзиш хабар турларининг бири бўлиб, уни бошқа турлардан кўра афзалроқ ҳисоблаш мумкин; қаламнинг мангу ёдгорликлари бўлмаганда, халқларнинг тарихини қандай билар эдик?!

Сўнгра, одатда бўлган ҳол ҳақида берилган хабар бир хил эмас, балки (фарқсиз) рост ва ёлғон бўлиши мумкин”.

Беруний ёлғон хабарларнинг муайян ва умумий илдизларини очиб ташлайди. У буларни маълум гуруҳ кишиларининг манфаатларини қарама-қаршилигида кўради. Унингча, чинакам жасорат, қахрамонлик сўздами ё

амалдами, ҳар икки ҳолатда ҳам ёлғонга қарши курашда ўлимни ҳам писанд қилмасликда намоён бўлади. “Ёлғончиликдан четланиб, ростгўйликка ёпишган кишини бошқа одам у ёқда турсин, ёлғончининг ўзи ҳам севиб мақтайди. Ахир, ўз зарарингизга бўлса ҳам, рост гапиринг дейилганку”, деб ёзади у.

Кузатиш, кўриш, тажрибалар қилиш, мантиқий умумлашмалар чиқариш, маълумотларни тўплаш, халқ оғзаки ижоди, ёзма ёдгорликларни ўрганиш, барча хабар, манбаларга танқидий қараш ҳақиқатни аниқлаш учун уларни бир-бири билан таққослаб кўриш, тил қурилишини, ёзувларни ўрганиш – булар ҳаммаси ўрта асрнинг буюк қомусчиси Абу Райҳон Беруний илмий усулининг асосини ташкил этади.

Агар Форобий исломий янги афлотунчилик фалсафасининг асосчиси ва унинг Ғарбдаги охириги намоёндаси Проклдан кейинги энг буюк файласуф бўлса, бу фалсафани ҳам Шарқда, ҳам Ғарбда ҳимоя қилган шахс Абу Али Ҳусайн ибн Синодир (980-1037). XIII асрда лотин тилида қалам тебратган муаллифлар уни Авиценна деб аташган. У исломда янги афлотунча фалсафани юқори даражага кўтарган эди. XII ва XIII асрнинг машҳур олимлари бўлган “Миллал ва ниҳал” (“Миллатлар ва мазҳаблар”) муаллифи Шаҳристоний (ваф. 1153 й.), мутакаллим Фаҳриддин Розий (ваф. 1209 й.) ва Насриддин Тусий (ваф. 1273 й.)лар Ибн Сино асарларига шарҳ ва тафсиллар ёзишган.

Ибн Сино исломий фалсафа маданиятини бойитиб ҳам араб, ҳам форс тилларида асарлар ёзган. Унинг “Донишнома”си форс тилида ёзилган биринчи машҳур фалсафий асардир.

Доминикан орденининг руҳонийси Жорж Қанавотий ўз тазкирасида Ибн Сино асарларининг 274 номдаги рўйхатини келтирган.

Ибн Синонинг энг катта фалсафий асари “Китоб аш-шифо” бўлиб, исломий ва юноний илмлардан тортиб, мантиқ ва риёзиётни ҳам ўз ичига олган. Унинг бошқа йирик асари “Китоб ал-ишорат ва танбиҳот” талабалар орасида “Китоб аш-шифо” дан кўра, катта эътиборга сазовор бўлган эди. Ушбу китоб унинг умрининг охирида ёзилганлиги туфайли, мустақил фикрлар баёнидир.

Ибн Сино тафаккури шаклланишида икки омил муҳим ўрин тутган: биринчиси “Ихвон ас-сафо” фалсафий анжуманининг рисоалари, иккинчиси Абу Наср Форобий асарлари. XII аср тарихчиси Байҳақийнинг ёзишича, Ибн Сино отаси каби “Ихвон ас-сафо” рисоаларини қайта-қайта ўқир эди. У бир неча ирфоний рисоалар ёзиб, уларни “Шарқ фалсафаси” ёки “ишроқ” деб атаган.

Ибн Сино Форобий каби Арасту-Птолемей дунёқарашларига асосланган янги афлотунча қарашлар тизимини вужудга келтирган. У дунёнинг илоҳий судур босқичларидан келиб чиққанлигини исботлашга уринади. Ибн Сино ўзининг “Китоб аш-шифо” асарини мантиқ илмининг қисқача баёнидан бошлаб, унга Арасту, янги афлотунча ва равоқийлар қарашларини қўшган. Ибн Синонинг ҳаракат, сокинлик, замон, макон, бўшлиқ, чексиз ва чекланганлик ҳақидаги фикрлари бунга ёрқин мисол бўла олади.

Ибн Синонинг фалсафий қарашлари уч катта бўлимдан ташкил топган – метафизика, физика, логика-мантиқда ўз аксини топган бўлиб, метафизика – илоҳиёт, вужуд ва мавжудот, дунёнинг бошланиши, тузилиши, таркиби ҳақидаги масалаларни талқин этади; физика-табиатшунослик масалалари, жисм, моддани ўрганиш билан боғлиқ бўлган барча масалаларни ўз ичига олади; мантиқ тўғри фикрлаш санъати, ақлий билиш шакллари ўрганади. Умумий фалсафий масалалар назарий ва амалийга бўлиниб, ўз навбатида, уларнинг ҳар бири қатор илмларни ўз ичига олади.

Вужуд, мавжудот таркиби, илмлар таснифи Ибн Синонинг борлиқ, мавжудот ҳақидаги онтологик таълимотини Форобий таълимотининг давоми, ривожи деб таърифлаш мумкин.

Ибн Сино вужудни иккига: зарурий вужуд-вожиб ул-вужуд ва мумкин ул-вужуд – вужуди мумкинга ажратади. Зарурий вужуд ҳамма мавжуд нарсаларнинг бошланғичи – биринчи сабаби – яъни Аллоҳдир, ундан келиб чиқувчи бошқа борлиқ нарсалар вужуди мумкиндир.

Биринчи ягона вужуддан келиб чиқувчи вужудлар, мавжуд борлиқнинг турли туман шакллари, бошланғич ягона вужуднинг ифодаланишидир. Аста-секин келиб чиқувчи борлиқ шакллари, яъни сўнгги вужудлар сабаб-оқибат муносабати шаклида ўзаро боғлиқдир. Биринчи вужуднинг хислатлари ундан келиб чиқувчи барча вужудларга ўтиб боради. Вужуд ҳақидаги фикрлар, мавжудот шаклларининг ўзаро боғланиши, эманатсия Ибн Синонинг “Китоб аш-шифо”, “Китоб ан-нажот”, “Донишнома” каби асарларининг метафизика бўлимида ҳар томонлама баён этилган.

Ибн Сино вужуди мумкинни жавҳар (субстансия) ва ораз (акциденция)га ажратади. Жавҳар турли кўринишларга эга бўлиб, у содда ва мураккабдир. Содда жавҳар бошланғич унсурлар – олов, ҳаво, сув, ердан иборат, шунингдек, модда ва шаклнинг бирлигидан ташкил топиб табиат, ўсимлик, ҳайвонот, инсон шаклида мавжуддир.

Фалсафа фанини Ибн Сино икки катта бўлимга ажратади:

1) Назарий фалсафа – метафизика (олий фан), математика (ўрта фан) ҳамда табиат ҳақидаги фан – табиатшунослик (пастки фан)дан иборатдир.

2) Амалий фалсафа – сиёсат, ҳуқуқ, уй ишларини ўрганиш – иқтисод ва ахлоқшунослик, яъни этикадан ташкил топади.

Метафизика олий илм сифатида мутлақ вужудни ўрганиш, яратувчини билишни ўз ичига олади. Фалсафа фанини ифодалашда Ибн Сино Арастуга асосланади.

Математика миқдорий муносабатларни – ўлчов ва сонларни ўрганади. У турли тармоқларга, чунончи, арифметика, геометрия, астрономия, мусиқа, оптика, механика, осмон жисмлари ҳаракатини илмий асбоб-ускуналарни ўрганувчи фан каби тармоқларга эга. Тиббиёт, астрология, физиогномика, кимё каби илмлар ҳам табиатшуносликка киради.

Ибн Сино ўзининг “Ишорат ва танбиҳот” асарида шундай таъкидлайди: “Инсон ўз шахсий талаблари жиҳатидан бошқалардан ажралган ҳолда яшай олмайди, чунки у инсониятнинг бошқа вакиллари билан муносабатда бўлибгина уларни қондира олиши мумкин”. Бунинг учун барча жамоа

аъзоларини бирлаштириб турувчи ҳуқуқий қонунлар зарур бўлади. Ҷамоанинг барча аъзолари фойдали меҳнат билан шуғулланмоқлари зарур. У инсонларнинг жамиятдаги ўрни ва вазифаларига қараб 3 гуруҳга ажратади:

А) давлат идораларида хизмат қилувчи ва жамиятни бошқариш ишлари билан шуғулланувчилар;

Б) бевосита хом ашё, зарур маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан машғул бўлганлар;

В) давлатни қўриқлаш, уни турли ташқи ҳужумлардан сақлашни таъминловчи ҳарбийлар.

Ҷамиятнинг бу гуруҳлари ўзаро бир-бирларига боғлиқ ва ҳар доим мулоқотда бўладилар, бир-бирларисиз яшай олмайдилар.

Ибн Сино ўзининг “Рисолату тадбири манзил” асарида шундай ёзади: “Одамларнинг мулкӣ тенгсизлиги, вазифасининг бир хил эмаслиги, ўзаро фарқлари, инсон ижтимоӣ фаолиятининг асосӣ сабабидир”.

Ибн Сино яна бошқа бир асарида шундай ёзади: “Ўзаро боғлиқлик ва алмашув жараёнида инсонлар бир-бирларини қандайдир муҳтожликдан холи этадилар. Бунинг учун инсонлар ўртасида ўзаро келишув зарур бўлиб, бу келишув туфайли адолат қоидалари ва қонунлари ўрнатилади. Қонуншунос эса бу қоидаларга бажарилиши шарт бўлган мажбурият тусини беради. Шунингдек, у ёмон ишларни қилувчиларни ҳам, яхши ишларни рўёбга чиқарувчиларга ҳам баҳо бериши зарур. Бунинг учун олий қонуншунос ва қозини тан олиш зарурки, инсонлар ўз фаолиятларида уларнинг ҳукмларидан фойдалансинлар”.

Демак, ҳар қандай жамият, давлат маълум адолатни ҳимоя этувчи ҳуқуқий қонунлар асосида идора этилиши, адолатсизликка йўл қўймаслиги керак. Ибн Синонинг ижтимоӣ-сиёсий қарашлари шаклланишида исломдаги демократик оқимлар ўз таъсирини ўтқазган.

Мусо Ал-Хоразмий (783-850) буюк математик, астроном ва географ Муҳаммад ал-Хоразмий VII асрнинг охири ва IX асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этди. Бу даврда Ўрта Осиё араб халифалиги таркибига кирар эди.

Хоразмий дунё фанига ғоят катта ҳисса қўшди. У алгебра фанининг асосчиси бўлди. «Алебра» сўзининг ўзи эса унинг «Ал-китоб ал-мухтасар фи ҳисоб ал-жабр ва ал муқобала» номли рисоласидан олинган. Унинг арифметика рисоласи ҳинд рақамларига асосланган бўлиб, ҳозирги кунда биз фойдаланадиган ўнлик позицион ҳисоблаш системаси ва шу системадаги амалларнинг Оврўпода тарқалишига сабаб бўлди. Олимнинг «ал-Хоразмий» номи эса «алгоритм» шаклида фанда абадий ўрнашиб қолди. Унинг географияга доир асари эса араб тилида ўнлаб географик асарларнинг яратилишига замин яратди. Хоразмийнинг «Зиж»и Оврўпода ҳам, Шарқ мамлакатларида ҳам астрономиянинг ривожланиш йўлини кўрсатиб берди.

Маълумки, ал-Маъмун 809 йилдан Марвда дастлаб халифа Хорун ар – Рашиднинг ноиби сўнг 813 йилдан бошлаб халифа бўлади ва 819 йили Бағдодга кўчади. Ал-Маъмун Марвда бўлганида Хоразмийни Ўрта Осиёлик ва хуросонлик бошқа олимларни ўз саройига жалб қилган.

Халифа ал-Маъмун даврида Бағдодда Ўрта Осиё ва Хуросондан келган

бир гуруҳ йирик олимлар ижод этган. Улар орасида Хоразмий билан бир қаторда марвдан Яхё ибн Абу Мансур, ал-Фарғоний, Хабаш ал-Марвазий Холид ибн Абдумалик ал-Марваррудий, Форобдан Абул Аббос ал-Жавхарий ва бошқа олимлар бор эди.

Бағдодда ал-Маъмун отаси томонидан асос солинган илмий марказ – «Байт ул-хикма» фаолиятини ҳар томонлама такомиллаштириб, унга йирик давлат муассасаси тусини бериб, аввалига таржимонлик фаолиятини кенг кўламда ривожлантирди.

Марвлик машҳур астроном ва математик Хабаш ал-Ҳосиб («Ҳисобчи хабаш») лақаби билан маълум бўлган Аҳмад ибн Абдуллоҳ ал-Марвазий ҳам Бағдодда Хоразмий билан ҳамкорликда ишлаган. У иккита «зиж» тузган бўлиб, булар Ўрта аср астрономлари томонидан кенг фойдаланилган. Тадқиқотчиларнинг кўрсатишича, у тагенс ва котангенс, косеканс функцияларини киритиб, уларнинг жадвалларини ҳам келтирган.

Хоразмий билан Бағдодда, кейинчалик «Маъмун академияси» деб танилган «Байт ул-ҳикма»да ижод этган олимларнинг барчасини ҳам ўрта осиелик ёки хуросонлик дейиш хато бўларди. У ерда Сурия, Ироқ, Эрон ва халифаликнинг бошқа ерларидан келган олимлар ҳам ишлаган. Бироқ улар орасида ўрта осиеликлар салмоқли ўрин эгаллаган. Хоразмий ана шундай илмий муҳитда яшаб ижод қилди ва 850 йилда Бағдодда вафот этди.

Хоразмий қаламига мансуб 20 дан ортиқ асарларнинг фақат 10 таси бизгача етиб келган. Булар «Алжабр ва алмуқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб» - алгебраик асар. «Ҳинд ҳисоби ҳақида китоб» ёки «Кўшиш ва айириш ҳақида китоб»-арифметик асар; «Китоб суръат-ул-арз», географияга оид асар. «Зиж», «Астурлоб билан ишлаш ҳақида китоб», «Астурлоб яшаш ҳақида китоб», «Астурлоб ёрдамида азимутни аниқлаш ҳақида», «Китоб ар – руҳома», «Китоб ат-тарих», «Яхудийларнинг тақвими ва байрамларини аниқлаш ҳақида рисола». Бу асарларнинг тўрттаси араб тилида, биттаси Фарғонийнинг асари таркибида лотинча таржимада сақланган ва қолган учтаси ҳали топилган эмас.

Хоразмий ҳинд рақамлари асосида ўнлик позицион системада сонларнинг ёзилишини батафсил баён қилади. У сонларнинг бундай ёзилишидаги қулайликлар, айниқса, ноль ишлатилишининг аҳамиятини алоҳида таъкидлайди. Кейин Хоразмий арифметик амалларни баён қилишга ўтади. Бунда хоразмий сонларнинг мартабаларини, яъни разрядларини эътиборга олишни ҳамда нолни ёзишни унутмасликни уқтиради, акс ҳолда натижа хато чиқади, дейди у.

Рисоланинг бошланишида Хоразмий ундаги масалалар ўз даврининг амалий талабларига жавоб сифатида вужудга келганлиги қайд қилинади.

У шундай дейди: «... Мен арифметиканинг оддий ва мураккаб масалаларини ўз ичига олувчи «Алжабр ва алмуқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб»ни таъриф қилдим, чунки мерос тақсим қилишда, васиятнома туишда, мол тақсимлашда ва адлия ишларида, савдода ва ҳар қандай битимларда ва шунингдек, ер ўлчаш, каналлар ўтказишда, (амалий) геометрия ва бошқа шунга ўхшаш турлича ишларда кишилар учун бу

зарурдир.

Хоразмий алгебраси- бу сонли квадрат ва чизикли тенгламаларни ечиш ҳақидаги фандир.

Хоразмийнинг айтишича, алгебрада уч хил сон билан иш кўрилади: илдиз (жизр) ёки нарса (шай), квадрат (мол) ва оддий сон ёки дирҳам (пул бирлиги). Яна унинг айтишича, илдиз ўзини ўзига кўпайтириладиган миқдордир, квадрат эса илдизни ўзига кўпайтиришда ҳосил бўлган катталиқдир. Хоразмий иш кўрадиган тенгламалар мана шу уч миқдор орасидаги муносабатлардир.

Хоразмийнинг бошқа асарларидан фарқли ўлароқ, унинг алгебраик рисоласининг учта қўлёзмаси сақланган. Улар Кобулда, Мадинада ва Оксфорд университетининг Бодлеян кутубхонасида сақланади.

Хоразмийнинг энг йирик астрономик асари унинг «Зиж»идир. Олим бу асарни 830 йил атрофида ёзган.

Асар 1037 йили кўчирилган ягона арабча нусхасида бизгача етиб келган бўлиб, бу нусха Страсбург университети кутубхонасида сақланади.

Китобда шаҳарлар, тоғлар, денгизлар, ороллар ва дарёлардаги 2402 та географик жойнинг координатлари келтирилади. Шаҳарлар, дарёлар, тоғлар, ороллар ва бошқа объектлар иқлимлар бўйича тақсимланган. Иқлим сўзи юнонча клима-«оғиш» сўзидан келиб чиққан бўлиб, уни фанга Гиппарх (эрамиздан олдинги II аср) киритган. Гиппарх Ернинг одамлар яшайдиган қисмини 12 та иқлимга ажратган. Ундан сўнг Птолемей иқлимларнинг сонини 8 тагача камайтиради, лекин ўз «География»сида у иқлимлар назариясига тўла риоя қилмайди, чунки географик жойларни минтақалар ва епархиялар бўйича тақсимлайди.

Географияни иқлимлар назариясига тўла риоя этган ҳолда биринчи марта Хоразмий баён қилади. У ернинг маъмур, яъни инсонлар яшайдиган обод қисмини етти иқлимга ажратади. Хоразмий қадимги юнон олими Птолемейдан фарқли ўлароқ, минтақалар, мамлакатлар ва улардаги географик жойларни тавсифламайди, балки 1-иқлимдан то 7-иқлимгача жойлашган жойларни тавсиф этади.

Хоразмийнинг географик рисоласи ўрта асрлардаги энг биринчи географик асар эди.

Хоразмий ҳам Птолемей каби узунликларни Канар оролларида бошлаб ҳисоблайди. Хоразмий экватордан жанубда 8 шаҳар, 1-иқлимда 64-шаҳар, 2-иқлимда 54 шаҳар, 3-иқлимда 59 шаҳар 4-иқлимда 146 шаҳар, 5-иқлимда 79 шаҳар, 6-иқлимда 63 шаҳар, 7-иқлимда 25 шаҳар ва 7-иқлимдан шимолда 40 шаҳарнинг координатларини келтиради.

Рисоланинг иккинчи бобида иқлимлардаги тоғлар тавсифланади. Тоғларнинг боши ва охирининг координатлари келтирилади. Хоразмий Яқин ва Ўрта Шарқдаги ҳамда Кавказ ва Ўрта Осиёдаги тоғларни ҳам у ерлардаги шаҳарлар каби татафсил баён қилади. Бунга қараганда олим у ерларнинг географияси билан шахсан таниш бўлган кўринади.

Рисоланинг учинчи бобида Хоразмий денгизларни, тўртинчи бобида оролларнинг қирғоқ чизиклари ва улардаги пунктларни, бешинчи бобда эса

мамлакатларни, олтинчи бобида эса дарёлар ва булоқларни тавсифлайди.

Аҳмад Фарғоний (тахминан 797 – 865 йиллар) ўрта асрларда яшаган ўрта осийлик олимлар орасида буюк астроном, математик ва географ.

Халифа Хорун ар-Рашид 809 йили Тусда тўсатдан вафот этади ва унинг васиятига кўра Бағдодда тахтга катта ўғли Муҳаммад ал-Амин номи билан ўтиради. Саройдаги хуросонлик аъёнлар эса Абдуллоҳни тахтни қўлга олишга даъват этадилар. 811 йилдан 813 йилгача ака-ука Муҳаммад ва Абдуллоҳ ўртасида тахт учун олиб борилган кураш Абдуллоҳнинг ғалабаси билан тугайди ва Муҳаммад қатл қилинади. Ўша йили Абдуллоҳ тахтга ал-Маъмун номи билан ўтиради. Лекин у Бағдодга бормаи 819 йилга қадар Марвда яшайди. Натижада, Марв 813 йилдан то 819 йилгача халифаликнинг вақтинча пойтахти бўлиб туради. 819 йили ал-Маъмун бутун сарой аъёнлари ва уламолари билан бирга Бағдодга кўчади. Улар орасида ал-Фарғоний ҳам бор эди.

Ал-Фарғонийнинг ҳаёти ҳақидаги энг сўнгги ва энг аниқ хабар 861 йил билан боғланади. Мавжуд маълумотларга кўра, у шу йили Қоҳира яқинидаги Равзо оролида нилометрни, яъни Нил дарёси суви сатҳини белгиловчи усқунани ясаган ёки таъмирлаган.

Маълумотга кўра, ал-Фарғоний Мирсда насронийлар орасида яшаб, уларнинг динига ўтганлиги ва шунинг учун у қатл қилинганлиги қайд этилади.

Ал-Фарғонийнинг асосий астрономик асари «Самовий ҳаракатлар ва умумий илми нужум китоби» («Китоб ал-ҳаракат ас-самовийа ва жавомиъ илм ан-нужум») XII асрда Оврўпода лотин тилига икки марта ва XIII асрда бошқа Оврўпо тилларига ҳам таржима қилингандан сўнг, унинг лотинлаштирилган номи «Алфраганус» шаклида Ғарбда бир неча аср давомида кенг тарқалади.

Ҳозирги кунда ал-Фарғонийнинг саккиз асари маълум бўлиб, уларнинг ҳаммаси астрономияга алоқадор ва бирортаси ҳозирги замон тилларига таржима қилинмаган. Улар қуйидагилардир: юқорида тилга олинган асар, одатда уни «Астрономия асослари ҳақида китоб» номи билан ҳам аташади - кўлёмалари дунё кутубхоналарининг деярли барчасида бор. «Астурлоб яшаш ҳақида китоб»-кўлёмалари Берлин, Лондон, Машҳад, Париж ва Техрон кутубхоналарида, «Астурлоб билан амал қилиш ҳақида китоб»- биргина кўлёмаси Рампурда (Ҳиндистон), «Ал-Фарғоний жадваллари»- кўлёмаси Патнада (Ҳиндистон), «Ойнинг Ер остида ва устида бўлиш вақтларини аниқлаш ҳақида рисола»-кўлёмаси Қоҳирада, «Етти иқлимни ҳисоблаш ҳақида»-кўлёмалари Готада ва Қоҳирада, «Қуёш соатини яшаш ҳақида китоб»- кўлёмалари Ҳалаб ва Қоҳирада сақланади. «Ал-Хоразмий «Зиж»ининг назарий қарашларини асослаш» асари Беруний томонидан эслатилади, лекин кўлёмаси топилмаган.

Иқлимнинг ал-Фарғоний келтирган тавсифлаш усули ал-Хоразмийникидан фарқ қилади.

Унинг иқлимлар тавсифида 3,4,5,6 ва 7-иқлимларнинг тавсифи диққатга сазовордир. Чунки буларда Марказий Осиёнинг ва унга туташ

ерларнинг шаҳар ва вилоятлари тавсифланади. Шунинг учун қуйида ўша тавсифларни ўз ичига олган парчани келтирамиз.

«Учинчи иқлим шарқда бошланиб, Хитой мамлакатининг шимолидан, сўнг Ҳинд мамлакатидан сўнгра Кобул ва Кермон вилоятларидан ўтади.

Тўртинчи иқлим шарқдан бошланади ва Тибатдан, сўнгра Хуросондан ўтадики, бунда Хўжанд, Усршона, Фарғона, Самарқанд, Балх, Бухоро, Ҳирот, Амуя, Марварруд, Марв, Сарахс, Тус, Нишопур шаҳарлари бор. Ундан сўнг Журжон, Қумис, Табаристон, Демованд, Қазвин, Дайлам, Рай, Исфахондан ўтади.

Бешинчи иқлим шарқда Яжуж мамлакатидан бошланади, сўнг Хуросоннинг шимолидан ўтади, унда Тороз шаҳри-савдогарлар шаҳри бор. Навокат (Навкат), Хоразм, Исфижоб (Сайрам), Турабанд (Ўтрор-ҳозирги Арис) ва Озарбайжон, Армения (Арманистон) вилояти, Бардаъа (Барда), Нашава (Нахчивон) шаҳарлари бор.

Олтинчи иқлим шарқдан бошланади ва Яжуж мамлакатидан ўтади, сўнг Хазар мамлакатидан (Шимолий Кавказ ва Қуйи Волгабўйи), Журжон (Каспий) денгизининг ўртасидан кесиб ўтади ва Рум (Византия) мамлакатигача боради.

Еттинчи иқлим шарқда Яжуж мамлакатининг шимолидан бошланади, сўнг туркий мамлакатлардан (Марказий Осиё) ўтади, сўнг Журжон денгизининг шимолидан ўтади, сўнг Рум денгизини (Қора денгиз) кесиб ўтади ва сақлаблар (славянлар) мамлакатидан ўтади ва Ғарб денгизиди (Атлантика) тугайди».

2.2. Тасаввуф тариқатларининг ижтимоий-фалсафий фикр ривожигаги ўрни.

Тасаввуф (сўфийлик ёки сўфизм) ислом фалсафасида диний фалсафий йўналиш сифатида VIII асрнинг ўрталарида араб халифалиги мамлакатларида вужудга келди. У асосан, шу мамлакатларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий тараққиётининг хусусиятлари билан тақозо қилинган бўлса ҳам, лекин унда неоплатонизм таълимотининг, иудаизм, христианлик, зардуштийлик ва айниқса буддизм диний таълимотларининг таъсирини яққол кўриш мумкин. Тасаввуф пайдо бўлганидан кейин у турли даврларда, дастлаб араб мамлакатларида, кейинчалик Яқин ва Ўрта Шарқ, Марказий Осиё, Шимолий Ҳиндистон, Покистон, шимоли-ғарбий Хитой, Индонезия каби мамлакатларга кенг тарқалади. Натижада, тасаввуф дунёдаги турли халқларнинг ижтимоий ҳаётидан, уларнинг фалсафий ва бадиий тафаккуридан кенг ўрин олган, кўп тармоқли, кўп йўналишли мураккаб таълимотга айланади. Лекин у турли мамлакат халқлари ўртасида турлича мазмун касб этса ҳам, унинг руҳи исломий руҳ бўлиб қолади.

Тасаввуф ислом таълимоти оламидаги мазҳаблар, оқимлар силсиласи ичида ўзининг демократик қарашларига изн бергани, инсон қалби ва руҳиятини нишонга олиб, ахлоқий покликни тарғиб қилиши билан, жаҳолат ва худбинликка қарши майдонга чиққанлиги жиҳатидан **илми ваҳдат** ёки **илми тавҳид** номини олади. У ислом дунёсидан «тариқи тасаввуф», яъни

тасаввуф йўли сифатида мусулмон аҳлининг эл-юрт ишларини адо этишию, шариат қоидаларига риоя қилишнинг бирдан-бир тўғри йўли, деб қаралади. Илмий, фалсафий ва диний адабиётларда «тасаввуф» сўзининг луғавий маъноси нимадан иборатлиги ва у қандай сўздан келиб чиққанлиги тўғрисида ханузгача ягона фикрга келингани йўқ. Кўпчилик тадқиқотчилар тасаввуф сўзи, асли арабча: «суф» сўзи (ундан «сўфи», «сўфизм» сўзлари ҳам) дан келиб чиққан бўлиб, «суф» - бу арабча: «суффа» - ўзбекча жун, жундан, дегани, бу таълимот йўлига кирган кишилар дастлаб жундан тўқиб тайёрланган хирқа (бизнингча: чакмон) кийиб юришган, шу сабабли улар таълимоти «сўфийлик» ёки «тасаввуф» дейилиб, ўзлари эса «сўфилар» деб аталган, деган фикрни билдиришади.

Бошқа тадқиқотчилар эса «тасаввуф» ни, унинг ўзаги «суф» ни юнон тилидаги «софос» («донимандлик») сўздан олинганлигини қайд қилишади. Тасаввуф таълимотининг йирик тадқиқотчиларидан бири А. Крымскийнинг ёзишича, «сўфи» сўзи VIII асрнинг ўрталаридан бошлаб адабиётларда қўлланила бошлаган. Бу сўз дастлаб, асосан, комил, етук, эътиқодли мусулмон дарвишларга нисбатан ишлатилган. «Қиёс ул - луғат» да эса шундай ёзилган. «Сўфи – хирқапўшдир, зероки, юнгни суф дейилади; фуқаронинг истилоҳидан, ўз дилига нигоҳ қаратган, ҳаёлини ҳақдан бошқа барча нарсалардан поклаган киши «сўфи» деб аталади», дейилади. Шунингдек, мутасаввуф Муҳаммад Ғиёсиддин: «сўфи», "суфа" сўзига мансуб бўлиб, сўфийлар жоҳилият айёмида Каъбада халқни ҳаққа даъват этиш иши билан шуғулланганликлари сабабли улар тасаввуф аҳли мавқеига эришганлар, деб ёзади.

Мутасаввуф Абул Ҳасан Али Ҳажирийнинг шарҳлашича хирқапўшлар яъни сўфилар азалий софлик ва покликка восил бўлганлар: асҳоби суффа, яъни тиловат қилувчи ва таваллочилар гуруҳини ҳам сўфилар, дейилган. Баъзи мутафаккирларнинг фикрича "суф" сўзи (арабча «свф») нинг ҳар бир ҳарфи аниқ маънога эгадир. Масалан: "С" - садоқат, синоат, саодат; «В» - васл, вафо; «Ф» ҳарфи фароҳ, фотиҳа сўзларидан иборат, дейилади.

Ватандошимиз Абу Райхон Беруний шундай шарҳ келтиради: «Юнонча "суф" сўзи бизча ҳикматдир. Шунинг учун файласуфга «филосуфа», яъни «ҳикматни суювчи» деб исм берилган. Мусулмонлардан бир гуруҳи ўша тушунчага яқин фикрга боргандан улар ҳам "суффия" деб аталдилар. Мусулмонларнинг баъзилари "суффия" сўзининг термин эканини билмасдан уни «сод» ҳарфи билан ёзиб, уни "суффа" сўзига нисбат бериб: «Суффа суҳбатдошлари - асҳоби суффадан иборат кишилар», дейдилар. Ундан кейин бу сўзни Суфатуюс - яъни така жуни сўздан қисқартирилган, деб тушунишдилар», - дейди.

Озарбайжон олими А.Г.Алиев ўзининг тасаввуфга бағишланган мақоласида Яхъё Сухравардиннинг бу ҳақда: «Куръон» да "сўфи" сўзи йўқ ва бу сўз туркийдир. Ислом мамлакатларининг иккала қисмида ҳам бу сўздан беҳабар бўлишган», деган фикрларни келтириб, у қадимий туркларнинг дунёқарашида сув култи муҳим ўрин тутганлигини, «суф» сўзи ана шу "сув" сўздан яралган деган фикрни илгари суради.

Умуман, тасаввуф қандай сўздан келиб чиққан бўлса ҳам, у софлик, поклик, риёсизлик, тақво ҳақидаги таълимот, қарашларни ифодалайди.

Қадимда шайх Абусаид Абухайрдан: «Тасаввуф нима?» - деб сўраганларида, у киши: «Бошингга не бўлса, чиқариб ташлаш, кўлингга неки бор, кўлингдан чиқариш ва бошқалардан сенга нима озор етса, ранжимаслик», - деб жавоб берган экан. Ҳақиқий тасаввуф аҳли чиндан ҳам бу шартларга амал қилиб яшаган.

Тасаввуф таълимоти пантеизм, аскетизм ва мистицизм ғояларини тарғиб қилиш билан бирга, унинг асосида инсон, унинг маънавий-ахлоқий камолоти ғояси ётади. У инсонни зўр қатъият билан ёмон ахлоқдан қутулиши ва яхши ахлоққа етишишга етаклайди. Бинобарин, унингча, «Ризо аҳли» бориға қаноат қилувчи кишилардир.

Шайхул-машойих мутасаввуфларнинг қайд қилишича, тасаввуф - нафс лаззатларидан воз кечиб нафс манзилларини босиб ўтиб Оллоҳ васлига етишишдир. Улар тасаввуфни - ўлими йўқ ҳаёт ва ҳаёти бўлмаган ўлимдир деб, инсоннинг ҳайвоний нафсоний ҳаётида ўлмоқни ва инсоний ҳаётда яшамоқни илгари сурувчи таълимот деб изоҳлайдилар. Кимнинг вужудида ҳайвоний ҳирслар, ҳайвоний ҳислар устунлик қилса у тилсиз ва онгсиз махлуқ ҳайвонга айланиб, нафс тузоғига илинади: нафс инсондаги энг хатарли душман, унинг ўз ғаними ичида, деган ғоя тасаввуф таълимоти асосида ётади. Мутасаввуфларнинг фикрича, инсоннинг ахлоқини тузатиш, уни маънавий камолотга етказиш учун инсон ўз табиатидаги салбий, ҳайвоний ҳиссиётларни маҳв этиши керак. Унда иймон, виждонни, Ҳаққа эътиқодни тарбиялаш зарур. Бинобарин, иймонли, яъни пок ва ростгўй, инсофли ва ҳалол, меҳр мурувватли авлодни тарбиялаб вояга етказиш жамиятнинг асосий вазифаси бўлиши лозим. Иймон инсон учун муқаддас туйғу. Иймон билан Ҳаққа эътиқод қилдингми - ҳеч кимни алдама, ҳеч кимга озор берма, ҳаётда ҳалол билан ҳаромни фарқла, ёлғондан, мунофиқликдан кўрк, муттаҳамлик йўлига зинҳор қадам босма. Демак, тасаввуф бу - имон, эътиқод йўли, комиллик, мукамаллик, баркамоллик йўлидир. Тасаввуф таълимотининг асосий объекти инсон ва унинг ҳаққа, ҳақиқатга муносабатидир. Унда «инсоннинг худога, инсоннинг ҳаққа», «инсон оллоҳ учун» каби ғоялар ҳукмрон ғоялар бўлиб, пир ва шогирд, мурид ва муршид муносабатлари асосий ўрин эгаллайди. Умуман, тасаввуфга доир нуқтаи назарлар унда ифодаланган ғоялар ва қарашлар турли-тумандир. IX аср бошларига келиб тасаввуфнинг назарий асослари, амалий йўллари ишлаб чиқиладиган бўшланди. Бу даврга келиб, сўфиларнинг амалий - руҳий (яъни психофизик) машқлари, ўз-ўзини тарбиялаш ва чиниқтириш, ўз-ўзини ва ҳақни англаш ва ҳаққа етишиш тадбир усуллари шаклланиб, ривожланиб борди. Натижада, тасаввуфга оид тушунчалар, назарий қарашлар тизими юзага келиб, тасаввуф алоҳида илм, алоҳида таълимот сифатида қарор топди. Аниқланишича XI асргача бўлган ёзма манбаларда тасаввуф тушунчаси ва тасаввуф оқимларининг 78 та маънодаги талқини мавжуд бўлган.

Мутасаввуфлар дастлабки вақтларда тасаввуфни нуқул «сирли», «тушунтириб бўлмайдиган ҳолатлар», «иборатга келмайдиган ишоратлар»

деб фикр билдирган бўлсалар, бора-бора бу ҳолатлар ҳақида ўз фикр мулоҳазаларини назарий жиҳатдан умумлаштириб сўфиларни тарбиялаш вазифалари, пир-муршидлик қоидалари, улар одоб-ахлоқ нормаларини баён қила бошлайдилар, натижада, тасаввуфнинг босқичлари ва улар ўртасидаги муносабатлари, тасаввуф аҳлининг олам ва одам моҳияти инсоннинг муомала маданияти, тавҳид ва ваҳдат маълумотлари ҳақида кўплаб қарашлар ишлаб чиқиладиган бошланади. Шу асосда тасаввуф бутун ислом оламини забт этиб, барча қадимий шаҳарларда хонақоҳлар қурилади, карвон йўлларида раҳбарлар, зовиялар қад кўтариб азиз-авлиёларнинг мазорларида шайхлар маскан тутиб, кўплаб шогирдларни тарбиялай бошлайдилар.

Тасаввуф таълимотининг илк даврларида **мақомат ва тариқат** асосларини ишлаб чиқиш, сўфийлик йўриқларини ва вазифаларини белгилаш, илоҳий ҳақиқатларни халқ орасида ёйишда Зуннун Мисрий (796-861), Боязид Бистомий (вафоти 875), Жунайд Бағдодий (вафоти 910), Ҳаким ат-Термизий (вафоти IX аср охири) ва Мансур Халлож (858-922) ларнинг хизматлари катта бўлади. Кейинчалик Абусаид Абулхайр (967-1049), Абдуллоҳ Ансорий (1006-1089), Ахмад Яссавий (вафоти 1166), Яхё Шаҳобиддин Сухровардий (1155-1191), Ибн - ал - Арабий (1165-1240), Нажмиддин Кубро (1145-1221), Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389) ва шулар каби шайх-ул-машойихлар тасаввуф илмини ўзларининг янги фикр ва қарашлари билан бойитадилар. Улар тасаввуфда янги оқимлар, янги силсилаларни вужудга келтирадилар. Натижада, тасаввуф ҳақида кўплаб рисола ва китоблар ёзиладиган бошлайди. Тасаввуф таълимоти бу даврлар шоирлари бадий тафаккурига ҳам таъсир қилиб, натижада, тасаввуф ғояларини қизғин тарғиб этувчи улкан шеърят ҳам вужудга келади.

Тасаввуф таълимотида сўфининг руҳий камолотга эришиш йўлининг тўртта асосий босқичи кўрсатилади. Бунда: тасаввуф аҳли дастлаб ислом дини талабларига бўйсунуши керак дейилади. Биринчи босқич – **шариатни** ташкил этади. Фақат шундан кейингина солиҳ, яъни тасаввуф йўлига кирган сўфий иккинчи босқич - **тариқатга** кўтарилиши мумкин. Бу босқичларни босиб ўтганларгина улардан юқоридагача учинчи босқичга - **маърифатга** эришадилар. Тасаввуф аҳли маърифат босқичини тўлиқ эгаллаб, босиб ўтгандан кейингина тўртинчи босқич - **ҳақиқатни** эгаллайди. Сўфи ҳақиқатга эришув жараёнида ўзини жисмоний шахс сифатида тугатиб, у илоҳий шахсга айланиб, оллоҳга яъни ҳаққа етишади, унга сингиб кетиш натижасида боқийликка эга бўлади.

Тасаввуфга оид илмий манбалар, китоблар ва дастурларда бу атамаларни изоҳлаш ва тушунтиришга кўп эътибор берилади. Улар тасаввуф таълимотини ўзида ифодалаган бу босқичларни бу таълимотни эгаллашга бел боғлаган кишининг руҳий-ахлоқий, маънавий камолот йўли деб қарашади. Бу жиҳатдан бу босқичларни тасаввуф таълимотининг амалий қисми деб таърифлашади. Дарҳақиқат ҳам шундай, чунки солиқ (яъни тасаввуф йўлига қадам қўйган йўловчи) бажариши керак бўлган барча йўриқлар, иродат ва ишорат усуллари, пир-муридлик қоидалари одобига риоя этиш қабилар барчаси шу босқич ичига киради.

Соликнинг тасаввуфга оид бу рухий-ахлоқий камолот йўлини босиб ўтишида ўзига хос мақомат ва ҳоллар ҳам мавжуд бўлади.

Мутасаввуф Абунаسر Саррож соликнинг бу йўлда қуйидаги мақоматларни босиб ўтиши лозимлигини қайд этган:

1. Тавба.
2. Вараъ.
3. Зухд.
4. Фақр.
5. Сабр.
6. Хавф.
7. Ражо.
8. Таваккул.
9. Ризо.

Бу мақомат даражаларини бир бир эгаллаб, муваффақиятга эришган солик ҳол мартабасига етади ва илоҳий жамолни мушоҳада қила бошлайди, унинг қалбини шавқ-завқ қамраб олади. У бунда шундай ҳолатга кўтариладики, унинг бутун аъзолари ҳар бир олган нафаси ҳам оллоҳнинг борлиги ва буюклигидан хабар берадиган бўлади.

Солик ҳол мартабасига кўтарилганидан кейин у худди мақомат босқичларини босиб ўтганидек, ҳол босқичларини ҳам босиб ўтиши зарур бўлади. Ҳолнинг таъриф-таснифга келтирилган босқичлари қуйидагилар: 1. Қурб, 2. Муҳаббат, 3. Шавқ, 4. Унс, 5. Мужоҳида, 6. Мушоҳида, 7. Муношифа

Тасаввуф фалсафасига кўра инсон ўз табиати жиҳатдан қарама-қарши икки асос - модда ва руҳдан иборат, унда шу икки асоснинг барча хусусиятлари жамулжамдир. Агар инсонда моддийлик хусусиятлари устун келса, унда ҳайвонлик сифатлари кучаяди, агар рухий хусусиятлар устун келса, илоҳийлик сифатлари ривожланади. Лекин инсондаги руҳ модда (жисм) қулига айланмаслиги керак. Аксинча, унда модда (жисм) руҳ учун бир асбоб, ўлчов ёки восита бўлиб хизмат қилсин. Одатда руҳан тараққий этган инсонлар ақлу заковати илҳом ва ижодкорликка эга бўлган, илоҳий таъб ва фаросат билан бошқалардан ажралиб турадилар. Бундай кишилардан руҳи тараққий этгани сари, у ўз танаси (модда, жисм)га сиғмай қола бошлайди. Бундай киши ўз руҳида коинот билан алоқа қилиб, олам сир-асрорларидан хабардор бўлиб, ҳар хил башоратларни қилиб, турли-туман мўжизалар кўрсатадиган бўлади. Тасаввуф таълимотида сўфилар инсонни жисм олами билан илоҳий олам орасидаги чегара деб қарайдилар. Улар инсонни шу жиҳатдан тонгга ўхшатадилар. Маълумки, тонг ҳам тун билан куннинг чегараси, тонгдан қуёш чиқиб, қоронғилик-тунни хайдагани каби руҳ ҳам жисм оламини тарк этиб нурлар оламига талпинади.

Умуман олганда, тасаввуф таълимоти ўз эволюцияси давомида икки хил оқим сифатида икки босқичда намоён бўлади. У ўзининг биринчи оқимида ва биринчи босқичида феодаллар томонидан эзилишга қарши ғоялар, мафкура сифатида ортодоксал исломнинг диний ғояларига зид бўлиб, ўзи пайдо бўлгандан анча кейинги даврлар ижтимоий-фалсафий ва социал-

ахлоқий фикрлар тараққиётига прогрессив таъсир кўрсатади. Бирок у ўзининг иккинчи оқими намояндалари қарашида иккинчи босқичда зоҳидликни, тарки дунёчиликни, бу дунёдаги кишилар ҳаётига нафратни, ижтимоий адолатсизликларга бефарқ қарашни тарғиб этувчи таълимот сифатида ҳам намоён бўлади. Шу билан бирга Абу Ҳомид Муҳаммад Ибн Муҳаммад ал-Ғаззолий фалсафасида тасаввуф ислом ортодоксал калом таълимоти билан қўшилиб, мусулмон руҳонийлари томонидан расмий равишда тан олинади. Биринчи оқим вакиллари қарашларига кўра, тасаввуф, ҳам ботинан, ҳам зоҳиран илоҳий ахлоқ, у фақат инсоний, гўзал ва хур ҳаётдаги тирикликни ёқлайди. Шунга кўра, тасаввуф аҳли саҳоват, футувват, қаноат, сабр-бардош, диёнат, садоқат ва ишорат аҳлидир. Улардаги бу фазилатлар инсон ҳулқидаги барча ноқислик, жамики ёмонлик, тубанлик ва пасткашликлар билан курашувчилардир.

Иккинчи оқим вакиллари қарашларига кўра эса, тасаввуф инсон кадр-қимматини ерга урувчи, инсонда меҳнатга нисбатан нафратни тарбияловчи, кишиларга ўзлари яратадиган моддий ва маънавий неъматлардан фойдаланишга уларнинг ҳақ-ҳуқуқи йўқ бўлган таълимотдир

Умуман олганда, тасаввуф таълимотида бутун дунё бўйича: жунайдия, кодирия, суҳновордия, ханафия, яссавия, кубровия, нақшбандия тариқатлари маълум ва машҳурдир.

Марказий Осиё - Туркистон заминида эса асосан яссавия, кубровия ва нақшбандия сулуклари, яъни тариқатлари кенг тарқалган.

XII Асрда Марказий Осиёда пайдо бўлган илк тасаввуфий тариқатнинг асосчиси Хожа Аҳмад Яссавий 1041 йилда Сайрамда, Шайх Иброҳим оиласида дунёга келган. Унинг вафот этган вақти кўпгина қўлёзма манбаларда ҳижрий 562 (1166/67) йил деб ёзилган. Аҳмад ёшлигида онасидан, сўнг отасидан ажралади. Уни бобоси Арслонбоб тарбиялаб вояга етказди. Аҳмад дастлабки таълимотини Яссида машҳур олим Шаҳобиддин Исфижобийдан олади. Сўнгра бобоси Арслонбоб кўрсатмаси билан Бухорога бориб Юсуф Ҳамадонийдан таълим олади. Аҳмад Яссавийнинг ўзи "Устоз Юсуф Ҳамадонийнинг ҳузурига 23 ёшида борганини ва ул Ҳазратнинг тарбиясига ноил бўлгонлигини" айтади. У ерда тасаввуфдан таълим олиб, сўнг ўз юрти Туркистонга қайтади, тасаввуф таълимотини тарғиб этиб, шогирд, муридлар тайёрлай бошлайди.

Яссавия сулукининг асосчиси бутун Шарқда машҳур сиймо Аҳмад Яссавийдир. У Жанубий Қозоғистоннинг Сайрам қишлоғида шайх Иброҳим ота хонадонида туғилган (йили маълум эмас). У шайх Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг 4 халифасидан бири бўлган. Аҳмад Яссавий Туркистонда ўз сулукини асослаш ва унинг ғояларини тарғиб қилиш учун бадий адабиётнинг шеърий шаклидан фойдаланиб ўз «Ҳикматлар»ини яратади. Бу «Ҳикматлар» асосан панду насихатлардан иборат бўлиб, уларда ўз давридаги золимларни, амалдорларни, порахўрларни, ўз имонидан кечган, Оллоҳни унутган, дунё, бойлик йўлига кириб, инсоф ва диёнатни, меҳр-шафқатни билмайдиган шахсларни танқид қилади. Оммани эса руҳий жихатдан тинчлантириб, бу дунёга кўнгил боғламасликка, унинг ўткинчи эканлигини

айтиб, охиратни, у дунёни ўйлашга чақиради.

Яссавий маданиятимиз тарихида илк туркийзабон мутасаввуф шоир сифатида маълумдир. Унинг тасаввуфни тарғиб этувчи туркийда ёзилган шеърлари тилининг халққа яқинлиги, оҳангдорлиги билан тезда машҳур бўлиб кетди. Алишер Навоий ибораси билан айтганда, Туркистон мулкининг улуғ Шайх-ул-машойихи" Ҳазрати Хожа Аҳмад Яссавий жуда кўп мутасаввуф донишмандларни тарбиялаб вояга етказган. Маълумки, "Яссавия" тариқатидан кейин Марказий Осиёда икки йирик тариқат пайдо бўлади: "Нақшбандия" (Хўжагон) ва "Бектошия".

XVI асрда яшаган йирик тасаввуф намояндаси бўлган Маҳдуми Аъзам ўзининг "Рисолайе илмия" ("Илмий рисола") асарида таъкидлашича, Яссавия тариқатининг шиори "Ниятинг Худода, қўлинг ишда бўлсин" ибораси эди. Кейинчалик кўрамизки, бу иборанинг форсча таржимаси бўлган "Дил баёр, даст ба кор" Нақшбандия тариқатининг асосий шиорига айланган.

Тасаввуфдаги барча йирик тариқатларда бўлганидек, "яссавия" тариқатининг ҳам ўзига хос муайян қоидалари (одоби) бўлиб, бу таълимотдаги солиқлар қўйидаги қоидаларга амал қилишлари шарт бўлган: 1) Мурид ҳеч кимсани ўз пиридан афзал кўрмаслиги, унга доимо таслимият изхор қилмоғи лозим; 2) Мурид шунчалик зукко ва идрокли бўлиши керакки, то ўз шайхининг румўз ва ишораларини мукамал англай олсин; 3) Шайхнинг барча ақволи (сўзлари) ва афъоли (ишлари)га мурид содиқ бўлиб унга мутлоқо муте ва муътақид бўлмоғи лозим; 4) Мурид ўз муршиди (пири)нинг барча топшириқларини чусту чолоклик (чаққонлик) ила сидкидилдан бажариб, уни ҳамиша рози қилиб юрмоғи зарур. Чунки ризои Аллоҳ унинг (яъни Шайхнинг) зимнидадир; 5) Мурид ўз сўзига содиқ, ваъдасига росих бўлиб, муршиди кўнглида ҳеч қандай шаку шубҳа туғдирмаслиги зарур; 6) Мурид ўз ваъдасида вафодор, сўзида устувор турмоғи лозим; 7) Мурид ўз ихтиёридаги барча мол-мулкани, бутун бору йўғини ўз шайхига нисор этамоқ учун доимо тайёр турмоғи лозим; 8) Мурид ўз муршидининг барча сир-асроридан огоҳ бўлиб, унинг ифшосини (ошкор қилишни) ҳеч вақт ҳаёлига, келтирмаслиги керак; 9) Мурид ўз шайхининг барча тақлифларини назарда тутиб, унинг мушкилотини осон қилмоғи, панду насиҳатларини бажо келтирмоғи шарт; 10) Мурид Худо висоли учун ўз шайхи йўлида бутун молу жонини нисор этмоққа тайёр туриши, унинг дўстига дўст, душманига душман бўлиб яшамоғи шарт.

"Яссавия" тариқатининг барча ақидалари Аҳмад Яссавийнинг асосий асари бўлмиш "Ҳикмат"да муфассал баён этилган. XII асрдаги туркийзабон шеърятининг ажойиб намунаси бўлган, кейинги даврлардаги туркий адабиётга катта таъсир кўрсатган "Ҳикмат" асарида Яссавия таълимотидаги поклик, ҳалоллик, тўғрилиқ, меҳр-шафкат, ўз қўл кучи, пешона тери ва ҳалол меҳнати билан кун кечириб, Аллоҳ, таоло висолига етишиш йўлида Инсонни ботинан ва зоҳиран ҳар томонлама такомиллаштириш каби илғор умум-инсоний қадриятлар ифода этилган. Бағдодда 922 йилнинг 22 март куни шайхлар ва мутаассиб уламолар томонидан Худосизликда айбланиб дорга осилган, сўнгра қўл-оёқлари кесилиб, танаси куйдирилиб, дарёга ташланган

машҳур мутасаввуф Мансур Халлож (858-922)ни Яссавий бир талай шеърларида чуқур ҳурмат билан тилга олади, довюрак ва жасур мутасаввуфга катта рағбат кўрсатади:

*"Билмадилар муллолар "Анал-ҳақ"нинг маъносин,
Қол аҳлига хол илмин Ҳақ кўрмади муносиб.
Ривоятлар битилди, ҳрлин ани билмади,
Мансурдек авлиёни қўйдилар дорга осиб.
Шариатдур, деб олимлар буюрдилар,
Кофир Мансур ўлмади, деб куйдурдилар.
Аҳсар қилиб кулин кўкка совурдилар.
Тоғу тўзлар "Анал-ҳақ", деб турар эрмиш".*

Яссавий ҳам ўзининг пири бузруквори шайх Юсуф Ҳамадонийга ўхшаб мол-дунё тўплашга мутлоқо қизикмаганини, камбағалпарвар ва ғарибпарвар бўлиб яшаганлигини унинг баъзи бир ҳикматларидан ҳам билса бўлади. Мол-дунёга, бойликка ва давлат орттиришга мукқасидан кетган, ҳасис ва очофат кишиларни Яссавий каттиқ танқид қилади:

***Бешик билинг бу дунё барча халқдан ўтаро,
Ишонмагин молинга, бир кун қўлдан кетаро.
Ото, оно, қариндош қаён кетди, фикр қил,
Турт оёқлик чўбин от бир кун санго етаро.***

Дарҳақиқат, Хожа Аҳмад Яссавий Марказий Осиёдаги илк тасаввуфий тариқат - "Яссавия"нинг асосчиси, нафақат Хуросон ва Мовароуннаҳр, балки туркийзабон халқларнинг маънавий тарихида кенг маълум бўлган, мутасаввуф, инсонпарвар шоир ҳисобланади.

Мусулмон оламидаги энг забардаст мутасаввуф донишмандлардан бири буюк ватандошимиз шайх Нажмиддин Кубродир.

Абул-Жанноб ва Томатул Кубро лақабларига сазовор бўлган тасаввуфнинг Кубравия силсиласининг асосчиси Нажмиддин Кубронинг тўлик исми Аҳмад ибн Умар ибн Муҳаммад Хивакий ал-Хоразмийдир. Хижрий олтинчи ва еттинчи асрларда яшаган Нажмиддин Розий, Мажиддин Бағдодий, Саъиддин Ҳамавий, Сайфиддин Баҳорзий ва Баҳовуддин Валад каби сиймолар у кишининг мурид ва шогирдлари бўлган.

Аҳмад ибн Умар Абул-жанноб Нажмиддин Кубро 540 хижрий йилда (1145) Хоразмнинг Хивак шаҳрида дунёга келади.

Абдурахмон Жомий ўзининг "Нафаҳот ул-унс" асарида ёзишича, Нажмиддин болалик пайтидаёқ илм истаб Мисрга равона бўлади. Мисрда Рузбеҳон Ваззон ал-Мисрий (ваф. 584/1148) деган олим даргоҳида таълим олади. Ал-Мисрий эса, ўз навбатида, машҳур мутасаввуф донишманд Абу Нажиб ас-Суҳравардийдан таълим олган эди. Рузбеҳон уни ўз ўғлидек яхши кўриб, алоҳида меҳр билан тарбия қилади, ҳатто қизини никоҳлаб бериб, ўзига куёв қилиб олади. Аммо илмга чанқоқ Нажмиддин Кубро кўп ўтмай Табризга бориб, у ердаги Имом Абу Мансур Ҳафда деган донишманддан исломий илмларни ўрганади ва Табризда шайх Бобо Фараж, Аммор Ясир, Исмоил Касрий каби улкан мутасаввуфлардан тасаввуфга оид кўпгина илм-

ларни ҳам эгаллайди. У киши шайх Исмоил Касрий қўлида ҳирқапуш даражасига етиб, ул ҳазратнинг оқ фотиҳасини олади. Сўнгра Мисрдаги устози ва қайнотаси Рузбеҳон маслаҳати билан ўз ватани - Хоразмга қайтиб келиб, ҳонақоҳ қўради ва шогирдлар тарбиясига катта эътибор беради. "Кубравия" ёки "Заҳобия" тариқатига асос солади. Бу тариқат таълимоти ҳадис ва шариатга асосланган бўлиб, ўз даврида Хуросон, Мовароуннаҳр, Ҳиндистон ва бошқа мусулмон мамлакатлари халқлари орасида кенг тарқалади. Мазкур тариқат солиқлари орасида зикрни овоз чиқармасдан (хуфийа) ижро қилиш усули жорий бўлган.

"Рашаҳот айн ул-ҳаёт" асарининг муаллифи Фаҳруддин ас-Сафий ўз асарида ҳазрати Абдурахмон Жомий фикрларига таянган ҳолда Нажмиддин Кубронинг зикри хуфийа талқини тўғрисида сўз юритади ва шайх Кубро фикрича, зикр жараёни инсонларнинг нафас олиш (танаффус) жараёни билан чамбарчас боғлиқ эканлиги ҳақида шундай маълумот беради: "Ҳазрат Маҳдуми Нуриддин Абдурахмон ал-Жомий айтишларича, шайх Абул-Жанноб Нажм ал-Кубро қудси Аллоҳи руҳи ўзининг "Фавотиҳ ал-жамол" рисоласида ёзганларидек, ҳайвонларнинг нафас олиши бир табиий зарурият туфайли юз беради. Инсонлар ҳам аслида айни ўша зарурият юзасидан нафас оладилар, лекин ўшандай нафас олиш жараёнида инсон ғойибона ҳаққу субҳонаҳунинг муборак номини зикр қилади".

Али Акбар Деххудонинг машҳур "Луғатнома"сида келтирилишича, "у кишининг Кубро деб аталишларига сабаб шуки, беҳад зийрақликлари ва туганмас заковатлари туфайли ҳар қандай муаммоли масалани сўралганда ҳал қилиб берар эдилар ва ҳар ким у киши билан баҳс-мунозара қилса, ғолиб чиқар эдилар"⁴. Шунингдек, у кишини Томатул Кубро, яъни буюк бало ва қазоларнинг олдини олувчи, ҳалоскор деб ҳам аташган. Абул-Жанноб деб аталишларига сабаб эса, у кишининг дунёвий икир-чикирлардан узоқ турганликларидир. Ул зотни "Валитарош" (валийларни парваришлаб етиштирувчи) деб ҳам аташган. Чунки умрлари давомида ўн икки кишини ўз муридликларига қабул қилганлар ва уларнинг барчасини шайх даражасига етказганлар. Улар қаторида машҳур шайхлардан Фаридиддин Атторнинг отаси Мажидиддин Бағдодий (ваф. 1219) ва Жалолиддин Румийнинг отаси Баҳовуддин Валад, Нажмиддин Дойа Розий, Саъиддин Ҳамавий, Сайфиддин Баҳорзий ва бошқалар бор.

Нажмиддин Кубронинг Хоразмдаги сўнгги ҳаёти ўта оғир, шиддатли ва мураккаб шароитда кечади. Бу даврда Турон ўлкасидаги Хоразм, Шош, Бухоро ва Самарқанд ҳукмдорларининг ноаҳиллиги, танг назарлиги туфайли мўғулларнинг Туркистонга қилаётган ҳамлалари кучайиб, Чингизхон лашкарбошилари Мовароуннаҳрдаги йирик шаҳарларни бирин-кетин беаёв босиб олишга муваффақ бўлганлар. 1221 йилнинг жумад ул-аввал (июль) ойида Чингизхон лашкарбошиларидан бири Хулағухон ўзининг ёш ўғли, тумонат лашкари билан Урганч қалъасини ўраб олади. Урганч шаҳри қамал ичида қолиб, аҳоли ниҳоятда оғир шароитда азоб чекаётган бир аснода

мункиллаб қолган, етмишдан ошган Нажмиддин Кубро халқ орасидан лашкар тўплаб, кўлида курул билан қалъани бир неча кун давомида душман ҳамлаларидан сақлаб туради.

Нажмиддин Кубро юксак обрўга эга бўлса ҳам, камтарона ҳаёт кечирган. Аммо у кишининг баъзи муридлари мамлакат миқёсида шунчалик нуфузга эга бўлганларки, ҳатто Фаҳриддин Розий каби файласуф ва султон Муҳаммад Хоразмшоҳ ҳам уларнинг рақобатидан ҳавотирланганлар. Масалан, "Султон ул-уламо" лақабига эга бўлган Жалолиддин Румийнинг отаси Баҳовуддин Валад Балх шахрининг уч юзга яқин файласуф олимлари билан баҳс юргизган ва уларни юнон фалсафаси билан ортиқча шуғулланишда айблаган. Нажмиддин Кубронинг бошқа бир шогирди, ўз навбатида шайх Фаридиддин Атторнинг муршиди бўлган Хоразмлик Мажиддин Бағдодий ҳоқимиятдаги ишларни танқид қилгани учун қатл қилинган. Лекин унинг минглаб шогирдлари бўлган. Баъзида султон Муҳаммад Хоразмшоҳнинг ўзи ҳам шайхларнинг ҳузурига келиб, уларни зиёрат қилиб турган.

Нажмиддин Кубро мўғул босқинчиларига қарши ўз муридлари билан шиддатли жангга кириб, шаҳид бўлган. Жангдан кейин, у кишининг жасадини дарҳол топиша олмаган. Чунки ул зот кийма-кийма қилиб ташланган эдилар. Шаҳид бўлганликлари ҳақидаги маълумотни ҳижрий (710) (1311) йилда ёзилган Рашидиддин Фазлиллоҳнинг "Жомеат ул-таворих" ("Тарихлар тўплами") асарида учратамиз. Чингизхон шайх Нажмиддин Кубронинг машҳурликларини эшитган бўлганлигидан Хоразмга ҳужум қилиш олдидан, у кишига чопар юбориб, "мен Хоразмни қатлиом қилмоқчиман, шунинг учун Сиздек улуғвор шахсни у ердан кетиб, бизга қўшилишингизни сўрайман", деган. Аммо шайх унга жавобан: "Мен етмиш йил умрим давомида Хоразмликлар билан турмушнинг аччиқ-чучугини бирга тортганман. Энди улар бошига бало-қазолар ёғилаётган пайтда қочсам, мурувватдан бўлмайдим", деган. Бу воқеа ҳижрий 618 (1221) йилда рўй берган. Бу ҳақдаги маълумот "Тарихи гузида" (Ўганланган тарих), Абдурахмон Жомийнинг "Нафаҳот ул-унс", кейинчалик эса, "Равзат ул-сафо", "Ҳабиб ус-сияр" ва бошқа машҳур тарихий китоб ва тазкираларда ҳам учрайди. Ҳижрий 733 (1334) йилда Хоразмга сафар қилган машҳур араб сайёҳи Ибн Баттута Урганч шаҳридан чиқа беришдаги зовияда Нажмиддин Кубронинг мақбараси ва бошқа улуғларнинг мазорини кўрганлигини ёзади.

Нажмиддин Кубро бир неча илмий асарлар ва рубоийлар ёзганки, улар жуда кўп тазкираларда учрайди. У ўз қарашларини араб тилида ёзган бир қатор рисоаларида баён қилган. Улардан асосийлари "Фавоъиҳ ал-Жамол ва фавоъиҳ ал-жалол", "Ал-Усул ал-ашара", "Рисолат ал-ҳоъиф ал-ҳаъим мин лаумон ал-лаъим" ва бошқалардир. Бу асарлар араб мамлакатлари ва Туркияда босиб чиқарилган. Унинг араб тилида ёзган "Рисолатун одоб ул-зокирин" ("Зикр айтувчилар одоби ҳақидаги рисола") асарининг Абдурахмон Жомийнинг шогирди Абдул Тофур Лорий томонидан форс тилига қилинган таржимаси бизгача етиб келган ва Ўзбекистон Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида № 503-Ҳ рақами остида

сақланмокда. Бу асарнинг асл номи арабча "Ал-усул ал-ашара" ("Ўн усул" ёки "Ўн асос") деб аталади.

Маълумки, Кубро ҳақиқат асрорига етишиш мақсадида ўз тасаввуф мактабини яратди. Унинг ақидасига кўра, инсон ўз моҳияти эътибори билан микрокосм, яъни кичик оламни ташкил этадики, у макрокосм, яъни катта дунё бўлган коинотдаги барча нарсаларни ўзида мужассамлаштиради. Аммо илоҳий сифатлар юқори самовий доираларда бирин-кетин ўзига хос мақомларда жойлашганлигидан, ҳақиқат йўлини қидирувчилар бундай юксақликларга кўтарилиб, илоҳий сифатларга эга бўлиши учун, яъни камолотга эришиши учун, маълум риёзатли йўллари ўтишлари зарур. Бунинг учун эса, ҳар бир киши ўн асосга таянмоғи керак:

1. **Тавба**- ўз ҳоҳиши билан Ҳақ таолога ҳеч бир кўрсатмасиз юзланишдир. Киши ўз иродаси билан Худони севиши ва ўзининг "мени"дан кечиши керак. Тавба Худо томон юз тутган барча кишиларнинг ҳар қандай гуноҳлардан фориғ бўлишидир. Гуноҳ шундай нарсадирки, у дунёвий ёки илоҳий босқичлардан ташкил топганига қарамасдан Аллоҳ таолодан йироқлаштирадиган амалдир.

2. **Зухд фи-дунё**- бу дунёда ҳам, унинг ташқарисиди ҳам, нимаики лаззат томон бошласа, ундан тийилишдир. Оз ёки кўп бўлса ҳам, бирор молу мулкка, жангга ёки бўлмаса бирор мансабга ўз табиий вафотигача рағбат ёки мойиллик кўрсатиш, зухддан чиқиш ҳисобланади.

Зухднинг моҳияти дунё ва охиратга рағбат қўйишдан воз кечишдир. Ички лаззат, шароб ичиш, никоҳий ишларга ружуъ қўйиш, мансаб ва олий мартабаларни қўмсаш каби роҳатларга ўхшаш ҳис-туйғулардан воз кечишдир. Йиллар давомида хайрли ишлар билан банд бўлиб, ер ишлари билан шуғулланиш ва шунга ўхшаш бошқа фаолият таъсирида дунёвий нарсалардан кўра, охиратга кўпроқ тамойил ва рағбат кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. Чунки дунё фоний бўлиб, охират боқийдир.

3. **Таваккал**- Худога ишонч жиҳатидан бу турмушдаги барча иқриқирлардан воз кечишдир. Шахснинг дунёга рағбат қўйиши молу дунё ва мансаб орттириш учун ташаббус кўрсатишга сабаб бўлади. Таваккал дилдан Худога ишониш бўлиб, унинг улуғворлигини эътироф этишдир. Мақсадга эришиш маҳалида таваккал биринчи даражали аҳамият касб этади.

4. **Қаноат** - ҳаёт кечиришни таъминлайдиган оз нарса билангина қаноатланиш, ўз тарафига тортадиган барча нозу неъматлардан ва хирслардан (овқатни кўп истеъмол қилиш, қимматбаҳо кийимларга ҳавас қуйиш, ўйин-кулги, бекорчилик ва бошқалардан) юз ўгириш.

5. **Узлат**- танҳоликла утириб, руҳни мустаҳкамлаш, одамлар билан муомалани тўхтатиш, гаплашмаслик, эшитмаслик, қарамаслик ва турлифеъл-атвордан алоқани узишдир. Узлатнинг асл мақсади ҳилватда адо қилинганлиги сабабли ҳис-туйғунижиловлашдир. Хилват ва узлатга кетиш ҳиссиётларнинг босилишига олиб келади.

6. **Мулозамат аз-зикр (узлуксиз зикр)**- ўз ҳоҳишича Худонинг исмини фикрида ёд қилиб туриш ва бутун қалбни у билан тўлдириш. Шундай қилинганда, пасткашлик, ҳасад, очкўзлик, иккиюзламачилик каби разиллик

ва риёкорликлар кўнгилга йўл топа олмайди.

7. **Таважжух**- бутун ички моҳиятни Худога қаратиш, унга чексиз муҳаббат қўйиш, ундан бошқа нарса борлигини ҳис этмасликдир. Ўз вужудини йўқотиш, Ҳақнинг абадий ва азалий вужудини бошқа билим ила кўра билишдир.

8. **Сабр**- ўз ихтиёри билан нафс доирасидан машаққатлар чекиб бўлса ҳам, ўзини олиб қочишдир. Мақбул бўлган тўғри йўлдан адашмасдан бориш учун, киши ўз майлларини сўндириши лозим. Бундан кўзланган мақсад шундаки, дил қудуратлардан покланиши, рух эса, агар нафс натижасида зангланиб қолган бўлса, жило топиши зарурдир.

9. **Мувоқаб**а (тафаккурга фарқ бўлиш) - эришилган даражада мушоҳада юритиш, қалбни арзимас ҳис-туйғулардан ҳоли қилиб, тозалаш ва хотир-жамликка эришиш. Кураш, риёзат чекиш йўли билан ҳосил қилинган йўл ҳаққоний тухфа этилган табиий амал бўлиб, яратилиш ҳақиқатининг ғалабаси сифатида пайдо бўлади ва шунинг учун ҳам ривожланиб боради.

10. **Ризо**- шахснинг нафс эркинлигидан чиқиб, Худо ҳушнудлигига кириши ва азалдан нимага ишонган бўлса, ўшани бўйнига олишдир. Ўз иродасини тоабд қоладиган нарсага воқелик сифатида қайтариб, ўлимга ўхшаш ўткинчи нарсага эътироз билдиришдир.

Ўн усулдан чиқариладиган натижа шундаки, ўлмайдиган шахснинг ёди унинг нафсини мағлубиятга учратган сифатларда яшайди.

Нажмиддин Кубро шаҳид бўлгандан сўнг, унинг таълимотини шогирдлари давом эттириб, Марказий Осиё Кубравия мактабини вужудга келтирдилар. Бу биродарлик фирқаси аъзоларини бирлаштирган нарса расмий ташкилот эмас, балки таълимотнинг руҳи ва мақсади эди.

Ташкилий жиҳатдан Кубравия ҳонақоҳларида ўз-ўзини бошқарадиган озод анжуман бўлиб, унинг бошида халифа турар эди. 1221 йилда вафот этган Нажмиддин Кубронинг шогирди Сайфиддин Баҳорзий томонидан Бухоро яқинидаги Соктарий қишлоғида ташкил этилган ана шундай ҳонақоҳ Нажмиддин Кубро номи билан аталар эди. Бу ердаги Кубравия жамияти XVII асрнинг охирларигача фаол иш кўриб, унинг аъзолари Кубро ғояларини Хитойнинг Ғарбий чегараларигача ёйдилар. Кубронинг бошқа бир шогирди, 1252 йилда вафот этган Саъиддин Ҳамавий Хуросоннинг Баҳрабод деб аталган масканида ҳонақоҳ барпо қилиб, унинг атрофида тўғарак ташкил этди. Кубравия мактаби бир қатор мустақил шаҳобчалар вужудга келишига сабаб бўлдики, улар мусулмон дунёси Шарқида кенг тармоқ отди. Юқорида айтилганлар шундан гувоҳлик берадики, Нажмиддин Кубро таълимоти бутун мусулмон Шарқи мамлакатларида кенг тарқалган бўлиб, ҳозирда ҳам унинг кўринишларини учратиш мумкин.

Кубровияда қуйидаги ўзига хос жиҳатлар кўзга ташланади: Нажмиддин Кубро "Бешиқдан то қабргача илм изла" ҳадиси шарифига амал қилган. У диний, илоҳий, ладуний илмлар билан бирга дунёвий илмларни ҳам ўрганишга эришди. Динийликни дунёвийлик билан боғлашга ҳаракат қилиш ушбу тариқатнинг асосий хусусиятидир.

Маълумки Ўрта Осиё халқлари XIV асрнинг 70-йилларидан бошлаб

мўғул босқинчилари зулмидан қутулиб, вайрон қилинган шаҳар ва қишлоқларни, суғориш тармоқларини, хунармандчилик ва савдо-сотикни тиклаш, уларни маълум изга солиш билан, уларнинг дунёвий масалаларга кизиқишлари ортиб боради.

Мана шундай бир шароитда Мовароуннаҳрда тасаввуф таълимотининг янги сулуки, янги оқими нақшбандия вужудга келади. Нақшбандия сулукининг асосчиси ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанддир. У кишининг асл исми Муҳаммад Ибн Муҳаммад Жалолиддин бўлиб, Хожаи Бузрук, шоҳи Баҳоуддин Нақшбанд, Баҳоуддин Балогардон номлари билан мусулмон оламига машҳурдир. У Бухоро яқинидаги қасри Ҳиндувон қишлоғида (1318 йилда) туғилган. Нақшбандия тариқатида дунёвий, ҳаётий масалаларга жиддий эътибор берилади. У тарки дунё қилишга, дунё ишларидан воз кечишга қарши чиқиб, кишиларни реал ҳаёт ишлари билан банд бўлишга, дунё лаззатларидан баҳраманд бўлишга, бунинг учун меҳнат қилиш, билим олиш, ҳалол яшашга чақиради. Юсуф Ҳамадоний, Абдуҳолик Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд асос солган тариқат йўлининг 11 та асосий қоидаси бўлиб, улар қуйидагилар:

1. Хилват дар анжуман;
2. Сафар дар ватан;
3. Назар дар қадам;
4. Хуш дардам;
5. Ёдқард;
6. Бозгашт;
7. Нигоҳдошт;
8. Ёддошт;
9. Вуқуфи замоний;
10. Вуқуфи қалбий;
11. Вуқуфи ададий.

Баҳоуддин Нақшбанд томонидан асосланган «Нақшбандия» тариқатининг номи унинг юқорида келтирилган қоидаларидан келиб чиқади. Бу қоидаларда айтилиши бўйича: «Зоҳиран халқ билан, ботинан ҳақ билан» ёки «Қўлинг меҳнатда бўлсин, дилингда оллоҳ таолонинг нақши битилган бўлсин (“дил ба ёру, даст ба кор”)), деган ғоя илгари сурилади.

Баҳоуддин Нақшбанднинг ўзи деҳқончилик билан, хунармандчилик билан кун кечиради. У ўз уйида ҳеч қандай мол-мулк ва бойлик сақламаган.

Баҳоуддин Нақшбанд ўз тариқатида инсон ҳамиша қалбан, яъни маънавий юксак бўлиши, жисман ердан, ватандан узилмай яшаши кераклигини уқтиради.

У шундай дейди:

*Бизда ҳеч нарса йўқ
ҳеч камимиз йўқ,
ўша ҳеч нарса деб,
ҳеч замимиз йўқ.*

Нақшбандий тариқати XIV асрда пайдо бўлган бўлса ҳам, Афғонистон, Ҳиндистон, Индонезия ва бошқа Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари ўртасида кенг

тарқалган. Бу тасаввуф тариқати Шарқ халқлари ижтимоий, сиёсий ва маънавий-маданий ҳаётида жуда катта рол ўйнайди. Бу таълимотда ўз меҳнати билан кун кўриш, яшаш, адолат улуғланиб, бошқалар меҳнати билан кун кечириш, текинхўрлик кишиларга қилинадиган ижтимоий зулм, истибдод қатъиян қораланди.

Ҳозирги кунда Мустақил Ўзбекистонимизда ўтмиш маънавий меъросимиз, жаҳон умуминсоний қадриятлар чуқур ўрганилаётган ва тикланаётган бир шароитда тасаввуф фалсафасини ҳам ўрганиш, у эришган ютуқлардан ғоялардан комил инсонни тарбиялашда фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Хуллас, тасаввуф таълимоти ўтмишда бутун мусулмон халқлари ижтимоий ва маънавий ҳаётига чуқур кириб бориб, бу халқларнинг илм-фани, маданияти ва адабиёти ривожига жуда катта ижобий таъсир кўрсатганлиги бизга маълум. Шарқнинг деярли барча нуфузли шоир ва ёзувчилари, мутафаккир ва уламою-ҳукамолари тасаввуф фалсафасидан маънавий озиқланиб унинг инсонпарварлик, ҳақсеварлик, адолатлилик ғояларидан руҳланганлар. Биз бугунги кунда тасаввуфни ўрганмай туриб ўзимизнинг ўзлигимизни яъни ўрта асрлар даври тарихимиз ҳақида халқимизнинг маънавий ва ҳаёти ҳақида ўша давр фалсафий ва бадиий тафаккури ҳақида тўғри тасаввурга эга бўлишимиз мумкин эмас. Тасаввуф фалсафасини ўрганиш ва уни эгаллаш ҳозирги кунда бизнинг мустақил Ўзбекистон шароитида биз ўрганаётган фалсафада комил инсон муаммосини тўғри ҳал қилишда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

3-мавзу. XX АСР ЎЗБЕК ФАЛСАФАСИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИ.

Режа:

3.5. «Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари» ўзбек фалсафасининг замонавий концепцияси.

3.6. Маънавий баркамол авлод – буюк келажак бунёдкори.

3.7. XX аср бошлари жадид маърифатпарварлик ҳаракати ва унинг фалсафий моҳияти.

3.8. Мустабид совет тузуми даврида ўзбек фалсафаси. Тоталитар мафкуранинг фалсафага таъсири.

3.1. «Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари» ўзбек фалсафасининг замонавий концепцияси.

Дунёда икки юз эликдан ортиқ давлат, минглаб халқ ва элат бор. Улар орасида Ўзбекистон дея аталмиш гўзал ва бетакрор мамлакатнинг ўз ўрни ва нуфузи, ўзига хос тараққиёт йўли борлиги қалбимизга ифтихор бағишлайди. Шу боис ҳам Мустақиллик биз учун бениҳоя қадрлидир. Қадрли нарса эса осонликча кўлга киритилмаслигини барчамиз яхши биламиз.

Ватанимиз тарихи бир неча минг йиллар билан бўйлашади. Бу диёр жаҳон тамаддунининг тамал тошини қўйган, илм-фани, санъати, маданияти, улкан маданий-маънавий мероси, олиму фузалолари билан донг таратган. Шу боис яқин ўтмишда қарийб бир аср давомидаги мустамлака даври, унгача ҳам ҳақ-ҳуқуқлари поймол этиб келинган халқимиз руҳини ҳеч қандай куч сўндиролмаган. Шу нуқтаи назардан ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгани, 1990-1991 йилларда Наврўз байрами қайта тиклангани, Рамазон ва Қурбон ҳайитлари байрам кунлари деб эълон қилингани халқимизнинг асрий орзу ва армонлари рўёбга чиқиши, миллий қадриятларимиз тикланиши йўлидаги дастлабки йирик қадамлар бўлди.

Миллий давлатчилигимизни барпо этиш йўлидаги залворли қадам сифатида Мустақилликнинг дастлабки йилларида дастлаб унинг кафолати бўлмиш Конституция қабул қилинганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш бош вазифа этиб белгиланиб, мамлакат сиёсий ҳаётида кўппартиявийлик муҳити қарор топди, нодавлат тузилмалар, жамоат ташкилотлари ва ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолияти такомиллаштирилди, суд-ҳуқуқ тизимида, оммавий ахборот воситалари, маънавий-маърифий соҳаларда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз тарихида ўчмас саҳифа очган буюк истиқлол туфайли Ўзбекистон ўтган давр мобайнида жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаб, миллий тикланишдан миллий юксалиш сари дадил илгарилаб бормоқда. Айниқса, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма саккиз йиллигига

бағишланган тантанали маросимдаги нутқи бу ўзгаришларни янада теранрок англашимиз, идрок этишимизда муҳим аҳамият касб этди. Давлатимиз раҳбарининг ҳар бир сўзлари халқимиз қалбида ифтихор туйғуларини янада жўш урдирди. Шубҳасиз, бундан руҳланган халқимиз давлатимизнинг ҳар қарич ерида юксалиш даври бўлиши учун азму қарор қилмоқдалар.

Муҳтарам Юртбошимиз нутқида таъкидлаганидек, Миллий юксалиш деганда, биз мамлакатимиз тараққиёти, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва турмуш сифатини ҳар томонлама юқори босқичга кўтаришни тушунамиз. Илм-фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт соҳаларида бўлаётган катта ўзгаришлар ҳаётимизда муҳим воқеликка айланмоқда.

Юртимизда ижтимоий ривожланиш бўйича ўзига хос тизим шаклланмоқда. Бу борада 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга оширилаётгани, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Ёшлар – келажагимиз”, “Беш ижобий ташаббус” каби дастурлар аҳолини янгича фикрлаш ва ишлашга сафарбар этишда муҳим роль ўйнамоқда. Бунинг натижасида, ҳатто мамлакатнинг энг чекка ҳудудлари, марказлардан олисда жойлашган қишлоқларнинг ҳам меъморий қиёфаси тубдан янгиланиб, аҳолининг турмуш фаровонлиги юксалтирилмоқда.

Соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт, илм-фан, айниқса, таълим-тарбия соҳаларида бўлаётган улкан ўзгаришларнинг барчамиз гувоҳи бўлиб турибмиз.

Шу ўринда Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда умумтаълим мактабларида 11 йиллик тизим тикланганини, мактаб таълимини ривожлантириш масаласи буюк умуммиллий мақсадга, умумхалқ ҳаракатига айланаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Айниқса, бугунги кунда мамлакатимизда олий таълим соҳаси ҳам жадал ривожланмоқда. Сўнгги уч йилда 35 та янги олий ўқув юрти ташкил қилинган, уларнинг умумий сони 112 тага етгани, эътиборлиси, буларнинг 13 таси нуфузли хорижий университетларнинг филиаллари экани соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ёрқин исботидир.

Эртанги келажагимиз бўлмиш ёшлар келгусида ана шу улуғвор ишларнинг муносиб давомчиларидир. Шу нуқтаи назардан, янги ўқув йилининг илк – “Мустақиллик” дарсларида истиқлол йилларида, айниқса, кейинги уч йилда амалга оширилган ислоҳотлар, Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” деган устувор ғоя, Президентимиз нутқи мазмун-моҳияти хусусида ўқувчи-ёшларга кенг тушунчалар берилди, уларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди. Қувонарлиси, ёшлар Юртбошимиз нутқининг ҳар бир сатрида ҳаёт борлигини, ҳар бир сўзида Ўзбекистонимизнинг юксак тараққиётига қаратилган аниқ мақсад борлигини теран англаб етди.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, бундан кейин ҳам биз педагоглар маънавият ва маърифат ишини ватанпарварлик иши, виждон иши,

деб биламиз. “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” деган устувор ғоя асосий дастуриламалимиздир. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек, виждони, маънавияти бор инсон Ватанни албатта яхши кўради. Виждон, маънавият дегани – халққа, Ватанга чин юракдан хизмат қилиш деганидир.

Мустақиллик йилларида миллий истиқлол ғояси халқимизнинг миллий тикланишига хизмат қилди. Ғоявий курашларда кунимизга яради. Халқимизни бирлаштирди, бузғунчи ғоялар моҳиятини тушунтирди. 2017 йилдан бошлаб Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги – Миллий юксалиш босқичига кирди. Конституциямизга асосланган, халқимизнинг туб манфаатларига жавоб берадиган Ўзбекистонни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси амалда. Кейинги йилларда эришилган юксак марралар халқимизни бахтли қилишга қаратилган ислохотлар самараларини яққол кўрсатмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида олдимизга қўйган улкан вазифаларни амалга оширишда биз учун куч-қудрат манбаи бўладиган миллий ғояни ривожлантиришимиз зарурлиги алоҳида таъкидланди. 2019 йил 8 апрель куни Президентимизнинг Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисидаги фармойиши қабул қилинди.

Мазкур ҳужжат қабул қилинишининг зарурати нималарда намоён бўлади? Ривожланган мамлакатларда миллий ғоя давлат мақсадларини халқ мақсадларига уйғунлаштиради. “Бир ҳудуд – бир халқ” эътиқодини шакллантириб, мамлакатлар аҳолисини бирлаштиргани, умумий мақсад йўлида сафарбар қилганига мисоллар кўп. Уларнинг аксаридида миллий ғоя миллий қадриятларга боғлаб сингдирилганини кўрамиз.

Масалан, “Тарих – синтоизм – конфуцийлик – самурайлик иродаси” қадриятлари негизида япон миллий ғояси ишлаб чиқилди. Одамларга ишонч, рағбат берилди. Мактабнинг тарбиявий ишлар тизими, ғояси ислоҳ қилинди. Уюшган миллатнинг жуда қаттиқ меҳнати ўлароқ, дунё “Япон мўъжизаси”нинг гувоҳи бўлди. Хитойда ҳам миллий заминга – Конфуций таълимотига мурожаат қилинди. Конфуций меросидан диний таълимот эмас, балки ахлоқий (хулқ учун) асос сифатида фойдаланди. Ёшлар тарбияси “Она Ватанга хизмат қилиш ва содиқ бўлиш” ғояси асосида ташкил этилди. Ёшларга шахсий ва миллий манфаатларни уйғун тутиш ўргатиб борилди.

АҚШда давлат мафқураси йўқ, деб ҳисобланади. Аммо америкаликларнинг маънавиятини ўрганган олимлар АҚШ каби мафқуралашган давлатни топиш қийин, дейишади. АҚШда мафқура вазифасини “Америка орзуси” (American Dream) бажармоқда. У Америка давлатининг олий қадриятлари йиғиндиси, миллатнинг маънавий онаси деб тушунилади. “Америка орзуси”нинг асосий тушунчаларини шахс эркинлиги, эркин тадбиркорлик, демократия, муваффақиятга эришишга қаратилган меҳнат ташкил қилади. Америкаликлар мафқура бўлмаса, давлат бошқарувида тизимлилик бўлмайди, тизимсиз эса самарали сиёсат бўлиши мумкин эмас, деб ҳисоблашади. Шу боис, америкалик давлат арбобларидан бири У.Сэфайр

“Агар Америка тузуми – скелет бўлса, американча орзу – унинг қалбидир“ деган эди.

Жанубий Кореяда ҳам миллий ғоя халқнинг миллий ўзлигига ва ёшлар тарбиясига қурилди. Мактабда миллий ғоя ёшлар онгига урф-одатлар, ахлоқий идеаллар орқали сингдириб борилди. Ёшларни ҳаётга тайёрлашда оила, мактабгача таълимга алоҳида эътибор қаратилди. Ҳозир ҳам корейс оилаларида умумий бюджетнинг эллик олти фоизи боланинг таълим-тарбияси, инсон капитали – Human Capital учун сарфланмоқда.

Мамлакатимизда миллий ғояга янги давр, миллатимиз тарихининг янги босқичи талабларидан келиб чиққан реал талаблар қўйилмоқда.

Илгари миллий ғояни тушуниш ва тушунтиришда ноқулайликлар учраб турар эди. Масалан, одамларнинг қулоқлари миллий ғоя давлат ва халқ бирлиги тараннумини эшитарди. Лекин кўзларимиз ҳокимликлар, вазирлик ва идораларнинг олдидаги темир панжараларни кўрар эди. Халқ давлат органларига хизмат қилиши керак, деган нотўғри қоида амалда эди. Фуқаро ҳокимиятга эмин-эркин киролмас, дардини айтолмас эди. Чунки амалда халқдан давлатни ажратувчи темир панжара бор эди. Панжаралар кесиб ташланди. Лекин айрим амалдорларимиз онгида бу панжара ҳалигача турибди. Тафаккурдаги темир панжараларни қўпориб ташлаш қийин кечяпти. Миллий ғоя ана шундай вазият талабларидан келиб чиқиб янгиланмоқда.

Илгари миллий ғоя ижтимоий-гуманитар, маънавий-маърифий масала, деб тушунилди. Бугун унинг иқтисодий-сиёсий пойдевори – Ўзбекистонни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси бор. Тактикаси – ҳар йилнинг бош Дастури, маблағи, ижрочилари бор. Демак, янги даврда миллий ғоя гуманитар масала бўлиб қолмайди. Чунки унинг натижасига қаратилган иқтисодий тизим ишламоқда. Миллий ғоя рўёби учун демократик муҳит ҳал қилувчи роль ўйнайди. Демократия – тўғрилиқ, ростлик, адолат, қонунийликнинг шarti. Ноҳақдан – ҳақни, золимдан – мазлумни, зўравондан – ожизни ҳимоя қилишга хизмат қилади. Шу ҳақда жар солади. Жамоатчилик назоратини ишга солади. Чунки миллий ғоя аҳолининг бир тоифаси эмас, ҳамма яхши яшасин, ҳаётдан рози бўлсин, дейди. Мамлакатда адолат, қонунийлик бузилар экан, демократия ҳам, миллий ғоя ҳам қуруқ шиорлар бўлиб қолади. Халқ норози бўлади. Халқ норозими, демак, миллий ғоя ўз бонгини урмаётган, вазифасини бажармаётган бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган ислохотлар миллий ғоя халқимизнинг куч-қудратига айланиши учун шароит яратди. Энди гап миллий ғояни ҳар бир ўзбекистонликнинг ниятига ва ҳаракатига айлантиришда. Яхши фикр яхшиликка, ёмон фикр ёмонликка йўл очади. Ахборот майдонини нуқул негатив контент эгаллаб олмаслиги учун позитив, яхши, некбин мазмун, мавзулар билан мутаносиб тўлдиришга алоҳида эътибор қаратмоғимиз зарур. Негаки, биз катталар ҳам, болаларимиз ҳам ҳар куни яхши-ёмон фикрлардан таъсирланамиз. Бир-биримиз билан ижтимоий тармоқда тортишамиз, айтишамиз, уришамиз. Лекин биз буларнинг негатив фикрлардан бошланган ғоялар қураши эканлигини англамаймиз.

Миллий ғоямизнинг бош ғояси “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари”. Юксалиш – ҳаракатни талаб қилади. Демак, миллий ғоямиз ҳаракатлар мафкураси бўлади. Миллий ғоя одамларга ислоҳотлар ким учун, нима учунлигини, аҳамиятини тушунтиради. Ётганни – ўтказди, ўтирганни – турғизди, турганни – юргизди, юрганни – югуришга ундайди. Тушунтиради. Чунки шуларни тушунмаган одамлар бирлашмайди, кўр-кўрона, юзаки ишлайди. Бири ишласа, иккиси томошабин бўлади. Тушунганлар бирлашиб, ихтиёрий, завқ билан ишлайди. Натижада ҳаётдан рози бўлади.

Ғоявий бирлик одамларнинг қайси хатти-ҳаракатларида кўринади? Ўзаро меҳрибон, ҳамфикр ва бир-бирини қўллаб-қувватлаётганида, ишда, ўқишда, инноваторликда, тадбиркорлик, илм, ижодда фаолликларида ва буни миллий ғояга боғлаб тушунишларида, оила, ишхона, реал ва виртуал ҳаётда ўзаро аҳилликларида намоён бўлади. Шу билан бирга, миллий ғоя рўёбига халақит берувчи бузғунчи ғояга қарши тез ва уюшишларида. Масалан, 2019 йил апрель-май ойларида давлат тили бўйича бошланган хештег бизнинг бирлаша олишимизни кўрсатди. Бахтли, ҳаётдан рози бўлишига ишончида, сўз ва амал бирлигида ҳам миллий ғоя яққол кўзга ташланади.

Миллий ғоямизнинг моҳиятини битта сўзда айтиш мумкин бўлса, бу сўз – розилик. Бу фикр давлатимиз раҳбарининг халқимиз билан самимий суҳбатларида такрор ва такрор таъкидлаб, тушунтирилмоқда. Зеро, миллий ғоя рўёби халқнинг муайян вақт ва маконда ўзини бахтли деб ҳис қилишида, бу эса унинг шукроналарида – ҳаётдан розилигида намоён бўлади.

Миллий ғоя ҳар бир ўзбекистонликнинг, оддий одамларнинг мана шундай шукронасига восита бўлади. Мамлакатимизда розилик, бахтиёрлик фоизи борган сари ошиб бораверади. Эртага одамлар бугунгидан яхшироқ бахтни орзу қилади. Бу эса миллий ғоямизни бойитади, янгилайди. Демак, халқимизнинг ўз ҳаётдан розилик даражаси – миллий ғоямиз рўёбининг даражасини кўрсатади.

Давлатимиз раҳбари “Маънавият – энг таъсирчан қуролимиздир”, деган қатъий фикрни билдирди. Бу – бежиз эмас. Чунки “Биз нима учун ўзгаришимиз, бирлашимиз, курашимиз керак?”. Бу саволга яқдил ғоявий жавоби йўқ жамият – қуроли йўқ қўшинга ўхшаб қолади. Маънавият ва маърифат, мафкуравий тарбия Ўзбекистоннинг турли миллат, дин, касб, ёшларга мансуб халқини ғоявий қуроллантиради. Ислоҳотлар нима учун, ким учун кераклигини халққа унинг орзулари билан боғлаб ўқтиради, кўрсатади. Тушунган халқ – ғоя билан қуролланган халққа айланади. Ҳар биримиздан Ватаннинг бир ўғил-қизи сифатида ўз лавозимимизга муносиб бўлиб ишлаш ва яшаш бурчини эслатади. Ўз миллий ғоясини англаган халқни тўхтатиб бўлмайди.

3.2. Маънавий баркамол авлод – буюк келажак бунёдкори.

Мустақиллик шарофати билан халқимиз маънавий зуғумлардан озод бўлди, эркин фикрга, миллий тафаккурга кенг йўл очилди. Она тилимиз, миллий қадрият ва анъаналаримиз рамзи, ўзлигимиз белгиси бўлган кўҳна ва навқирон айёмимиз – Наврўзи оламга бўлган эътибор ҳам Мустақиллик

шарофатидир. Республикамиз бугун ўз олтинини, бошқа нодир ва қимматбаҳо металлларни мустақил қазиб чиқариб, қайта ишламоқда. Ер, ер ости бойликлари, бошқа табиий бойликлар, иқтисодий, илмий-техникавий имкониятларимиз бугун миллий бойлик бўлиб халқимиз турмуши фаровонлиги йўлида хизмат қилмоқда.

Бу ўзгаришлар мамлакатимиз тараққиётида мазмунан янги босқични бошлаб берди ва тенг ҳуқуқли асосларда халқаро иқтисодий, илмий ва маданий соҳаларда фаол ҳамкорлик қилиш имкониятини очди. Бугунги кунда давлатимизда йўлга қўйилган энг муҳим устувор вазифалардан бири маънавий жиҳатдан баркамол инсонни тарбиялаш, таълим ва маориф тизимини такомиллаштириш, миллий уйғониш ғояси асосида маънавий ва руҳий жиҳатдан янги авлодни вояга етказишдир.

Ҳозирги кунда юртимиз аҳолисининг 60 фоиздан кўпроғини ёшлар ташкил этади. Мамлакатимизда ёшларнинг маънавий, ахлоқий жиҳатдан комил инсон бўлиб вояга етиши йўлида барча имконият эшиклари очилмоқда. Ҳукуматимиз томонидан ёшларимизнинг хорижий мамлакатлардаги олий ўқув юртларида таҳсил олишлари учун ҳам кенг йўл очилган.

Мен чин инсонни ватанпарвар шахс қиёфасида кўраман. У қайси соҳада ўқиб-ишламасин, қайси касб эгаси бўлмасин, ўз тақдирини ўзи яшаётган юрт ва миллат тақдиридан айро тасаввур эта олмайди. Мустақиллик миллий ўзлигимизни англаш бахтини берди. Ўзини англаган – дунёни англайди. Ўзини англаган – оламни англайди. Ўзлигини англаш ҳар бир инсонни чин инсон бўлиб яшашга, ҳаётда ўз ўрнини топишга ундайди. Жамият тараққиёти, Ватан ва миллат, келажак олдидаги бурчини тушунишга даъват этади. Бугун қайси касб эгасини олманг, у мустақиллик сабаб ўзи ишлаётган соҳада юз берган ижобий ўзгаришлар ҳақида берилиб сўзлайди. Истиқлолнинг ҳар бир йили ёшларимиз ҳаётига ҳам янги-янги ўзгаришлар олиб кирмоқда.

Бугун баркамол авлодни вояга етказиш борасида республикамизда олиб борилаётган кенг кўламли ишларни жамиятнинг барча жабҳаларида кузатиш мумкин. Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган барча саъй-ҳаракат ва ислоҳотларнинг пировард мақсади соғлом авлодни вояга етказишдир. Мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ соғлом авлод тарбияси энг устувор вазифа деб белгиланиб, баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ёшларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш ва уларни рағбатлантириб боришга ҳам алоҳида эътибор билан қаралаётир. Бу эса республикамиз аҳолиси ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришда муҳим бир босқич вазифасини ўтаётир. Аҳолисининг қарийб ярми болалар ва ўсмирлардан иборат бўлган мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол бўлишини таъминлаш энг муҳим масалалардан биридир. Бу борада пухта ўйланган кучли ижтимоий сиёсат тизими босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этиб келинмоқда.

Мамлакатимизда ёшларни илмли, юксак маънавиятли комил инсонлар қилиб тарбиялашга катта эътибор қаратилаётганлиги бежизга эмас. Юртимизда юксак ҳуқуқий маданиятли кишилар қанчалик кўп бўлса, қонун устуворлигига эришиш шунчалик осон бўлади.

Узоқ тарихимиз гувоҳлик берадики, ҳеч бир миллатнинг тафаккури, дунёқарashi, турмуш-тарзи, маънавий қадриятлари ўз-ўзидан шаклланиб қолмаган. Шу каби интилишлар, эзгу фазилатлар, асрлар давомида халқимиз қон-қонига сингиб ибратли кўриниш касб этган. Бугунгидек бир даврда яъни, ҳаёт суратлари кўз илғамас даражада шиддат билан ҳаракатланаётган замонда чинакам маънавиятли ва маърифатли одамгина инсон қадрини билиши ўз миллий қадриятларини, миллий ўзлигини англаши, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаши учун фидоийлик билан, жонкуярлик билан кураша олиши мумкин. Бу ҳақиқатни теран англаган ҳолда, ёшларни – эртанги кун эгалари сифатидаги масъулятини яна бир бор англамоғимиз даркор.

Ўзбекистон ёшлар мамлакатидир. Шу жиҳатдан олиб қараганда, давлатимиз келажаги, миллат тараққиёти бугунги ёшларнинг билимига, ғайратшижоатига, дунёқарashiга, ватанпарварлик туйғусининг қанчалик юксаклигига, комиллик даражасига боғлиқ. Келажагимиз эркин фикрлайдиган, мустақил иш юрита оладиган, чет тилларидан яхши хабардор, юқори технологик тафаккурга эга бўлган, Ватан ва халқ манфаатларини ўз манфаатларидан устун қўя оладиган, керак бўлса, Ватан учун жонини фидо қила оладиган ёшларни талаб этади.

Инсон маънавиятини юксалтирмасдан туриб, мамлакатимиз тараққиётида муваффақиятларга эришиш қийин. Айнан бу соҳада Ўзбекистон Республикасида ёш авлоднинг фуқаролик позицияси ва фаоллигини кучайтириш, уни мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касбхунарларни пухта эгаллаб, халқаро майдонда рақобатга кириша оладиган баркамол шахслар этиб тарбиялаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги қарорида ҳам ёшлар маънавиятини юксалтиришга қаратилган аниқ вазифалар белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев, томонидан 2016 йил 14 сентябрда имзоланган янги таҳрирдаги "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонун ёшларга замонавий таълим олиш, уйжой харид қилиш ва қуриш, оила қуриш учун имтиёзли кредитлар олишда катта имкониятлар, тизимли ижтимоий кафолатларни тақдим этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан Юқоридаги фаол ёшларимиз каби ибрат соҳиби 22 ёшли Алишер Саъдуллаевнинг Халқ таълими вазирининг ўринбосари ва 25 ёшли Олим Тўйчиевнинг Фан ва технологиялар агентлиги бош директорининг ўринбосари этиб тайинлангани интернет саҳифаларида ва кенг жамоатчилик томонидан қизгин қарши олинган эди.

“Ёшлар аҳволи” тўғрисидаги Жаҳон ҳисоботида кўра сайёрамиз аҳолисининг 20 фоизини 14 дан 24 ёшгача бўлган ёшлар ташкил қилади. Ер юзидаги барча ёшларнинг 85 фоизи ривожланаётган мамлакатларда истиқомат қилади. Инсониятнинг бутун тарихи билан қиёслаганда, ҳозирги ёш авлод анча саводли дея тан олиншига қарамай, бугунги кунда 113 миллионга яқин бола мактабга бормади. Умумий ҳисобда замонавий дунёда 130 миллион боланинг мутлақо саводсиз экани айтилади. Дунёда муаммолар жуда ҳам кўп. Улар орасида ёшлар муаммоси алоҳида ўрин тутди. Бугунги кунда дунё мамлакатларида ёшлар тарбияси билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш асосий масалалардан бирига айланиб қолди. Улар ўз олдиларидаги муаммоларни ўзлари ҳал қилишга мажбур бўлмоқда. БМТ маълумотларига кўра, жаҳонда 15 дан 24 ёшгача бўлган ёшлар ҳамон ишсизлик ва қашшоқлик билан тўқнаш келмоқда.

Қисқа давр мобайнида асосий эътибор Ёшлар иттифоқи фаолиятига оид норматив ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва ушбу ҳужжатлар асосида республика миқёсида уникал тизим ҳамда ривожланган хорижий давлатлар орасида намунали ёшлар ташкилотини яратишга қаратилди. Агар рақамларга эътибор берадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси ва амалий кўмаги асосида ўтган бир йил мобайнида Ёшлар иттифоқи фаолиятига доир жами 26 та Қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Жумладан: Ўзбекистон Республикасининг 2 та Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2 та Фармони, 4 та қарори, 1 та фармо йиши, Вазирлар Маҳкамасининг 14 та қарори ва 3 та фармойиши имзоланди, Ёшлар масалалари билан боғлиқ 70 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди.

Янги тараққиёт босқичида маънавий-маърифий ислохотларни олиб боришда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 16 апрелда “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳам муҳим аҳамият касб этади. Унда қуйидагилар устувор йўналиш қилиб белгиланди:

- “Жаҳолатга қарши маърифат” улуғвор ғоя асосида диннинг асл инсонпарварлик моҳиятини, эзгулик, тинчлик ва инсонийлик каби фазилатлар азалий кадриятларимиз ифодаси эканлигини кенг ёритиш ва бу соҳадаги илмий-маърифий фаолиятни жадал ташкил этиш;
- ислом ва жаҳон цивилизациясига бебаҳо ҳисса қўшган аجدодларимизнинг бой маданий меросини чуқур ўрганиш асосида ёшларнинг онгу тафаккурини шакллантириш;
- динни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиган бузғунчи ёт ғояларнинг асл моҳияти ва мақсадлари ҳақида аҳолининг, айниқса, ёшларнинг хабардорлик даражасини ошириш;
- жамиятда миллий ва диний кадриятларимизга ёт бўлган ғояларга нисбатан тоқатсизлик муҳитини шакллантириш;
- жамиятда бағрикенглик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, тинчлик ва тотувликни, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда

диний-маърифий соҳа вакилларининг дахлдорлик ҳисси ва иштирокини янада ошириш;

- диний-маърифий ташкилотларнинг моддий-техника таъминотини мустаҳкамлаш, соҳа вакиллари меҳнатини муносиб рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоясини кучайтириш;

- глобаллашув шароитида жамиятимиздаги ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги ва эътиқод эркинлигига таҳдид туғдириши мумкин бўлган омилларни барвақт аниқлаш ва олдини олишга қаратилган ахборот-таҳлилий фаолиятни кучайтириш;

- диний ва дунёвий билимлар уйғунлигини ривожлантириш асосида таълим сифатини ошириш, диний-маърифий соҳада малакали кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг яхлит тизимини яратиш⁵.

Мамлакатимизда ёшларни ватанпарварлик, миллий анъана ва кадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, маънавий етук ва жисмонан соғлом баркамол авлодни вояга етказиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилди. 2017 йил 5 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллабқувватлаш тўғрисида”ги ПФ-5106-сонли Фармони, 2017 йил 14 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллабқувватлаш тўғрисида”ги Фармонлари чиқарилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни бугунги давр талабларига мос равишда ҳар томонлама баркамол, мустақил фикрлайдиган, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, халқ манфаати йўлида бор салоҳиятини сафарбар қиладиган, шижоатли ёшларни тарбиялаш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратди. Ушбу Қонун ҳужжатларининг барчасида ёшларни маънавий юксак, баркамол шахс бўлиб вояга етишлари учун барча шарт-шароитлар белгилаб қўйилган. Уларда кўзга тутилган мақсадларга эришиш учун бугун маърифатчи зиёлиларимиз иштирокида “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” шиори остида “Мен севиб ўқиган китоб” ва “Энг яхши китобхон” республика танловларини, “Китоб байрами” ва “Болалар китоблари” анъанавий республика фестиваллари, “Биз Ватанга таянчимиз”, “Бизнинг энг катта таянчимиз ва суянчимиз, ҳал қилувчи кучимиз ёшлар” шиорлари остидаги акциялар, “Адабиёт ва санъат – шахс маънавиятини бойитиш ва юксалтириш омили” мавзусида ёзувчилар, шоирлар, санъаткорлар, адабиётшунос олимлар иштирокида учрашувлар ташкил қилиниб, ўтказиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги” ташкил қилинди. 2017 йил 29 ноябрь

⁵ «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Халқ сўзи. 2018 йил 17 апрел

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисидаги Фармонида белгиланган йўналишларда ҳам ёшларга алоҳида урғу берилган⁶. Жумладан, худудлар ижтимоий-иқтисодий салоҳиятининг барқарор ўсиши, шунингдек, аҳолининг ҳаёт даражаси ва фаровонлиги юксалиши учун зарур ижтимоий-иқтисодий шароитларни таъминлашга қодир бўлган фан ва инновация фаолиятини ривожлантиришнинг замонавий инфратузилмасини шакллантириш;

инновацион ғоялар ва технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш соҳасига инвестицияларни кенг жалб этиш, уларнинг янада ривожланишини таъминловчи норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш; илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини, энг аввало, ёш авлоднинг ижодий ғоялари ва ишланмаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш, шунингдек, ушбу фаолиятда иқтидорли ёшлар фаол иштирок этиши учун қулай шароитлар яратиш назарда тутилган. Демак мамлакатда юрт тинчлиги ва фаровонлигини таъминлаш, маънавиятни юксалтириш мақсадида сиёсат олиб борилмоқда экан, бугунги ёш авлодни шунга муносиб равишда тарбияламоқ лозим.

3.3. XX аср бошлари жадид маърифатпарварлик ҳаракати ва унинг фалсафий моҳияти.

Марказий Осиёда, хусусан, Туркистонда маърифатпарварлик ғоявий ҳаракат сифатида XIX асрнинг иккинчи яримида маълум сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий-маданий соҳаларда юз берган ўзгаришлар заминида юзага келди. Бу маърифатпарварлик ҳам ўз моҳиятига кўра, феодал тартиблари ва муносабатларига қарши, мамлакатни феодал қолоқлигидан чиқариш учун курашувчи илғор кучларнинг манфаатларини ифодаловчи ғоявий ҳаракат сифатида майдонга чиқди. Бироқ Марказий Осиё маърифатпарварларининг фаолияти Европада капитализм тўла ғалаба қилган, Россияда эса капитализм айна ривожланиб бораётган ва Россия мустамлакаларида кескин сиёсий кураш авж олаётган бир даврга тўғри келди.

Марказий Осиё маърифатпарварлиги, хусусан, Туркистон маърифатпарварлиги феодал тартибларини ўзгартириш, маданий юксалишга бўлган интилиш билан бирга, маълум даражада Россиянинг мустамлакачилик сиёсатига қарши чоризмнинг маҳаллий халқларга ўтказётган жабр-зулм эксплуатациясидан норозилик кайфиятларини ифодаловчи ғоя сифатида ҳам пайдо бўлади. Шу жиҳатдан бу маърифатпарварлик ўзига хос мафкуравий характерга ҳам эга эди. Туркистон маърифатпарварлари ўз фаолиятларида эскирган феодал тартиблари ва муносабатларига рус капиталистик муносабатлари орқали пайдо бўлаётган янги маданий ютуқларни қарши қўйиш, уларнинг устунликларини тарғиб қилишдан бошланиб, аста-секин сиёсий тус олиб, Туркистонда Россиядан фарқ қилувчи ерли, маҳаллий

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисидаги ПФ-5264-сонли Фармони. 2017 йил 29 ноябр. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.12.2017 й., 06/17/5264/0339-сон)

халқнинг ўзига хос маънавияти хусусиятларини ҳимоя қилувчи тартиблар ўрнатилишини талаб қилувчи даражага кўтарила борди.

Шу жиҳатларни ҳисобга олганда Туркистон маърифатпарварлик ҳаракати икки босқичда кечди. Биринчи босқичда феолдал тузум тартибларини танқид қилиш, маданий янгиликларни, Европа тилларини ўрганиш ва эгаллаш, янги илм фан ва техникани тарғиб қилиш каби масалалар илгари сурилади. Бу босқичда, айниқса, маърифатпарварликнинг юзага келишида Аҳмад Дониш, Комил Хоразмий, Сатторхон ва Исоқхонлар, Муқимий, Фурқат, Аваз Ўтар ва Завқийлар катта рол ўйнадилар. Улар бу ҳаракатларнинг оташин нимояндалари сифатида халқнинг реал ҳаётини, унинг адолат, ҳақиқат, илм- маърифат ҳақидаги орзу умидларининг ўз йўллари фаолиятларида ифода этиб, халқнинг жабр-зулмдан қутилиши, унинг бахт-саодатга эришуви илм-фанни ва маданиятни эгаллашда, деб билдилар. Шу сабабли улар халқнинг кўзини очишга, жаҳолатдан қутилишга, бунинг учун илм-фанни ва ҳунарларни ўрганиш ва эгаллашга, маърифатли ва маданиятли ҳамда ўқимишли бўлишга чақирдилар. Улар фақат ўз халқи илм-фани ва маданиятини эгаллаш билан чекланмай, бошқа халқлар, хусусан, Европа ва рус халқи эришган илм-фанни, ҳунарларни, техникани, маданиятни ҳам эгаллашга, ўрганишга, шу асосида жаҳолат ва бидъат уйқусини тарк этишга чорладилар. Бунинг учун бошқаларнинг тилини билишни, ўрганишни кўп тилларни билиш эса дунёвий илмлардан, фан-техника ютуқларидан баҳраманд бўлиш имкониятини беришни уқтирдилар.

Хуллас, биринчи босқич маърифатпарварлиги, бу асосан, халқни янги маданият, янги маърифатга чақириш, чорлаш, миллатни, халқни жаҳолат ва бидъат уйқусидан уйғонишга, янги пайдо бўлаётган маданият ва маънавиятни эгаллашга йўналтирилган эди. Маърифатпарварлик ўзининг биринчи босқичида аста – секин ривожланиб бориш асосида ундан жадиличлик ўсиб чиқади. Жадиличлик бу маърифатпарварликнинг ривожланган, тараққий этган иккинчи босқичи эди. Биз буни алоҳида куйидаги саволда кўриб чиқамиз.

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларига келганда Марказий Осиё, хусусан, Туркистон халқлари илғор вакиллари Россиянинг мустамлакачилик зулмидан қутилиш, ўз миллий давлатчилигини қуриш, ўз миллий – иқтисодий, сиёсий ва маданий тараққиётига йўл очиш зарурлигини тушуниб етишади. Бу кишилар ўша давр тарихий жараённинг етакчи кучи миллий ва маҳаллий савдо ва саноат буржуазияси намаёндалари ҳисобланиб, улар жуда катта қийинчиликлар билан кенг халқ оммасининг сиёсий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қиладиган ғоявий оқим – жадиличлар маърифатпарварлигини шакллантириб, уни ҳар томонлама ривожлантирдилар. Туркистонда жадиличлик ҳаракати маърифатпарварлик асосида Ўрта ва Яқин Шарқдаги, Қрим, Қозон, Уфа ва Озарбайжонда юзага келган диний ислоҳотчилик ва маърифатпарварлик ғоялари ҳамда жадиличлик ҳаракати таъсирида вужудга келади. Бу жадиличлик Туркистонда вужудга келган шарқона маърифатпарварликни бутун халқнинг демократик ва миллий уйғонишига йўналтирилган умуммиллий мафқураси

даражасига кўтарди. Жаидчилар Марказий Осиё, хусусан, Туркистонда узоқ давом этаётган сиёсий, иқтисодий ва маданий инқирозни тўхтатиш, жамият тарақиётини янги йўналишга солиб юбориш мақсадида маориф, дин, адлия, давлат қурилиши ва бошқа қатор ижтимоий-маданий соҳаларда ислохотлар ўтказишни таклиф қилишиб майдонга чиқишади. Улар таълим-тарбия, ахлоқ-одоб, ўқиш-ўқитишни, соғлиқни сақлаш соҳаларини, хотин-қизлар аҳволини яхшилаш, ижтимоий-маданий турмушнинг барча жабҳаларини тубдан ўзгартириш ғояларини ўртага ташлашди.

Жаидчилар ўз сиёсий фаолият соҳаларида Туркистон худудий бирлиги, Чоризм мустамлакачилигидан қутилиш, миллий мустақиллик ғояларини илгари суришиб, шу ғоялар учун кураш олиб боришади. Улар иқтисодий соҳада эса саноатни, савдони ривожлантириш, иқтисод ва молия соҳаларида бошқа миллатларга қарам бўлишдан қутилиш, миллий савдо ва банк ташкилотларини барпо қилиш ғоялари билан майдонга чиқадилар.

Бироқ жаидчилар фаолиятида маданий-маърифий соҳа устувор ҳисобланади. Жаидчилик ҳаракатининг асосий мақсади – эски тизимни ислох қилишдан иборат бўлди. Жаидчилар миллий мустақиллик манфаатларини ҳимоя қила оладиган, сиёсий ва иқтисодий қарамлик ва қолоқликдан чиқиш муаммоларини еча оладиган замонавий билимларга эга, саводли ва ватанпарвар кадрлар бўлиш зарурлигини яхши англайдилар. Шунинг учун дунёвий билимларни диний билимлар билан бирликда ўрганиш ва эгаллаш ишлари, маориф тизимини ислох қилиш масаласи жаидчилар ижтимоий фикрининг диққат марказида бўлади. Жаидчилар ислохотни мактаб ва мадрасалардан бошлаш зарур, чунки миллат ҳаёти таълим-тарбия билан белгиланади, дейишади. Улар маҳаллий бойларнинг ўша давр ички ва ташқи бозорда синишларининг асосий сабаби-уларнинг савдо илмидан саводсизлиги туфайли бўлмоқда, чунки улар савдо қилиш, молиявий операцияларни олиб бориш ишларини билмайдилар. Агар биз маданият ва иқтисод соҳаларида бошқа (мамлакатларга), бошқа миллатларга қарам бўлишни истамасак, биз миллий судьялар, адвокатлар, ўқитувчилар, давлат арбоблари, инженер, саводли тижоратчиларни тайёрлашимиз зарур. «Масала шундай экан, сиз ҳурматли ватандошлар, ўз фарзандларингизни дин ва миллатга хизмат қилмоқлари учун замонавий билимларга ўргатишга ҳаракат қилишингиз зарур, миллат ва динга фақат билим ва маблағ билан хизмат қилиш мумкин», деб ёзишади. (М. Бехбудий, “Ойина”, 1913 й., 7-сон; 1914 й., 31-сон; 1915 й., 10-сон). Жаидчилар ўз матбуотида: “Барча миллатлар ўз фарзандларини дин ва миллатга содиқ бўлиш руҳида тарбиялайдилар. Шунинг учун улар мактабга алоҳида аҳамият берадилар. Бизда мана шуни ҳис қилиш йўқ. Биз дин ва миллатни ҳимоя қилувчи ишонарли ва мустаҳкам воситага эга бўлмоқимиз шарт. Бу восита – маорифдир” (М. Бехбудий, “Ойина”, 1914 й., 41-сон), -деб ёзган эдилар. Улар булар билан чекланмасдан, ўз миллатдошларига ўз фарзандларини хорижий давлатларига юбориб, ўқитиш зарурлигини, токи, улар ўқиб келишиб, миллат манфаатларини ижтимоий ҳаёт соҳаларида ҳимоя қилишсин, миллатимиз тараққий этсин, - дея мурожаат ҳам қилишади. Уларнинг бу фикри бугунги бизнинг

мустаққилик шароитимизда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Жадидчилар маорифни ислоҳ қилиш масалаларини ўз матбуотлари саҳифаларида ҳар тамонлама муҳокама қилишади. Улар бунда мактаб ишининг иқтисодий ва молиявий тамонларини, ўқувчилар руҳияти ва адобига ижобий таъсир қилувчи усуллар, ўқитиш дастурлари ва бошқа кўпчилик масалалар ҳақида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдиришиб боради.

Жадидчилар ўз мақолалари ва асарларида маориф, ижтимоий ҳаёт ва турмуш тарзининг айрим тамонларини ислоҳ қилиш зарурлигини айтиш билан чекланмасдан, ёшлар диққатини яна халқимизнинг ўтмиш маданиятига, ўтмиш аждодлари илм-фан соҳасида эришган ютуқларига қаратиб, уларни ўрганишга ҳам жалб қиладилар.

Жадидчилар ўз фаолиятларида фақат миллий доирадагина чегараланиб қолмадилар. Улар ўз матбуоти саҳифаларида умуминсоний маданият ютуқлари, фан ва таълим-тарбия ҳақидаги хорижий фикрий янгиликларни ҳам тарғиб қилишиб, бу соҳаларда ҳам катта ишлар қилишади. Ҳатто улар ўз матбуотларида туркий халқлар учун ягона тил яратиш муаммоси билан ҳам чиқишади.

Жадидлар матбуоти саҳифаларида диний ва фалсафий масалаларга ҳам катта аҳамият беришади. Улар ўз мақолаларида, Ўрта асрларда бўлганидек, фан билан динни келиштириш, уларнинг уйғунлигини таъминлаш, фан ва маданият тараққиёти ютуқларини ислом динига боғлаб изоҳлашга ҳаракат қилишади. Моҳият эътибори билан олганда, жадидлар фалсафий қарашлари материалистик фалсафага ва атеизмга қарши қаратилган бўлади. Масалан, М.Бехбудий ўзининг “Самарқанд” рўзномасида босилган мақолаларидан бирида охириги 500 йил ичида мусулмонлар фан ва фалсафа соҳасида бошқа мамлакатлардан орқада қолганликларини таъкидлаб, материализм ва атеизм билан курашиш учун фан ва фалсафанинг янги ютуқлари билан куролланиш мақсадга мувофиқлигини айтади.

Умуман олганда, жадидлар маърифатпарварлигининг фалсафий-назарий заминлари: миллий фалсафий мерос, анъанавий ислом, тасаввуф таълимоти, шариат, Европада пайдо бўлган позитивизм фалсафаси қарашларига бориб тақалади. Марказий Осиё, хусусан, Туркистонда шаклланган жадидчилик маърифатпарварлик ғоялари миллий мустақиллик, миллий ватанпарварлик ғояларидан иборат бўлиб, улар умумбашарий демократик қадриятлар билан йўғрилган эди. Лекин мустақиллик мафкураси нуқтаи назаридан жадидларнинг энг эзгу ғоялари умуминсоний қадриятлар сифатида умуминсоний орзулар, ижтимоий адолат ва тенглик ҳақидаги қарашлигига кўра, уларнинг ҳаммасида бир хил фикр, бир хил қараш бўлмаган. Бунда характерли томони шундаки, жадидларнинг энг изчил миллий ва демократик мавқеда бўлган вакиллари: Бехбудий, Фитрат, Чўлпон ва шу кабилар коммунистик ақидалар ва қарашларни қатъий инкор этиш йўлида турганлар. Уларнинг миллий мустақиллик ва умумбашарий демократик қадриятлар учун кураши жуда изчил ва фаол йўналишда борган. Шунинг учун улар фожевий тақдир топишган.

Кўпчилик адабиётларда жадидларни XX аср бошида шаклланиб келаётган миллий савдо ва саноат буржуазияси мафкурачилари, дейилиб характерлайди. Бундай фикр бизнингча, жадидларнинг фақат бир қисмига нисбатангина тўғри. Бошқа қисмлари бундан мустасно. Чунки жадидлар ҳаракати таркиби бошланғич даврда ҳам, кейинчалик ҳам ижтимоий жиҳатдан бир хил бўлмай, улар сафларида жамиятнинг ҳар хил ижтимоий табақаларининг вакилларидан иборат кишилар бўлишади. Дастлаб улар асосан мадраса талабалари, янги усул мактаб ўқитувчилари, майда савдогарлардан иборат бўлишса, кейинчалик йирик миллий савдогарлар, саноат буржуазияси вакиллари ҳам келиб қўшиладилар. Туркистонда миллий-озодлик ҳаракатининг авж олиши билан жадидлар сафига миллий зиёлиларнинг аксарияти фаол кўпчилик қисми ҳам келиб қўшилади. Уларнинг орасида эса эзилган халқнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи кўплаб илғор кишилар етишиб чиқади.

Бизнингча, баъзи адабиётларда “жадидизм мафкура, муайян қарашлар тизими сифатида капиталистик тараққиёт эҳтиёжларини ифодалар эди”, дейилган қараш ҳам жадидчилик ғоявий ҳаракатини бир томонлама баҳолашдир. Жадидларнинг таркиби турли даражадаги ижтимоий қатламлардан иборат бўлганлиги туфайли жадидчилик ҳаракати, унинг вакилларининг қарашлари ҳам хилма-хил ва турлича бўлиб, турлича мақсадларни ва манфаатларни ифодалар эди. Лекин, барибир, буларга қарамасдан, жадидчилик ҳаракати, жадидчилик ғоялари ва қарашлари Туркистондаги ижтимоий-фалсафий тафаккур, сиёсий фикр тараққиётида чуқур из қолдирди. У XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида шаклланган ва юзага келган Туркистондаги ижтимоий-фалсафий тафаккур, сиёсий фикрларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Хулоса қилиб айтганда, жадидчилик ҳаракати Туркистонда таълим-тарбияда янги йўللارни излаш, янги усулларни жорий этиш, янги усулдаги мактаблар очиб, халқнинг саводчилигини, билим даражасини кўтариш, ижтимоий-фалсафий фикрда ўз миллий давлатчилигимизни тиклаш, тил, дин, анъанавий тарихий бирлигимизни сақлаб қолиш; тилимизни юксак илм-фан, фалсафа ва нафис санъат тилига айлантириш; замонавий ва демократик тараққиёт йўлига чиқиш; кенг халқ оммасининг миллий онгини уйғонишига кўмаклашишдан иборат бўлади. Бу масалани навбатдаги саволда кенгроқ ёритиб берамиз.

Ҳозирги кунда мустақилликка эришганимиздан кейин Ватанимиз ва хорижий олимларнинг жадидчилик масаласига янгича қараш ва янгича ёндошувлар асосида олиб борилаётган тадқиқотлари шуни кўрсатаётгани, ўз даврининг кўзга қурунган ижтимоий-сиёсий оқими сифатида жадидчилик ҳаракати маҳаллий халқ оммасининг миллий ўзлигини англашининг ўсишига, миллий озодлик ҳаракатининг кенг ривожланишига, миллий мустақиллик мафкурасининг шаклланиши ва тараққиётига ва энг муҳими, миллий онгнинг ривожланишига жуда катта хизмат қилади.

Жадидчилик маърифатпарварлик ва демократик йўналишдан кучли ижтимоий-сиёсий ҳаракатгача бўлган мураккаб ривожланиш йўлини босиб ўтар экан, у мустамлакачилик остида эзилиб ётган халқ оммасининг оғир

иқтисодий аҳволи ва Туркистоннинг жаҳондаги иқтисодий тараққий этган мамлакатлардан орқада қолиш сабаблари ва уни тараққий эттириш чораларини излаб топишга ундади. Вужудга келган вазиятда илғор жадижди зиёлилар Туркистоннинг тараққиёт даражаси орқадалигининг сабаблари: мустамлакачилик зулми, халқнинг ғафлатда, жаҳолатда қолганлиги ва маърифатсизлигида, деб билдилар. Шунинг учун булардан кутилишнинг энг тўғри ва асосий йўли маориф ва маърифат йўли, маорифни ислоҳ қилиш, деб қарадилар. Улар бу ислоҳотларни амалга оширишнинг зарур эканлигини нафақат назарий жиҳатдан асослаб бердилар, балки ўзлари янги усулда мактаблар очиб, кутубхоналар, кироатхоналар барпо этиб, ўқув қўлланмалари ва дарсликлар ёзишиб ўз ғояларини амалда қўллаш йўлида ҳам улкан ишлар қилдилар.

Жадидлар Туркистонни эски қоқоқлик ҳолатидан қутқариб, унинг тараққиётини янги босқичга чиқариш, халқнинг миллий онгини уйғотиб, миллий мустақилликка эришиш учун фақат маорифни ислоҳ қилиш ғоялари ва ишлари билан чекланмаган, балки улар ўз матбуоти – рўзнома ва ойномаларини чиқаришиб, халқнинг сиёсий онгини ўстиришда жонбозлик қилдилар. Улар матбуот саҳифаларида ҳатто ҳозирги кунда ҳам кишиларни тўлқинлантирадиган, уларни ҳаяжонга соладиган қатор масалалар ва муаммолар ўз аксини топади. Бу масалаларга биз инсоннинг маънавий баркамолликка етишида диннинг, илм-фаннинг, яъни диний ва дунёвий илмларнинг ўрнини тўғри англаб етиш, ҳуқуқий ва иқтисодий муносабатларда ҳам туб ислоҳотлар ўтказиб, ҳуқуқий ва иқтисодий бозор маконини ташкил қилиш жараёнини тезлаштириш, тараққий этган илғор мамлакатларга хос сиёсий ва демократик ижтимоий институтларни жорий этиш, ўзига хос миллий ривожланиш йўлини танлаш масала ва муаммоларни келтиришимиз мумкин.

1905 йилдаги биринчи рус инқилоби жадидлар фаолиятини анча жонлантириб, уларнинг олиб бораётган тадбирлари Туркистондаги ислоҳотчилик ҳаракатлари Тошкентда Мунаввар Қори-Абдурашидхон ўғли, Абдулла Авлоний, Исмоил Обидов, Убайдулла Хўжаев; Самарқандда М.Бехбудий, Ҳожи Муён, Ақобир Шомансурзода, Йимандхўжа Сиддиқий; Наманганда Носирхон Тўра; Қўқонда Обиджон Маҳмудов, Ашурали Зоҳидий ва Пўлат Солиевлар раҳбарлигида шаҳар аҳолиси ўртасида кенг авж олади.

Жадидларнинг фаолиятидаги муҳим кўрсаткич - бу нафақат уларнинг янги усуладаги мактаблар очиш, балки уларнинг нашриёт ва матбаа ишларида, ойнома ва йилномаларнинг қўплаб нашр этишларида ҳам намоён бўлди.

Жадидлар, айниқса, 1915-1917 йилларда ўз фаолиятларида ҳам сиёсий, ҳам ташкилий ва ҳам мафкуравий жиҳатдан анча ўсдилар. I жаҳон уруши ва Россиядаги февраль демократик инқилоб жадидларнинг фикрлаш тарзини анча ўзгартирдилар.

Бу вақтга келиб, улар парламентар монархия тузуми ҳақида фуқароларнинг давлат органларини шакллантиришда, қонун чиқариш ишида, давлатни идора қилишда қатнашуви ва иштироки ҳақида ёздилар. Февраль

инқилобига келиб, Туркистон жадиждарининг бир қисми (мўътадил қисми) бир қатор кенг сиёсий талабларни илгари суриб чиқдилар. Бу талаблар: маҳаллий туб аҳолининг ҳуқуқларини кенгайтириш, ўлкани идора этишни тубдан ислоҳ қилиш, туб аҳоли учун Давлат Думасидан муайян миқдорда депутатликка ўрин ажратиш, асосий демократик эркинликларни таъмин этиш ва энг муҳими, миллий матбуот эркинлигига эришиш, Чор якка ҳокимлик тузумини конституциявий идора этиш тузуми билан алмаштириш кабилар эди.

Албатта, жадиждарнинг бу талаблари кенг халқ оммасига таъсир қилмай, уларнинг миллий онгини ўстирмай қолмас эди. Бу пайтга келиб жадиждар ўзларининг миллий сиёсий ташкилот ва партияларини туздилар. Натижада, уларнинг “Шўрои Исломия” ва “Иттифоқ” партияси ва ташкилоти пайдо бўлди. Февраль инқилобидан кейин жадиждар маҳаллий аҳолининг турли-туман ижтимоий қатламларни ўз ортларидан эргаштириб, уларнинг онгида, фикрларида ва қарашларида яктан, якдил бўлиб бирлашишлари, жипслашишлари зарурияти ҳиссини туғдирдилар. Бироқ орадан кўп ўтмай, жадиждар Туркистонда тузилган вақтли ҳукуматнинг олдинги Чор Россияси давридаги мустамлакачилик сиёсатидан воз кечмаганлигининг гувоҳи бўлдилар; улар мустақиллик ва мухторият учун ҳаёт-мамонт кураши вақти етиб келганини англаб етиб, мустамлакачиликни ва вақтли ҳукуматни қаттиқ танқид қилиб чиқа бошладилар. Энди жадиждар ўзларининг олдинги конституцион монархия тузуми ғояларидан воз кечиб, Туркистонга Россия демократик федератив республикаси таркибида миллий ҳудудий мухторият берилишини талаб қила бошладилар. Улар давлат мустақиллиги тўғрисидаги ўз ғояларини ҳаётга тадбиқ қилишга, унинг амалга ошишини чақирилажак таъсис мажлиси билан боғладилар.

Жадиждар таъсис мажлисидан ўрин олиш учун жуда кўп уриндилар, ҳатто улар бу жараёнда консерватив қисмдан ташкил топган. “Шўрои Уламо” ташкилоти билан ўзаро бирлашиш йўлидан бориб, пировардида “Турк олами марказияти” партиясини вужудга келтирдилар. Буларнинг ҳаммаси халқ оммасининг сиёсий онгининг ўсишига ўз таъсирини ўтказди. Бироқ октябрь давлат тўнтариши – большевиклар партиясининг ҳокимият тепасига келиши жадиждарнинг мақсад ниятларини амалга оширишига монелик қилади. Шунга қарамай, большевиклар ҳокимиятининг: “Ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш” ҳақидаги декларациясига асосланиб, жадиждар Қўқонда “Туркистон мухторияти”ни эълон қилдилар. Атиги уч ой яшаган бу мухторият, ниҳоят, большевиклар томонидан қонга ботирилиб, тугатилди. Жадиждар эса кучли таъқиб остига олиниб, унинг кўпчилик илғор вакиллари 1937-1938 йилларда бутунлай қириб ташланди, қолган-қутганлари эса 1950 йилларга бориб буткул тугатилди.

Умуман олганда, жадиждарнинг бизнинг тарихимиздаги ўрни ва бугунги кун бизнинг мустақиллигимизни мустаҳкамлашдаги аҳамияти шундан иборатки, жадиждар биринчи бўлиб мустақиллик миллий мафқурасига асос солдилар, улар ғафлат уйқусида ётган мазлум ва эзилган халқни уйғотди, унинг кўзини очди, озодлик, эрк, мустақиллик, миллий

ғурур, ифтихор, туйғуларини пайдо қилди; улар буюк тарихимиз, фалсафий меросимиз ҳақида, буюк аждодларимиз, бой маданиятимиз ва маънавиятимиз ҳақида, мустамлака ва истибдод даврида унитила бошлаган кадриятларимизни тиклаш ҳақида жар солдилар. Жадидчиларнинг буюк тарихий хизматларидан яна бири – улар етилиб қолган муаммоларни ҳал қилишда ривожланишнинг эволюцион йўли – ислохотлар йўлини ишлаб чиқдилар.

3.4. Мустабид совет тузуми даврида ўзбек фалсафаси. Тоталитар мафкуранинг фалсафага таъсири.

Маълумки, ўтган асрнинг бошларида Россия империясида ҳокимиятни большевиклар партияси зўрлик билан эгаллаб олди ва ўз тузуми, иқтисодий тизими, сиёсати ва мафкурасини ўрнатди. Собик иттифоқнинг сиёсий тузуми яқка партиянинг мутлақ ҳукмронлиги, у асосланадиган ягона мафкуранинг тоталитар устуворлиги асосига қурилган эди. Давлат тизими ва жамият тузилиши ҳам ана шу мафкурага мувофиқ ўзгартирилди, илм-фан, маънавият, таълим-тарбия ҳам унга асосланди. Ўзбекистон ўша давлат таркибида бўлгани учун бу жараёнлар халқимиз ҳаёти, хусусан фалсафасига ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатган, асоратлар қолдирган.

Собик иттифоқ даврида ҳаётнинг барча соҳалари синфийлик. партиявийлик, худосизлик тамойиллари ва давлат мулки устуворлигига таянгани, сўз ва виждон эркинлиги турли йўллар билан бўғиб келингани, бир ёқлама дунёқараш зўрлик билан сингдирилгани туфайли фалсафанинг қурук сафсата ва зерикарли ақидага айланиб қолгани аччиқ ҳақиқатдир. У даврда тоталитар тузум ва яқка партия манфаатлари устун қўйилгани оқибатида фалсафа деганда, инсонни - инсон, халқни - халққа айлантирадиган, унинг кадр-қиммати ва ўзлигини акс эттирадиган, асрлар давомида бир бутун тизим сифатида шаклланиб, ривожланиб келган ҳодиса эмас, балки собик мафкуранинг маддоҳига айлантирилган, унинг доирасидаги кичик бир соҳа тушунилар эди, холос. Кўпчилик фалсафани алоҳида ва серқирра ҳодиса эмас, балки мавҳум ва ҳаётдан йироқ қонунлар ва категориялар йиғиндиси сифатида тадқиқ ва тарғиб қилишга кўникиб, одатланиб қолган эди.

Бу эса, фалсафий таълимотларнинг замон билан ҳамнафаслиги, халқ ҳаётининг инъикоси ва узвий ифодаси эканлигининг унутилишига сабаб бўлди. Натижада кўпчиликда фалсафа мавҳум ва кераксиз фан эканлиги, уни ўрганишга кетган вақт бекорга ўтгани ҳақидаги аламли тасаввурлар шаклланиб қолди. Фалсафа кўп йиллар мобайнида оддий ва рагон тилда тушунтирилмас, аксинча, турли қонун ва қоидалар, хилма-хил таълимот ва ғоялар мажмуидан иборат мавҳум ва мураккаб фан сифатида талқин этиларди. У ёки бу фалсафий қоида нега керак, уларни ўрганишнинг қандай аҳамияти бор, муайян файласуф айнан бирор-бир ғоя ёки таълимотга кўпроқ аҳамият берганининг сабаби нимада, нима учун унинг қарашларида айнан ана шу муаммо устувор бўлди, деган масалалар кўп ҳолларда, назардан четда қолар эди. Фалсафа тарихий воқелик билан боғлаб тушунтирилмас,

фалсафий таълимотлар ўз асосчилари ҳаётининг узвий қисми экани ёддан чиқарилар эди.

Оқибатда нима бўлар эди? Фалсафа мутахассиси бўлмаган талабаларнинг ниҳоятда оз қисмигина бу фаннинг асл моҳиятини тушуниб оларди, холос. Аксарият ёшлар эса фалсафа оламига кириб бора олмасдан, гўёки катта шаҳар бошланадиган жойда қолиб кетарди. Кун сайин чуқурлашиб, фан сирларини бор мураккаблигича тушунтиришда давом этаётган ўқитувчи санокли талабалар билан бирга ўша шаҳарга кирарди, кўчалар, маҳаллаларни - фалсафа дунёсини кезишда давом этарди. Лекин қолган талабалар эса бу хазинадан бебаҳра бўлиб, шаҳарга кирмасдан ўтадиган айланма йўлдан боришга мажбур бўлар ва шу тариқа фалсафанинг моҳиятини дурустроқ тушунмай, диплом оларди ҳамда амалиётга кетарди.

Ана шунинг оқибатида, ҳалигача мутахассис бўлмаган баъзи кишилар фалсафани энг қийин ва ниҳоятда мавҳум фан деб ҳисоблайдилар. Бундайлар назарида фалсафа тушунарсиз, кераксиз ва ортиқча илм соҳаси бўлиб, фақат баҳо олиш учун ёдланган қонун-қоидалар тез орада унутилади. Уларда фалсафа қонунларини ҳаётга татбиқ этиб бўлмайди, бу фойдасиз билим соҳаси, бинобарин уни ўрганишга кетган вақт бекорга ўтди, деган аламли қараш шаклланади.

Собиқ иттифоқ даври илм-фанда, хусусан фалсафада ҳам сароб натижаларга олиб келадиган яна кўплаб жараёнларни шакллантирди, бу борада салбий оқибатларни келтириб чиқарадиган айрим тенденцияларни янада кучайтирди. Кўп ҳолларда айнан ана шундай тенденциялар ўша давр фани ва фалсафаси соҳасидаги фаолиятда устувор аҳамият касб этди, олимлар ва мутахассислар, ижод ва тадқиқот натижаларининг тақдирини белгилади.

Маълумки, фан тарихида қадим замонлардан бошланган, тараққиёт ва янгиланишга осонликча йўл бермайдиган, аслида ҳақиқий илм ва ижодкорликдан мутлақо фарқ қиладиган баъзи салбий тенденциялар ҳам бор. Гоҳо кучайиб, гоҳида кучсизланадиган бундай тенденциялар илмнинг бошқа соҳалари қатори, фалсафий фанларга ҳам ўз таъсирини ўтказган. Бу илмий жараёнларга шахсий манфаатлар нуқтаи назаридан энгил-елпи ёндашиш, фаннинг бирон-бир йўналишини ўзиники қилиб олишга интилиш, уни асосан, кун кечириш ва фойда кўриш, амал ёки даражаларга эга бўлиш воситасига айлантириш каби хатти-ҳаракатларда намоён бўлади.

Бундай тенденциялар охир-оқибатда илмга бўлган ишончни сўндиради, ижодкорлик ва кашфиётларга интилишни йўқотади, қуруқ назариябозлик ва илмий рутбаларга эга бўлиш майлларини кучайтиради. Ана шундай шароитда ҳақиқий илм эмас, балки ана шу тенденциянинг гайриилмий тамойиллари устун бўлади, илм аҳли унинг тартибларига мослаша бошлайди. Унга мойил кишилар эса, ҳар хил йўллар билан кўзлаган мақсадига етиши, бир муддат илмда муайян ўрин эгаллаши ҳам мумкин. Аллома бобомиз Алишер Навоийнинг «Дехқонки дона сочар, ўз йўлин ўзи очар» деган ҳикмати бу тоифадаги кишилар ҳақида эмас. Улар бир умр илмий «дона» сочмайдилар, бирор оригинал янгилик ярата олмайдилар,

ишлари эл-юртга фойда келтирмайди ва ниҳоят улардан авлодларга манзур бўладиган асарлар ҳам қолмайди.

Асл иқтидорларни ёқтирмайдиган бу тоифа кишилари, ак- сарият ҳолларда, ўз маслакларига мос шогирдлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратади ва алал-оқибат, атрофига яқинлашган ёшларни ҳам ўзлари ўрганган «наrsa»ларга ўргатади. Ҳали ҳаёт ҳақиқатларини тўла англаб етмаган баъзи ёш тадқиқотчилар учун бундай яшаш осондек туюлади. Ҳақиқий илм ва ижод янгиликка интилишни такозо этади, бу эса доимо меҳнат. машаққат билан боглиқ бўлиб, муттасил изланишни, заҳмат чекишни талаб қилади. Бунга ҳамма ҳам дош бера олмайди, натижа эса аниқ...

Собиқ иттифоқ фалсафаси бу тенденцияни йўқотмади, балки ундан фойдаланди, турли усуллар билан рағбатлантирди. Унинг учун бирон-бир мутахассиснинг ёшлигиданоқ танлаган соҳасига эътиқоди қандайлиги, амалиётга нима бераётгани ва янгиликларга интилишининг фарқи ҳам, кераги ҳам йўқ эди. Натижада фалсафа соҳасида бевосита ўқимаган бўлса-да, диссертация ёқлаганларнинг сони, махсус таълим олган фан номзоди ва докторлардан беш марта кўпайди. Бу арифметикани билмасдан олий математикадан диплом ҳимоя қилишдай гап. Математиклар буни тасаввур қила олмаслиги мумкин, аммо бу фалсафада оддий ҳолга айланиб қолди.

Тўғри, бундай кишилар орасида ушбу фанни жон-дилидан севадиган, унга меҳр қўйган, янгиликка интилувчан ва зукко мутахассислар борлиги, улар фалсафани бойитишга ҳаракат қилгани шубҳасиз. Шу билан бирга, баъзи дипломли «мутахассис»ларнинг фалсафий фанлар, уларнинг тарихи, тушунча ва тамойиллари, қонун ва категорияларининг асл мазмун-моҳиятини чуқур билмаслиги, ҳатто бунга эътибор бермаслиги, фақат ўзи билиб олган бир қисм нарсаларнигина «фалсафа» деб ҳисоблаши, бу соҳа учун масъулият сезмаслиги, яхши дарс бера олмаслиги оқибатида ўқитишнинг самараси ва йўналишнинг обрў-эътибори тушиб кетгани маълум.

Ҳолбуки, кўҳна дунёнинг яна бир ҳақиқати борки, унга кўра беш киши бир кишига қарши курашса йиқитиши, муштлашса ногирон қилиши, жўр бўлиб қўшиқ куйласа, овози баландроқ чиқиши, шубҳасиз. Бирон-бир бинони йиқитиш, хазинани йўқотиш, хирмонни совуришда ҳам ана шундай «муваффақият»га эришиш осон. Шу усулда мусиқа чалинса асбобнинг носозлиги, қўшиқ куйланса овоз хасталиги, арқон тортилса кимнингдир астойдил ёпишмаётгани сезилмаслиги мумкин... Фалсафада ҳам шундай...

Хуллас, ушбу тенденция кучайиб боргани сари «Конфуций ва Берунийлар фалсафа йўналишида ўқимаган, лекин бу уларнинг машҳур файласуфлар бўлиб етишишига халақит бермаганини унутмаслик керак. Қолаверса, шу соҳада ўқиганларнинг ҳаммаси ҳам етук мутахассисга айланиши қийин. Муаммоларни фақат ана шу омил билан боглаб изоҳ-лаш, бағри кенг ва очик тизим бўлган фалсафанинг «эшиги»ни бутунлай ёпиб қўйиш ҳам, унчалик тўғри бўлмаса керак», деган фикрлар илмий мутахассислар тайёрлаш кўлами ва соҳанинг тақдирини ҳал қила бошлади. Ана шундай қараш оқибатида диссертациябозлик авж олди, ҳақиқий илм-фан ва эл-юртга

фойдали тадқиқот эмас, балки илмий даражаларни тезроқ қўлга киритиш устувор мақсадга айланди, фалсафани ўқитишнинг самараси ва йўналишнинг обрў-эътибори тушиб кетди.

Замонасозлик ва андиша, фикрлар хилма-хиллигини хурмат қилиш ва ҳақиқий илм аҳлига хос бағрикенглик туфайли бу тенденциялар ҳақида кам ёзишади, лекин ёзишади. Масалан, ал-Хоразмий ҳақиқий олимнинг масъулияти қандай бўлиши лозимлиги ҳақидаги масалага алоҳида эътибор қаратгани бежиз бўлмагани каби, Ф. Бекон ўзининг энг машҳур асарини бекорга «идол»ларга қарши кураш мавзусига бағишламаган. Мумтоз немис миллий фалсафасининг машҳур алломаси Гегель яшаган замонда фалсафа давлат мафкураси даражасига кўтарилган, бу соҳа билан шуғулланиш «мода»га айланган, кўплаб фанларнинг ва- киллари ҳам шу йўналишга ўта бошлаган эдилар. Бундай «оммавийлик»нинг фалсафага фойда келтирмаслиги, унинг асл қиёфасини йўқотиб қўйишидан хавотирга тушган Гегелнинг «Файласуфлар осмондан ёмғирдек қуюлмади ёки ёмғирдан кейин қўзиқориндек кўпайиб кетмади, уларни халқ яратади», деган фикри бежиз айтилмаган. Бугун атоқли файласуф кимларни назарда тутганининг аҳамияти йўқ, бундайларни тарих эсга олишни хуш кўрмайди. Аммо ўша даврда жойлар банд бўлгани учун, Гегелнинг ўзи бор-йўғи кафедра доценти лавозимига сайланиш имкониятини ўн беш йил кутишга мажбур бўлганини бот-бот эслаб туришади. Э. Фроммнинг ижодкор маънавияти ва олимнинг масъулияти ҳақида бундан 60-70 йил илгари ёзилган асарларида ҳам бу борада аччиқ ҳақиқатни англатадиган фикрлар кўп учрайди. Шунингдек, XX асрнинг 80-йиллари охирларида, собиқ иттифоқдаги фалсафа ва ижтимоий фанларнинг аҳволига доир махсус изланишлар олиб борган америкалик тадқиқотчи Л.Грехем ушбу жамиятга мазкур соҳадаги оригинал янгиликлар, умуминсоний аҳамиятга молик фан йўналишлари керак бўлмагани, бу эса юқоридагидек муҳитни яратиб, бир қатор ноқисликларни келтириб чиқаргани, олимлик масъулияти йўқолиб боргани ва илмий доираларга мансуб маънавият тамойиллари сунъий ўзгартирилгани ҳақида афсус билан қайд қилган эди.

Ўша давр поёнига келиб, кўплаб ижтимоий фанлар қатори, фалсафада ҳам кўчирмачилик ва таржима қилинган асарларни ўзиники сифатида чоп этиш ҳоллари кўпая бошлади. Бу айниқса, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари ҳамда диссертацияларнинг матнларида кўзга ташланадиган бўлиб қолди. Соҳа мутахассислари орасида бир ҳудудда химоя қилинган мавзуларни бошқа жойдаги ихтисослашган кенгашларда бир оз ўзгартирилиб химоя қилиниши, баъзи юқори малакали «олим»ларнинг муайян қалам ҳақи эвазига ишлаши, яъни бошқалар учун китоб, диссертациялар тайёрлаб бериши мумкинлиги ҳақидаги овозалар пайдо бўла бошлади.

Шу билан бирга, айнан ўша даврдан бошлаб асосан, ушбу фаннинг устувор йўналишлари бўлган онтология, гносеология ва ривожланиш фалсафасининг қонун ва категорияларини бошқалардан кўра кўпроқ ўрганган, аксарият ҳолларда назарий масалалар билан кифояланадиган кишиларнигина ҳақиқий мутахассис, деб тушуниш тенденцияси ҳам

кучайди.

Амалий фалсафа масалаларига эътибор бермайдиган бу тенденциянинг тарихи узоқ ўтмишдан, антик эллинизм ва илк софизм шаклланган даврдан бошланган. Фалсафани тор ва бир томонлама тушунишга асосланган баъзи қадимий ёндашувлар қатори, унинг ижтимоий тафаккурга таъсири сезилиб туриши ҳақида биринчи бобнинг учинчи қисмида мухтасар маълумот берган эдик.

Бундан ташқари, собиқ иттифоқ ҳаётининг барча даврларида бўлгани каби, кейинги йилларда ҳам муайян шахсга сиғиниш иллатлари, ҳаддан ортиқ ҳайбаракаллачилик кўзга ташланар эди. Расмий мафкуранинг ҳаётдан ва ҳақиқатдан йироқ, утопик характердаги тушунчалари фалсафий адабиётлар, дарслик ва ўқув қўлланмалари учун устувор аҳамиятга эга бўлиб, фаннинг таъсири ва аҳамиятини камайтириб юборди. Бу ўз-ўзидан мутахассисларни тайёрлаш тизими самарасининг камайиши, соҳада хизмат қиладиган кишилар масъулиятининг пасайиб кетишига олиб келгани, шубҳасиз.

Афсуски, фан ва фалсафа дунёсида тугилган ана шунга ўхшаш баъзи салбий тенденциялар, вайронкор ғоя ёки ғайриилмий ёндашувлар ўз-ўзидан, осонликча йўқолмайди ва мутлақо беиз кетмайди. Уларни муайян ҳудуд ёки давр ҳаётидан таг-туғи билан суғуриб ташлашга ҳаракат қилиш мумкин. лекин башарият хотирасидан бирданига ўчириб юбо-риш қийин. Мақсади ва маъноси қандай бўлишидан қатъи назар бундай ҳодисаларнинг ҳар бири тафаккур тарихидан озми-кўпми жой эгаллаб, инсоният идеосферасида бир муддат сақланиб қолаверади. Давр ўтади, одамлар қолади. Эски давр ўзи билан барча эскирган нарсаларни олиб кетмайди, уларнинг инкори ва янгиликнинг ўсиб-униши учун вақт керак бўлади. Замонлар ўтаверади ва ҳар гал эзгуликликка юз тутган кишилар бунёдкор ғояларга интилса, унга тесқари йўлдан бораётганлар вайронкор ғояларга қўл чўзаверади. Гоҳ униси, гоҳида бошқасининг таъсирига тушганлар кўпайиши, тарафдорлар бирлашиб, бирон-бир йўналиш ёки фаннинг тақдирини ҳал қилиши ҳам мумкин.

Мамлакатимиз ҳудудидаги фалсафий ғоялар тарихини қисқа ёритиш шундан далолат берадики, у ҳозирги давргача юртимизда маданият, инсон тафаккури ва ақл-заковати юксалиши учун муҳим омиллардан бири бўлган. Лекин собиқ иттифоқ ҳукм сурган мустабид тузум даврида ижтимоий-фалсафий фикр ва унинг тарихига бир томонлама, синфий нуқтаи назардан ёндашилди, фақат тоталитар мафкура талабларига тўғри келадиган ғоя ва фикрларга эътибор берилди.

1917 йилдаги Октябрь тўнтаришидан сўнг бизнинг юртимизда ҳам аста-секин ўзбекона қадриятлар, шарқона маънавият ва фалсафий фикр ўрнини марксча-ленинча мафкура ва унинг тушунчалари эгаллай бошлади. Олий ўқув юртлари, халқ оммаси орасида диалектик ва тарихий материализм, илмий атеизм, илмий коммунизм тарғиб қилинди, уларга тўғри келмайдиган таълимотлар, назария ва қарашлар қаттиқ танқид остига олинди, унутишга маҳкум этилди. Энг ачинарлиси шуки, ўз халқи, миллий маданияти, урф-

одати ва анъаналарига содиқ бўлган, уларни сақлаб қолишга интиланган зиёлилар қувғинга учраб, қатағон қршинди.

Сирасини айтганда, собиқ иттифоқ даври ҳаётнинг кўплаб соҳалари қатори ўзбек фалсафаси амалиётида ҳам аянчли оқибатларини қолдирди. Аммо ҳалигача бу масаланинг чуқур ва кенг таҳлили бўйича адабиётлар кам, китоб ва рисолалар йўқ ҳисоби. Қуйида ушбу мавзунини мустақиллик йилларида чоп этилган Ўзбекистон миллий энциклопедиясининг 12-жилдидан жой олган «Фалсафа фанлари» мақоласи (467-473 бет-лар) асосида ёритишга ҳаракат қиламиз.

Мақолада таъкидланганидек, жаҳидлардан Бехбудий, Авлоний, Фитрат, Мунаввар Қори, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Исҳоқхон Ибрат, Сўфизода ва бошқалар шарқ фалсафаси анъаналарини советлар даврида ҳам сақлаб қолишга ва ривожлантиришга интилишди, аммо улар коммунистик тузумнинг қурбонига айланишди. 1919-1921 йилларда Тошкент шаҳрида Фитрат раҳбарлигида «Чигатой гурунги» деб аталган фалсафий, маданий-маърифий ва илмий-адабий тўғарак ташкил этилган. Унда Ашурали Зоҳидий, Элбек, Шорасул Зуннун, Шокиржон Раҳимий, Қаюм Рамазон, Ғози Олим Юнусов сингари зиёлилар фаол қатнашиб, юртимизда маориф ва маданият юксалишига, халқимизнинг тарихий хотирасини тиклашга ҳаракат қилишган. Аммо, уларнинг бу интилишлари мавжуд сиёсатга қарши ҳаракат деб баҳоланди, маърифатпарвар адибларнинг кўплари қатағон қилинди, улар ичида совет тузумини ёқлаганларгина жон сақлаб қолишди.

Биз Бехбудий ва Абдулла Қодирийлар авлодидан кейинги даврни ўрганиш жараёнида яна бир ҳолатни кузатдик. Расман «Фалсафа», «Этика», «Эстетика», «Педагогика» борасида дарсликлар бор, аммо уларда собиқ коммунистик партия мафқураси, ҳаётга синфий қараш ҳукмронлик қилган. Аслида бу дарсликлар халқимиз орасида кенг тарқалмаган, билим юртлари доирасидан четга чиқмаган. Тўғрироғи халқимиз уларни қабул қилмаган, қалби ва онига чуқур сингдирмаган, ўзининг қадриятига айлантормаслиги кераклигини тушунган. Гарчанд зиёлилар, шоир ва ёзувчилар асарларидан шарқона тафаккур ва ўзбек фалсафаси мавзуси бутунлай чиқиб кетмаган бўлса-да, аммо ҳукмрон мафкура бундан кейинги даврда ўз таъсирини қолдирган, ўтмиш алломаларининг умуминсоний қадриятларини шарқона таърифлаш ҳамда тавсифлаш борасидаги ишлари, «навоийхонлик», «бедилхонлик», «машрабхонлик» ва бошқалар бу борада ўз ворислигини бир муддатга йўқотган.

Ўтган асрнинг 20-йилларига келиб фалсафа чуқур мафкура-вий инқирозга учраган, у коммунистик тузумнинг хизматкорига айлайтирилган. Шунга қарамасдан Наим Саид, С.Айний, З. Тўғон, К.Ерзин, Ҳаким Неъмат, Р. Холмуродовларнинг фалсафий рисола ва мақолалари чоп этилган. 2-жаҳон уруши даврида Ўзбекистон Фанлар Академияси ташкил этилиши урушдан кейинги 50-60-йилларда ижтимоий фанлар, хусусан фалсафий тадқиқотларни ҳам бирмунча изга тушишига бўлди. Бу даврда С.Валиев, И. Мўминов, Ж.Бобоев, В. Зоҳидов, Ҳ.Расулов, А.Аюпов, С.Азимовлар фалсафа фани соҳасида ижод қилганлар. В.Зоҳидов 1946 йилда Беруний, Навоий ва Бобур

ижоди ҳамда фалсафасига бағишланган тадқиқотлари учун Ўзбекистонда биринчи бўлиб фалсафа фанлари доктори илмий даражасига сазовор бўлган.

Сталин вафотидан кейин, гарчанд иттифоқ фалсафасининг мазмун-моҳияти ўзгармаган бўлсада, тадқиқотлар кўлами кенгайди, унинг турли йўналишлари бўйича изланишлар сони кўпая бошлади. Ўтган асрнинг 70-80-йилларига келиб, фалсафа соҳалари ихтисослашган тадқиқотчиларга эга бўлди, дейиш мумкин. Жумладан, М. Хайруллаев, М. Баратов, Ҳ. Воҳидов, Ҳ. Алиқулов, Р. Носиров, С. Йўлдошев, А. Шарипов, М. Усмоновларнинг асарлари фалсафа тарихи мавзусига бағишланган. Уларда жаҳон фалсафаси, унинг такомил босқичлари, Ўзбекистон ҳудудида яшаган баъзи мутафаккирларнинг ғоя ва қарашлари ўрганилган.

Табиатшунослик фалсафаси ва билиш назарияси масалалари О. Файзуллаев, Б. Исмоилов, Ж. Туленов, К. Иванова, В. Никитченко, М. Абдуллаева, Э. Ҳошимова, Р. Имомалиева, В. Қўшоқовлар томонидан тадқиқ қилинган. Уларнинг асарлари табиий фанлар, айниқса математика, физика, кибернетиканинг фалсафий масалалари билан бирга онтология ва гносеология, фалсафа методлари, жумладан диалектиканинг қонун ва категорияларини ўрганишга бағишланган.

Ижтимоий фалсафа, жамият ва инсон муносабатлари, жамиятнинг таркиби ва тузилиши, турли ижтимоий субъектлар ва улар орасидаги ўзаро алоқалар, меҳнат ва ишлаб чиқаришнинг маънавий жиҳатларини ўрганиш фалсафий тадқиқотларнинг доимий мавзуси бўлиб келган. Ҳ. Пўлатов, А. Валиев, Э. Юсупов, Қ. Хоназаров, Т. Шарипов, Р. Абдушукуров, С. Турсунмухамедов, Ё. Тоиров, А. Чориевларнинг асарлари ана шу мавзуга бағишланган.

Маданият фалсафаси, моддий ва маънавий маданиятнинг ўзаро алоқаси, инсон маданиятини шакллантириш ва такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар ҳам соҳа мутахассислари диққатини тортган. К. Содиқов, С. Шермухамедов, М. Аҳмедова, М. Абдуллаевлар томонидан бу мавзуга доир масалалар тадқиқ қилинган. Й. Жумабоев, Ҳ. Шайхова, О. Умурзоқова, Ҳ. Алиқуловларнинг тадқиқотларида ушбу мавзу билан бирга маънавият ва ахлоқшунослик масалалари ҳам ёритилган.

Маълумки, иттифоқ даврида дин фалсафаси ва диншунослик нуқтаи назаридан тадқиқотлар олиб боришга йўл қўйилмас, фақат атеизм тамойилларига мос асарларга йўл очик эди. Шунга қарамасдан, М. Усмонов, А. Ортиков, А. Абдусамедов, Ж. Бозорбоевларнинг тадқиқотларида ушбу мавзунинг турли жиҳатлари тадқиқ қилинган.

Ўтган асрнинг 60-йилларида ўша даврдаги ТошДУ, бугунги Ўзбекистон миллий университетида аввал фалсафа бўлими, ЎзФА таркибида эса Фалсафа ва ҳуқуқ институти ташкил қилинган. Гарчанд, тазйиқлар муттасил давом этган бўлса-да, фалсафа соҳасида тадқиқот ва изланишлар бутунлай тўхтаб қолмаган. Гарчанд умумий тоталитар тамойиллар ўзгармаган ва унга мос «қолип»лардан чиқилмаган бўлса-да, миллатларнинг ўзига хослиги, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат қилиш каби рад қилиш қийин бўлган омилларга эъ-тибор бериш зарурлиги тўғрисидаги мулоҳазаларни рўқач

қилиб, баъзи ишлар амалга оширилган. Масалан, 1976 йилда чоп этилган ва ўтган аср охирларигача қўлланилган «Философия луғати»да марказдаги иашрдаи фарқ қиладиган, минтақамизда яшаган баъзи алломалар ҳаёти ва ижоди тўғрисидаги қўшимча маълумотлар эълон қилинган. Аслида бу мазкур луғатнинг йўналиши, мазмун-моҳияти ва ундан кутилган мақсад-муддаоларни ўзгартирмаган, қўшимча қилинган мақолалар ҳам шу руҳни ифодалаган. Ўша даврда республикаларда миллий фалсафа бўйича китоблар, луғат ёки қомусий асарлар чоп этишга рағбат берилмаган ва бунинг сабаблари ўз-ўзидан маълум.

Мавзуни ўрганиш шундан далолат берадики, собиқ иттифоқ даврида (XX аср 60-йилларидан бошлаб) фалсафий тадқиқотлар кўпайгандек, бу соҳадаги ташкилот ва мутхассислар сони ортгандек бўлиб туюлади. Тўғри, ўша давр рақамлари шундай фикр туғдиради. Аммо бу кўрсаткичлар нимани ифодалайди, кимга ва қандай мақсадларга хизмат қилган, деган масала алоҳида эътиборни талаб қилади. Бу бо рада таъкидлаш жоизки, «Рақамлар алдамайди» деган фикр аниқ фанлар мутахассислари учун ҳақиқат бўлиши мумкин. Фалсафа улардан фарқ қилади. У рақамлар билан мутлақо иш кўрмайди, дейиш ножоиз, аммо инсон тафаккури, халқ ва жамият дунёқарашининг математик формуласи йўқ, уларни рақамлар билан ўлчаб бўлмайди. Бу соҳада рақамлар остидаги фалсафий маъно ва мазмуннинг қандайлиги, уларнинг асл фалсафа ривожига, жамият дунёқарашини ва халқ тафаккурига қандай таъсир кўрсатгани билан боғлиқ масала энг асосий аҳамият касб этади.

Ушбу қисмни собиқ иттифоқ фалсафасининг маъно-мазмуни ва ижтимоий қиёфаси, унинг қандай салбий натижалар ва оқибатларга олиб келгани ҳақидаги мухтасар фикр юритиш билан бошлаган эдик. Уни такрорлашга ҳожат йўқ. Рақамларнинг сони ва миқёси эса масаланинг моҳиятини ўзгартирмайди. Фикримиз ниҳоясида мустабид тузум фалсафасига хос салбий ҳолатлар ва тоталитар жиҳатлар ўша давр мутахассислари ижодига таъсир кўрсатгани, уларга мансуб тадқиқотлар ва асарларнинг йўналишини белгилаганини қайд этиш билан қифояланамиз.

Шу билан бирга, фалсафий нуқтаи назардан масалага ёндашилса, тажриба ҳар бир даврда ҳам, қандай мафкура ҳукмрон бўлишига қарамасдан, фанда турлича фикрлар, хилма-хил қарашларнинг вужудга келиш жараёни бутунлай тўхтаб қолмаслиги, бирор-бир тарзда давом этишидан далолат беради. Тафаккур қуллиги ва фикр қарамлиги фалсафа-нинг мазмун-моҳиятини белгилаган собиқ иттифоқ даврида ушбу жараён ниҳоятда қийинчилик билан амалга ошган, албатта.

Ҳаётимизнинг барча соҳалари каби, мазкур жаҳада ҳам ўтмишдан бутунлай кўз юмиш эмас, балки ундан сабоқ олишимиз ва хулоса чиқармоғимиз, мустикаллик давридаги имкониятлар даражасида изланмоғимиз ва ҳаракат қилмоғимиз лозим. Ўзбек фалсафасини янги тараққиёт босқичига чиқиши зарурлигини давр талабига айлантирган бугунги истиқлол даврида бу борадаги масъулиятли вазифаларни бажариш соҳа мутахассислари, барчамизнинг маънавий бурчимиздир.

4-мавзу. ЎЗБЕКИСТОНДА МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ФАЛСАФА ФАНИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ИСТИҚБОЛЛАРИ.

Режа:

- 4.1 Миллий ғоя ва мафқуранинг ишлаб чиқилишининг ижтимоий-фалсафий аҳамияти**
- 4.2 Янгиланаётган Ўзбекистонда ижтимоий гуманитар фанларнинг ривожланиш истиқболлари**
- 4.3 Ш.Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясининг ижтимоий-фалсафий аҳамияти.**
- 4.4 Мустақиллик йилларида ўзбек фалсафасининг замонавий йўналишлари**
- 4.1. Миллий ғоя ва мафқуранинг ишлаб чиқилишининг ижтимоий-фалсафий аҳамияти**

Истиклолга эришганимиздаи буён тарихан қисқа вақт ўтган бўлса-да, мустақил тараққиёт мамлакатимиздаги улкан имкониятларни рўёбга чиқаришнинг муҳим омили экани ўзининг тўлиқ исботини топди. Зеро, фақат мустақилликкина ҳар бир халққа ўз қадриятлари, жумладан маънавияти ва фалсафий дунёқарашини ҳам эркин такомиллаштириш имконини беришини ўтган йиллар тажрибаси яққол кўрсатди. Айнан мустақиллик дунёқарашимизни мустабидлик сиртмоқларидан халос этди.

Бугунги ўзбек фалсафасининг мазкур жараёндаги такомилли ва ўзгаришларини таҳлил қилишда жаҳмиятимизда рўй бераётган туб ўзгаришлар ва амалга оширилаётган ислохотлар жараёни, унинг умуминсоний жиҳатлари ва миллий хусусиятларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Айнан халқимизнинг мустақилликка эришиши ўзбек фалсафаси такомиллининг янги босқичини бошлаб берди, унинг замонавий хусусиятлари, тушунча ва тамойиллари, устувор йўналишлари ва долзарб вазифаларини аниқлаш имконини яратди.

Инсоният тарихи халқ мустақиллиги ҳар қандай миллий фалсафанинг таянчи, унинг такомилли ва жаҳон фалсафий жараёни билан уйғунлашувининг асосий шарти эканидан далолат беради. Мустақил бўлмаган халқ фалсафасида мустамлакачиларнинг ғоялари устувор бўлиши ҳам маълум. Бундай шароитда халқ миллийлигини, маънавиятини, ўзига хос қадриятлари, урф-одатлари ва дунёқарашини ўз фалсафасида тўла-тўқис акс эттира олмайди. Фақат мустақилликкина халқ ҳаётининг барча жабҳаларида туб ўзгаришларга асос бўлиши, жумладан миллий фалсафа ривожини учун ҳам замин яратиши мумкин. Бу эса мустақиллик - фалсафа тараққиётининг асосий омили, унинг таянчи ва суянчи эканини яққол исботлайди.

Шу маънода, халқимизнинг XX аср сўнгида мустақилликка эришиши

фалсафий тафаккур ривожини инсоният тараққиёти билан узвий боғлиқ жараён эканлиги, ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларнинг барчаси ижтимоий онгда акс этишини яна бир бор исботлади. Давр ўзгариши билан муқаррар тарзда янги маънавий, ҳуқуқий, сиёсий ва фалсафий мезонларнинг шаклланиши ўз-ўзидан юз бермаслиги, айниқса, инсон тафаккурининг ўзгариши, дунёқарашнинг янгича тамойилларга эга бўлиши узоқ давом этадиган мураккаб жараён эканлиги тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин. Бу ҳол халқимиз демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан собитқадамлик билан бораётган бизнинг кунларимизда янги босқичга қадам қўйган ўзбек фалсафаси мисолида ҳам яққол намоён бўлмоқда.

Бу борада, Ўзбекистон Биринчи Президентининг даврнинг муҳим масалалари ҳар томонлама таҳлил қилинган асарлари миллий тафаккур ривожини учун таянч илмий методология ва назарий парадигмаларни шакллантириш мажмуи бўлиб хизмат қилди. Мустақиллик йилларида Давлат раҳбари томонидан ишлаб чиқилган миллий тараққиёт моделининг ҳаётга татбиқ этилиши ва амалга оширилган ислохотлар туфайли фалсафанинг янгиланиши учун зарур асослар шаклланди.

Бундай омиллар орасида моддий-иқтисодий асос муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз. Эски, собиқ иттифоқ давридаги иқтисодиёт мустақил тараққиётимизга мос янги мазмундаги фалсафани шакллантириш учун асос бўла олмас эди, албатта. Истиқлол йилларида бу соҳада ниҳоятда катта ўзгаришлар рўй берди, мулкчиликнинг хилма-хил шакллари вужудга келди. Иқтисодий илюрализм ва бозор муносабатлари бунда бош йўналиш қилиб олинган бўлса-да, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш устувор жиҳат сифатида белгиланди. Ана шуларнинг барчаси мамлакатимизда маънавий, жумладан фалсафий янгиланиш борасида ҳам туб ўзгаришларнинг иқтисод билан боғлиқ асосларини яратиш имконини берди.

Фалсафанинг ижтимоий-сиёсий асослари мустаҳкам бўлиши зарурлиги тарихий тараққиёт жараёнида кўп бор исботланган ижтимоий ҳақиқатдир. Ҳар қандай жамият ва мамлакатда давлат халқнинг турли қатламлари, партиялар, миллий-этник бирликларнинг ижтимоий онгини ўзгартира олмаса, ўзининг пировард мақсадларини амалга ошириши қийин. Бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланган Ўзбекистонда янги мазмун ва шаклдаги сиёсий тизим ҳамда тузилмалар вужудга келди. Ана шуларнинг барчаси янги мазмундаги фалсафани шакллантиришнинг ижтимоий-сиёсий асосларини яратиш имкониятини очди.

Маънавий асослар ҳам фалсафанинг янгиланишида, ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Чунки янги мазмундаги фалсафанинг шаклланиши мамлакатда амалга ошаётган маънавий соҳадаги ўзгаришларнинг таркибий қисмидир. Бу борада Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар, халқ маънавиятининг тозаланиши, асрлар давомида яратилган қадриятларни тиклаш, асраб-авайлаш, келажакка етказиш билан боғлиқ саъй-ҳаракатлар катта аҳамиятга эга. Бунда, айниқса, тарих фалсафаси, халқимизнинг хотираси, ўтмишдаги авлодлар яратган бой маданий меросдан тўла-тўқис

фойдаланиш имконияти яратилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу эса қадимий тарихимиз, теран маънавийтимиз ва миллий мафкурамизга таяниб, бой маданий қадриятларни, ижтимоий-фалсафий тафаккур тарихини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, фалсафани янгилаш ва замонавийлаштириш бу борадаги долзарб вазифага айланганидан далолат беради.

Истиқлол йилларидаги тажриба далолат берадики, фалсафий онгнинг янгилашиш жараёни нафақат умумий маънавий муҳитнинг балки ҳар бир жамият аъзосининг ижтимоий қиёфаси, руҳий дунёси, мақсад ва эҳтиёжларининг ўзгариши ҳамдир. Бу буюк аллома боболаримиз орзу қилган фозил одамларнинг комил фазилатларини шакллантирадиган жараёндир. Бизнинг мамлакатимизда ўтиш даврига тўғри келаётган бу жараёнда ижтимоий муҳитда янги жиҳатлар вужудга келди, одамларнинг руҳияти, карашларида туб ўзгаришлар рўй берди. Бу ўз навбатида, инкор, ворислик ва янгилашиш жараёни ҳамдир. Унда, бир томондан, яқингинада устувор бўлган синфий-партиявий тамойиллар ўтмишга айланди, инкор этилди; иккинчидан, ўзбек фалсафасида азалдан мавжуд бўлган, ҳатто собиқ мустабид тузум ҳам йўқота олмаган кўпгина анъанавий жиҳатларнинг сақланиб қолиши кузатилди; учинчидан эса, фалсафий тафаккурда янги йўналишлар, замонавий тушунча ва тамойиллар ўз ўрнини топмоқда.

Мавзунинг таҳлили ушбу жараён қуйидагиларни қамраб олганини яққол кўрсатади:

- мустабид тузум мафкурасининг ижтимоий, маънавий ва фалсафий соҳалардаги асоратларини бартараф этиш; кишилар онги ва қалбига собиқ тузумга хос гайриинсоний тушунча ва гамойиллардан мутлақо фарқ қиладиган эзгу ғоялар ва идеалларни сингдириш;

- жаҳон ва Шарқ халқлари фалсафий меросини пухта ва чуқур ўрганиш, бу жараёнда турли ғоя, мафкураларнинг давлатлар ҳамда халқлар тақдирига таъсирини аниқ кўрсатиш ва шу асосда истиқлол мафкурасининг тамойилларини кишилар онгига сингдириш; маънавий меросимизни қайта тиклаш ва ижодий ривожлантириш жараёнида буюк аждодларимиз фалсафий меросини янада кенг ва чуқурроқ ўрганиш;

- фалсафий адабиётлар, қўлланма ва дарсликларимизда миллий ғоя ва истиқлол мафкураси тамойилларини тўла акс эттириш, истиқлол талаблари асосида маънавий баркамол авлодни тарбиялаш заруратига мос тадқиқотлар олиб бориш, уларга таянган ҳолда таълим-тарбиянинг самарали усул ва имкониятларини излаб топиш ва бошқалар.

Халқимиз миллий истиқлолни қўлга киритгач, фалсафа фани олдида янги вазифалар пайдо бўлди. Бу вазифаларга фалсафа фанини коммунистик мафкура асоратларидан тозалаш, жамият тараққиётининг янги давридаги қонуниятларини фалсафий таҳлил этиш, миллий истиқлол ғоясининг илмий-назарий асосларини ишлаб чиқиш, республикада шаклланаётган ҳуқуқий, демократик, фуқаролик жамиятининг ривожланиш хусусиятларини очиқ бериш ва бошқалар киради.

Бу борада миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойиллари ишлаб чиқилиши муҳим аҳамият касб этди. Ўзбекистон Биринчи Президентининг зиёлилар билан учрашуви (2000 йил 6 апрель) чоғида

миллий истиқлол ғоясининг асосий тамойилларига алоҳида эътибор қаратилди, ишчи гуруҳини тузиш ва бу гуруҳ аъзоларига мазкур вазифани бажариш топширилди. Шу тарзда «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» китобчаси дунёга келди.

Мамлакатимизга хос бу жараён фалсафанинг янгиланиши ва ғоявий жараёнларнинг бир-бири билан узвий боғлиқ ҳодисалар эканини яна бир бор кўрсатади. Зеро, ҳар қандай фалсафа жамиятсиз пайдо бўлмаганидек, ижтимоий-сиёсий ҳаётни ҳам ғоясиз, мафкурасиз тасаввур этиб бўлмайди. Бугун собиқ мустабид тузум мафкураси бутунлай ўтмишга айланди. Диёримизда миллий давлатчилик анъаналари қайта тикланди, миллий истиқлол ғояси шаклланди, маънавият, маданият ва маърифат янада юксакликка кўтарилмоқда. Шу нуқтаи назардан, жамиятимизда миллий истиқлол ғоясига, унинг Юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва Халқ фаровонлиги тамойилларига асосланадиган янги дунёқарашни шакллантириш, бу ғояларни қалби ва онгига чуқур сингдирган маънавий баркамол авлодни тарбиялаш асосий вазифалардан бири бўлиб қолди.

Биз мамлакатимизда яшаётган 130 дан ортиқ миллат вакилларининг бир-бири билан жипслашиб, бир-бирига меҳрли, оқибатли бўлиб бораётганлиги, келажакка ишонч билан қараб, тинч тотув яшаётганлиги, меҳнат қилаётганлиги, ватан, ватандошлик туйғуси эски мафкуравий қобикларидан халос бўлиб, ўзининг асл қиёфасини топаётганлиги, табиий бойликларимиз биз учун ишлаётганлиги, энди у бойликлардан тежаб-тергаб, омилкорлик билан келажак учун фойдаланиш керак эканлигини англаб турмуш тарзимизга айлантиришимиз керак, деган фалсафа тобора чуқурлашиб борди. Мафкуравий ишларимизнинг бош вазифаларидан бири – мустақиллик кадрини, ўзлимизни англаш ва буларни кундалик турмуш онгимизга турмуш тарзимизга айланишини таъминлашдан иборат бўлиб борди.

Миллий истиқлол фалсафаси эволюциясида И. А. Каримовнинг “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” рисоласида кўрсатилган, ҳукукий-демократик давлатчиликка асосланган адолатли жамият қуриш ғоясининг яратилганлиги муҳим ўрин эгаллайди.

Мустақил турмушимиз моҳиятидан келиб чиқадиган қонуний, демократик давлатчиликка асосланган адолатли жамият ҳам ижтимоий-сиёсий, ҳам фалсафий-бадий идеал-истиқбол бўлмоғи керак. Мазкур идеалнинг мазмуни, уни тамойиллар, тизимларининг такомил қонуний-демократик давлатчиликка асосланган адолатли жамиятни қарор топтириш жараёнини ифодаламоғи ва унга хизмат қилмоғи лозим. Мустақилликни мустаҳкамлаш жараёнида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий идеали бўлган жамиятда, давлатчилик шу даражада ривожланадигани қонунчилик шу қадар мустаҳкамланадигани, натижада давлат ҳар бир фуқарода, ҳар бир фуқаро эса давлатда мавжуд бўлади.

Қонунга итоат қилиш, уни бажариш, унга бўлган ҳурмат республика ҳар бир фуқаросининг кундалик ҳаёт тарзига, рефлексига айланиб қолади. Шунинг учун истиқлол фалсафасининг биринчи жиҳатини ижтимоий ҳаётда қонуннинг устуворлигини таъминлаш ташкил қилмоғи керак, деган фикр

ташкил этади.

Айни вақтда мамлакатимиз ҳар бир иқтисодий тараққиёт босқичининг муаммолари ва талабларининг ечимини умумий ижтимоий-сиёсий мақсадга бўйсиндирган ҳолда амалга оширишга ҳаракат қилинди. Чунки, қонуний-демократик давлатчиликка асосланган жамиятда ҳал қилувчи вазифани давлат ва мўътадил кооперация характериға эға бўлган хусусий мулкчиликнинг устунлиги ташкил қилади. Мулкчиликнинг бу икки соҳасида меҳнат қилаётганлар онгига ватан бойлиги, қудратини кўтариш, унинг ери, суви ва ҳавоси мусаффолигини таъминлаш бобидаги жавобгарлик ҳиссиёти, катта ҳарф билан ёзилган – Ватанпарварлик она сути билан кирмоғи лозим.

Мазкур талаблар миллий истиқлол фалсафасининг ядроси бўлган миллий истиқлол ғоясининг ўзагини – озод ва обод Ватан фаровон ҳаётни барпо этишнинг таркибий қисмини ташкил этади.

Маълумки, мафкура – ижтимоий-тарихий ҳодиса. У маълум бир ижтимоий гуруҳ, синф, миллат, давлат, жамият манфаатини ифодаловчи ва ҳимоя қилувчи сиёсий, ҳуқуқий, фалсафий, ахлоқий, бадиий ва диний ғоялар қарашлар тизимидир. Ўзбекистоннинг миллий истиқлол фалсафаси ватанимиз ўз тараққиёт йўлининг беш қондасига, ватанпарварлик ва инсонпарварлик дунёқарашиға асосланган, қонуний-демократик давлатчилик негизида адолат жамиятини қарор топтиришда элни жипслантирувчи, уюштирувчи назарий восита ва маъновий омилдир.

Мустақил Ўзбекистонда бирорта синф, ижтимоий гуруҳ эмас, балки халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи ва эғасидир. Унда давлат ҳокимияти халқ манфаатини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади. Жамиятнинг бирон бир сиёсий партия, жамоат бирлашмаси, ижтимоий ҳаракат ёки алоҳида шахс Ўзбекистон халқи номидан иш олиб боришға ҳақли эмас, ҳамда юқорида айтилгани сингари ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас.

Республика Конституциясининг бу қайдлари муҳим назарий ва амалий аҳамиятға эғадир. Демак, Ўзбекистонда социализмдағидек яғона бир ишчилар синфи, унинг сиёсий ақли бўлган большевиклар партияси мафкураси эмас, балки миллатидан, ижтимоий гуруҳға бўлган муносабатидан қатъи назар, жами фуқароларни ўзида мужассамлаштирган Ўзбекистон халқининг туб манфаатларини ифодалайдиган мафкура умуммиллат мафкураси бўлмоғи лозим.

Демак, мамлакатимиз мафкураси биттагина синф, ижтимоий гуруҳ ёки миллатнинг манфаатиға хизмат қилмайди. Бизда бир миллат, партия, синф мафкураси ҳукмрон мафкура бўла олмайди. Мамлакат мафкураси умуммиллий мафкура бўлиб қолади.

Албатта, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг демократиялашуви жараёнида турли ижтимоий гуруҳ ва қатламларнинг манфаатларини ифодаловчи сиёсий партиялар, ташкилотлар мавжуд бўлади ва яна янгилари вужудға келаверади.

Улар ўз сиёсий дастурларини ишлаб чиқадиладар. Масала ана шу хилма-хилликка эга бўлган сиёсий партияларнинг мафкуравий платформаларини ягона миллий фалсафа консенсусига олиб келинишида ва Ўзбекистонда қонуний-демократик давлатчиликка асосланган адолат жамиятини барпо қилишда, ундан кенг фойдаланишдадир.

Ягона давлат мафкурасининг асосини Ватан туйғуси ташкил қилади. Ватан уй, кўча, шаҳар, қишлоқ, дарё, тоғ қабиларнинг жамидан иборат бўлган географик ёки математик тушунча эмас. Балки у ана шу уйни уй қилган ота-она, опа-сингил, кўчани кўча, маҳаллани маҳалла қилган қадрдон инсонлар, уларнинг шу уйга, кўчага, маҳаллага бўлган меҳр-оқибати, уларнинг бир-бирларини қадрлашларидан бошланадиган табиий-ижтимоий тушунчадир. Унинг мазмуни, моҳияти, қадри, Ватанни билиш жараёнида кенгайиб, чуқурлашиб, ортиб бораверди.

Миллий истиқлол фалсафасининг яна бир муҳим жиҳатини оддий инсоний қонунларни ўзида мужассамловчи ахлоқий кадриятлар ташкил этади. Унда ватанга меҳр, миллий ифтихорнинг туб моҳияти ўз ифодасини топади. Истиқлол, тараққиёт ахлоқи ўзида бир жиҳатдан ўзбек халқининг бой ахлоқий хазинасининг қаймоғини ифодаласа, иккинчи жиҳатдан, у XX-XXI асрга хос умуминсоний ахлоқий фикр, қарашлар йиғиндисидан ҳам иборат бўлмоғи керак.

Албатта, биз учун Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Аҳмад Яссавий, Нақшбанд ахлоқий мероси бениҳоя қадрли. Аммо уларни қандай бўлса шундайлигича ҳозирги давр ахлоқий муносабатларига кўчириб бўлмайди. Чунки халқимиз янги муҳитда, янги ижтимоий муносабатлар шароитида янги ниятлар билан яшамокда. Биз халқнинг шу кунга қадар сақлаб, авайлаб келган, замонавий руҳига мослашиб, ҳаётийлашиб келган ахлоқий норма, қараш ва кадриятларига истиқлол руҳини беришимиз керак бўлади.

Халқимизнинг ўзлигини ташкил қиладиган миллий ахлоқ ҳам қотиб қолган ахлоқ эмас. Балки у янги сифатлар билан бойиши керак бўлган, айтилиши вақтда бошқа миллат, халқ ахлоқига озиқ бўладиган ва ундан озиқ оладиган ахлоқдир.

Миллий истиқлол, тараққиёт ахлоқимизнинг менимча бош категориялари мустақилликни мустаҳкамлаш, аҳиллик, ватанга меҳр ҳисобланади. Мустақилликни мустаҳкамлаш – бурч сифатида фуқароларимиз фаолиятининг ахлоқий тарзи бўлмоғи керак. Мустақилликни мустаҳкамлаш учун сен нима қилдинг, деган савол ташқаридан эмас, балки ичкаридан, ҳар бир кишининг юрагидан унинг ўзига берилмоғи керак. У шу фикр билан яшамоғи керак.

Демократия тўғрисидаги ҳамжамиятлик ғояси, жамоатчилик фикрининг устуворлиги заминидан шаклланади. Бизнинг мамлакатимизда демократик жараёнлар халқимизнинг қонунни ҳурмат қилиш, қонунга итоат этиш каби фазилатларига мос ривожланиши зарур. Ахлоқий, маънавий кадриятларимиз сиёсий муносабатларда устуворлик касб этмоғи лозим.

Ислом дини - бу ота боболаримиз дини, у биз учун ҳам имон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат, эканлигига ишончни тарбиялашнинг муҳимлигига жиддий аҳамият берилди.

Шарқона ахлоқ одоб ва умумбашарий ғоялар руҳида жисмоний камол топган соғлом авлодни тарбиялаш, Ўзбекистоннинг истиқболи ва истиқлоли ҳақида қайғуришни, ўзининг ва ўз халқининг, ватаннинг қадр қиймати, орномусини сақлаб, уни ҳимоя қилиш юксак ғоялар, фикрий кашфиётлар, ниятлар оғушида меҳнат қилиб, истеъдоди, бор имкониятини, керак бўлса жонини юрт истиқболи, элига бахшида этиш онгини шакллантириш мустақиллик тафаккурининг муҳим жиҳатлари эканлиги белгилаб берилди.

Миллий ғоя нималарни ўзида мужассамлаштириши ва қандай талабларга жавоб бериши керак деган саволни қўйиб унга Биринчи Президентимиз шундай жавоб берган. Биринчидан, миллий фалсафа ўзлигимизни, муқаддас анъаналаримизни англаш туйғуларини, халқимизнинг кўп асрлар давомида шаклланган эзгу-орзуларини, жамиятимиз олдида қўйилган олий мақсад ва вазифаларни қамраб олиши шарт;

Иккинчидан, бу жамиятимизда бугун мавжуд бўлган хилма хил фикрлар ва ғоялар, эркин қарашлардан, ҳар қандай тоифалар ва гуруҳларнинг интилишлари ва дунёқарашидан қатъий назар, уларнинг барчасини ягона миллий байроқ атрофида бирлаштирадиган, халқимиз ва давлатимизнинг дахлсизлигини асрайдиган, эл-юртимизни энг буюк мақсадлар сари чорлайдиган ягона ғоя-мафкура бўлиши керак;

Учинчидан, миллий мафкурамиз ҳар қандай миллатчилик ва шунга ўхшаган унсурлардан, бошқа элат ва халқларни менсимаслик, уларни камситиш кайфияти ва қарашлардан мутлақ холи бўлиб, қўшни давлат ва халқлар, умуман жаҳон ҳамжамиятида, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ҳурмат ва иззат қозонишда пойдевор ва раҳнамо бўлиши керак.

Тўртинчидан, миллий ғоя биринчи навбатда ёш авлодни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбига инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини пайванд қилишдек олижаноб ишларимизда мададкор бўлиши зарур.

Бешинчидан, у Ватанимизнинг шонли ўтмиши ва буюк келажагини узвий боғлаб туришга, ўзимизни улуғ аجدодларимиз боқий меросининг муносиб ворислари деб ҳис қилиш, шу билан бирга, жаҳон ва замоннинг умумбашарий ютуқларига эришмоққа йўл очиб берадиган ва шу мақсадларга муттасил даъват қиладиган ғоя бўлиши керак.

Албатта мафкуранинг юқорида келтирилган функциялари фидокор жамиятда огоҳлик, онглилик, фидоийлилик юқори бўлганда ишлайди. Ана шу кўрсаткичларга эга бўлиш учун интилишимиз лозим.

4.2 Янгиланаётган Ўзбекистонда ижтимоий гуманитар фанларнинг ривожланиш истиқболлари

1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон халқи Конституциянинг муқаддимасида белгиланганидек, “ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги

юксак масъулиятни англаган ҳолда, ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб”, ушбу Конституцияни қабул қилди. Дарҳақиқат, бу шараф, бу масъулият. Ушбу пойдеворнинг мустаҳкам асоси сифатида Конституциянинг 42-моддасида нормаланадигани, “Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади”. 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва уни “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурига мувофиқ, тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу маънода мамлакатимизда илм-фан соҳасида амалга оширилаётган тизимли ислохотлар шундай босқичга келдики, эндиликда бозор муносабатлари шакллана бориб, давлат илм-фан ютуқларининг истеъмолчиси сифатида ушбу муносабат иштирокчиларига муносиб ташкилий-ҳуқуқий шароитларни яратиш борасида ўзига хос субъектга айланмоқда. Қайд этилганидек, қонун ҳужжатлари ижтимоий пакети яратилди. Ана шундай ҳужжатлардан бири мамлакатимиз Президентининг “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сонли Фармони бўлди.

Тан олиш керак, узоқ йиллар илм-фан “давлат бюджетига қарам” ижтимоий соҳа бўлиб келди. Глобал ривожланиш, рақамли иқтисодиёт, мулкӣ плурализм эса, бунинг ўзи етарли эмаслигини кўрсатмоқда. Фармонда қайд этилганидек, “иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани жадал ривожлантириш, илмий-интеллектуал ҳамда молиявий ресурсларни тўлиқ сафарбар этган ҳолда илмий-инновацион салоҳиятдан кенг фойдаланиш, истиқболда илм-фанни мунтазам ислох қилиб боришнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билимга эга ва мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш, илмий инфратузилмани модернизация қилиш ишларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш мақсади”да ушбу ҳуқуқий ҳужжат дунёга келди. Ва у билан “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”; Концепциянинг мақсадли кўрсаткичлари ва индикаторлари; Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини 2020 – 2022 йилларда амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”; Илм-фан соҳаси ва илмий-тадқиқот ишларини 2021 – 2023 йилларда молиялаштириш ҳажмини кенгайтириш ва молиялаштириш манбаларини диверсификациялашнинг мақсадли параметрлари; Илм-фан соҳаси ва илмий-тадқиқот ишларини 2021 – 2023 йилларда молиялаштириш ҳажмини кенгайтириш ва молиялаштириш манбаларини диверсификациялашнинг мақсадли параметрларига эришиш бўйича комплекс чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.

Фармонга мувофиқ, илм-фан соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш борасида: илмий ташкилотларнинг илмий-инновацион фаолияти самарадорлигини баҳолашга йўналтирилган **миллий рейтинг тизими жорий этиладиган бўлди**; илм-фанда ўзини ўзи бошқариш

тизимини ривожлантириш орқали давлат ва илмий ташкилотлар ўртасида **ижтимоий шерикликни ривожлантириш** ҳамда унинг доирасида лойиҳалар амалга ошириладиган бўлди.

Соҳани молиялаштириш тизимини такомиллаштириш ҳамда молиялаштириш манбаларини диверсификациялаш борасида: илм-фанга ажратилган маблағларнинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан улуши амалдаги 0,2 фоиздан – 2030 йилда 2 фоизга; 2025 йилга қадар илм-фанни умумий молиялаштириш ҳажмида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига хусусий сектор томонидан ажратиладиган маблағлар улушини амалдаги 8 фоиздан – 20 фоизга, 2030 йилгача эса – 30 фоизга етказиш назарда тутилди.

Яна бир йўналиш – юқори малакали илмий ва муҳандис кадрлар тайёрлаш ҳамда уларни илмий фаолиятга йўналтириш борасида: илмий ташкилотлар тадқиқотчиларининг ўртача ёшини 2025 йилга қадар 45 га, 2030 йилгача эса 39 га етказиш; илм-фанни ривожлантиришнинг замонавий инфратузилмасини яратиш борасида: 2021 йилда “Яшнобод” инновацион технопаркиннинг резидентлари сонини 60 тага етказиш ва шу асосда инновацион маҳсулотлар тури ва ҳажмини ошириш, шунингдек 720 дан ортиқ янги иш ўринларини яратиш белгиланди.

Илм-фан тараққиётига қўмаклашувчи замонавий ахборот муҳитини шакллантириш борасида: миллий илмий портални яратиш; олимлар, ташкилотлар, илмий-техник ахборот манбалари рейтингларини жорий этиш белгиланди.

Яна бир янгилик. 2021 йил 1 январдан бошлаб ҳар бир илмий ташкилотда унинг бошқарув ходимларининг чекланган умумий сони доирасида илм-фан ва илмий фаолият бўйича маслаҳатчи лавозими киритилади, бу лавозимга таниқли илм-фан намояндалари ва нуфузли олимлардан бири тайинланади ҳамда маслаҳатчи ташкилотнинг Илмий кенгашини бошқаради. Илмий йўналишларни шакллантириш ва уларнинг самарали фаолият юритишини таъминлаш ҳамда илмий мактаблар (шунини айтишим керакки, ҳозирнинг ўзида илмий мактаблар мавжуд, хусусан, ТДЮУда ўнлаб илмий мактаб яратилди), фан намояндалари ва етакчи олимларнинг соҳадаги масъулиятини ошириш мақсадида ҳар бир фан йўналишлари бўйича фан жамиятлари ташкил қилинади.

Ҳудудларда илмий фаолият билан шуғулланиб келаётган иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, илм-фанга кенг жалб қилиш, нуфузли илмий мактабларни шакллантириш, уларнинг илмий салоҳиятини ошириш мақсадида 2021 йил 1 январдан бошлаб “Академик ҳаракатчанлик” дастури жорий қилинади. “Янги Ўзбекистон – янги дунёқараш” ғояси остида жойларда бошланган аҳолининг кенг қатлами билан бўлган учрашувларда маълум бўлдики, ўсиб келаётган авлодимиз илмга, фанга чанқоқ. Ўзаро суҳбатларда, ҳаттоки, нега, нима учун Ўзбекистонда шоир, кўшиқчи, кизиқчи, раққос машҳуру, олимлари машҳур эмас? қабилдаги саволлар ҳам берилганидан марказдаги, хусусан, Тошкентдаги профессуранинг ҳудудларга жалб қилиш керак, деган ўй-фикр келди. Дарҳақиқат, марказдаги илмий

ташкilotлар ва ОТМларда фаолият кўрсатаётган олимлар, устозларни жойларга – энг қуйи ҳудудларга юбориш амалиётидан самарали фойдаланиш лозим.

2021 йил 1 январдан бошлаб Илмий даражали кадрлар тайёрлашни мувофиқлаштиришнинг ягона электрон тизими жорий қилинмоқда. Унда стажёр-тадқиқотчи, изланувчи, илмий раҳбар ва консультантларга доир маълумотлар банки шакллантирилади. Шундай тартиб ўрнатилмоқдаки, олий таълимдан кейинги таълимнинг бир поғонали тизими жорий қилинган хорижий давлатларнинг рўйхати ҳар йили Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг қўшма қарори билан тасдиқланадиган халқаро рейтингларда биринчи 300 та ўриндан бирини эгаллаган олий таълим ташкilotларида олинган фалсафа доктори (PhD) ёки фан доктори (DSc) илмий даражаси тўғрисидаги ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасида фан доктори (DSc) сифатида тўғридан-тўғри тан олинади ва нострификация қилинади (эквивалентлиги қайд этилади). Халқаро рейтингларда биринчи 300 та ўриндан бирини эгаллаган олий таълим ташкilotларида олинган профессор, доцент, катта илмий ходим ва уларга тенглаштирилган бошқа илмий унвонлар тўғрисидаги ҳужжатлар олий таълим муассасалари ва илмий ташкilotлар кенгашларининг тавсиясига асосан Ўзбекистон Республикасида қўшимча экспертиза ўтказмасдан ва бошқа синовларсиз тўғридан-тўғри тан олинади.

Яна бир муҳим янгилик. Жаҳон банки томонидан илмий ишланмаларни тижоратлаштириш асосида республикамизда инновацион тизимни ривожлантириш, инновацион фаолият соҳасидаги индикаторларни яхшилашга кўмаклашувчи “Ўзбекистон миллий инновацион тизимини модернизация қилиш” лойиҳасини молиялаштириш мақсадида 50 миллион АҚШ доллари миқдоридаги имтиёзли кредит маблағлари ажратилдиган бўлди. Ҳукуматимиз томонидан 2021 йилда “Ўзбекистон илмий салоҳиятини ошириш” лойиҳасини амалга ошириш учун Жаҳон банкининг қўшимча 50 миллион АҚШ доллари миқдоридаги имтиёзли кредит маблағларини жалб этиш бўйича таклиф киритиши белгиланди.

Хурсанд қиладиган яна бир жиҳат – бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилдиган фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар сони, бир миллион аҳоли сонига тўғри келадиган илмий тадқиқотчилар ва олимлар сони, тижоратлаштирилган илмий ишланмалар сони ва ҳажми индикаторлари юритилдиган бўлди.

Фармон билан “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси” тасдиқланди. Концепциянинг **стратегик мақсади** миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг инновацион ва юқори технологик форматига ўтиш, мамлакатимизнинг рақобатдош устунликларини ишга солиш ва тўғри сафарбар этиш, инновацион маҳсулотлар ҳажмини кенгайтириш, жадал иқтисодий ўсишни таъминлайдиган йўналишларга инвестицияларни йўналтириш, аҳоли турмуш даражасини бир неча бор яхшилаш, ижтимоий соҳадаги долзарб масалаларнинг инновацион ёндашувга ҳамда илмий тадқиқотлар ва эришилган натижаларга асосланган илмий

ечимини топиш, халқаро миқёсда илмий ҳамкорликни ривожлантириш, шунингдек “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги ва “Инновацион фаолият тўғрисида”ги қонунлар ижросини таъминлашдир.

Концепция нима учун илм-фан керак? – деган саволга жавоб беради. Ундан шунини аниқлаш мумкин:

- жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва унинг янги технологик ривожланишга ўтиш жараёни;
- рақамли технологиялар;
- рақобатнинг тобора кучайиши;
- тўртинчи саноат инқилоби;
- экономиками, экологиями ёки инсон омилими? – деган савол ва фактлар бугунги рақобат шароитида илм-фан зиммасига йирик ижтимоий юк – илмий тадқиқотлар ҳамда инновацион ишланмаларни амалга оширувчи экотизимни шакллантиришни асосий вазифа қилиб қўйди.

Концепцияда қайд этилганидек, ривожланаётган мамлакатлар рақобатбардошликни ошириш ва мустаҳкамлаш бўйича юқори технологияли ишлаб чиқаришни ва глобал маркетингни фаол ўзлаштириш, устувор йўналишларда ўз илмий мактабларини ташкил этиш, тажрибали ва малакали мутахассисларни жалб этиш, инновацион салоҳиятга эга истиқболли стартапларни қўллаб-қувватлаш, узоқ муддатли барқарор ривожланишнинг молиявий ва институционал асосларини яратиш учун давлат имтиёзларидан мақсадли фойдаланиш каби чораларни кўрмоқда. Хўш, бизда аҳвол қандай? Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 3 декабрь куни илм-фан ва инновацияни ривожлантириш борасида олий таълим муассасалари, илмий ташкилотлар, тармоқ ва ҳудудлар олдидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам бу борадаги ҳақиқий аҳвол қайд этилди. Соҳа учун ҳам моддий, ҳам ташкилий жиҳатдан барча шароит яратилмоқда. Лекин 100 дан зиёд илмий ташкилотлар фаолиятида, улар томонидан олиб борилаётган изланишларда ҳали сезиларли ўзгариш бўлгани йўқ.

Бугун мамлакатимизнинг илм-фан сектори 100 дан ортиқ академик ва тармоқ илмий муассасаларидан иборат бўлиб, ҳозирги кунда 65 та илмий-тадқиқот институти, 31 та илмий марказ (шундан 14 та ихтисослаштирилган илмий-амалий марказ) ва 8 та бошқа турдаги илмий ташкилот фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, олий таълим муассасалари ва уларнинг филиалларида ҳам илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда.

Шу маънода Ўзбекистонни 2030 йилга қадар глобал инновацион индекс рейтингига дунёнинг 50 та етакчи давлатлари қаторига киритиш бўйича улкан мақсадга эришишда инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган стратегик режа эълон қилинди.

Энг муҳими, **илм-фан соҳасининг жамиятдаги мавқеи оширилди, ёшларнинг соҳага бўлган фикри-муносабати ижобий томонга ўзгарди.** Аммо, тан олиш керак, ҳануз алмисоқдан қолган мавзуларда илмий ишланмалар мавжуд. Айрим соҳалардаги тадқиқотлар (хусусан, рақамли технологиялар, сунъий интеллект, нанотехнологиялар, ген инженерияси,

криминалистика) жиддий ортида қолган. Иқтисодиётнинг илм-фанга эътибори юқори эмаслиги, учрашувда қайд этилганидек, олимларга буюртмаларнинг мавжуд эмаслиги; технопарклар, стартаплар яратилаётган илмий ташкилотлар ўртасида тўғридан-тўғри ҳамкорликнинг сустлиги; барча соҳаларда бўлгани каби соҳада прогнозлашнинг етарли эмаслиги; илмий тадқиқот натижаларини тижоратлаштиришнинг сустлигини назарда тутсак – менежерлик илмининг етарли эмаслиги; илмий салоҳиятни ривожлантиришга хусусий секторнинг фаол эмаслиги; илм-фан ва илмий фаолиятга молиявий ресурсларнинг етарли даражада йўналтирилмаётганлиги; илм-фан ютуқларининг реклама қилинмаслиги кенг кўламли ислохотлар фониди бизларни ортига тортмоқда.

Ҳозирда WEB of Science, SCOPUS каби маълумотлар базасида индексация қилинадиган халқаро илмий журналларда чоп этилган мақолалар орасида Ўзбекистоннинг ялпи улуши 0,1 фоизга яқин. Ўз ичига 5 мингдан ортиқ нашриётларнинг 22 минг номдаги илмий журналларини олган Scopus маълумотлар базаси асосида SJR (ScimagoJournal&CountryRank) ресурсининг таҳлилларига кўра, Ўзбекистон битта мақолага ҳаволалар кўрсаткичи бўйича жаҳоннинг 239 давлати ўртасида 220-ўринни эгаллаб (6,52), мамлакатимизнинг H-index кўрсаткичи 86 ни ташкил этмоқда.

Қувонтирадиган нарса: юқори малакали илмий ва муҳандис кадрлар тайёрлаш борасида фан докторлари (DSc) ва фалсафа докторлари (PhD)ни тайёрлаш доирасида устувор илмий йўналишлар бўйича илмий кадрларни мақсадли тайёрлашга ўтилиши. Зеро, тан олиш керак, муҳандислик соҳасида бирмунча ортида қолдик.

Хуллас, концепцияни амалга оширишдан қуйидаги натижалар кутилмоқда: илмий тадқиқот дастурлари мувофиқлаштириш; илм-фаннинг давлат ва хусусий сектор томонидан мувозанатли молиялаштиришга эришиш; Good Scientific Practice (GSP) ва Good Laboratory Practice (GLP) стандартларини жорий этиш, GLP ва Good Manufacturing Practice (GMP) стандартлари бўйича халқаро мезонларга мос келадиган миллий илмий лабораториялар фаолиятини ташкил қилиш; плагиат ва илмий ғояларни ўзлаштириш ҳолатларини бартараф этиш; илм-фан соҳаси ходимларини моддий рағбатлантириш. Бир сўз билан айтганда, илм-фан ютуғини тижорий қийматга эга бўлдириш.

4.3. Ш.Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистонни ривожлантириш стратегиясининг ижтимоий-фалсафий аҳамияти.

Давлатчилик ривожини ва унинг тараққиёт мезонлари миллатнинг маънавий даражасини билан белгиланади. Зеро, фақат ўзлигини англаган, муштарак мақсадларда яқдил, муддаолари уйғун, ор-ноъмуслари устун, ягона маслакдаги маданиятга эга халқларнинг ривожланиш тарихини барқарор ва истиқболли бўлиши кишилик жамияти тажрибаларида ўзининг исботини топган. Инчунун, бугунги кунда мамлакатнинг стратегик сиёсати миллий

давлатчилигимизнинг сиёсий-ижтимоий, маънавий-маданий меросини янгича тафаккур асосида англаш ва уни бевосита жамият бошқарувига татбиқ қилиш билан жаҳон ҳамжамияти интеграциясига киришиш имкониятлари кенгайиб бормоқда.

Тарихий ривожланиш қонуниятлари аниқ ва тўғри мулжалли стратегия жамият орзуларини реал ҳаётини натижаларга айлантириш мумкин эканлигини исботлади. Бугун Ўзбекистон ҳам ўз тарихининг ана шундай масъулиятли чорраҳасида турибди. Президент Ш. Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган ҳаракатлар стратегияси истиқболимиз тақдирини ҳал этувчи муҳим ва янги давр босқичини ифодаловчи миллий ғояга айланмоқда. Шу маънода, халқлар ва миллий давлатчилик тарихининг мураккаб эврилишлар асосида кечган сиёсий-ижтимоий жараёнларини ўрганиш бугунги кун истиқбол мақсадларимизни ойдинлаштириш, асослаш, янги марралар ва вазибаларни белгилаш каби имкониятларни яратади.

“Стратегия” тушунчаси грекча сўздан олинган бўлиб аслида “жанг санъати” маъносини билдиради. Бугунги кунга келиб “стратегия” кенг тушунча бўлиб, турли сиёсий-ижтимоий соҳаларда қўлланилмоқда. Жумладан, “Давлат стратегияси” сиёсий терминология сифатида бугунги кунда фан назарияси ва амалиёти даражасида ўзининг алоҳида тушунча ва категорияларига эга бўлиб:

- 1.) Узоққа мулжалланган режалаштириш санъати.
- 2.) Бошқарув ва раҳбарлик маҳорат санъати.
- 3.) Сиёсий ва ижтимоий жараёнларни идора қилиш санъати.
- 4.) Аҳолини маълум мақсадлар сари сафарбар этиш санъати.
- 5.) Мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш санъати.
- 6.) Тақсимлаш ва самарадорликни таъминлаш санъати каби тушунчаларни қамраб олади.⁷

Стратегия – бу таълимотни излаш, ифодалаш ва ривожлантириш тизими бўлиб, у изчиллик билан ва тўлиқ амалга оширилганда узоқ муддатли мувоффақиятни таъминлайди. Стратегия бу – стратегик фикрлаш, чуқур билим ва интуиция асосида муҳитни, келгуси шартларнинг мавжуд прогнозларини тизимли таҳлил қилиш натижасидир. Ушбу таҳлилнинг якуний маҳсули – бу ўзидан аввалги прогноз, вазифа, нуқтаи назар, устуворликлар ва узоқ муддатли мақсадли вазибаларни режалаштириш орқали бажарилишини талаб қилади. Стратегия бу – келажак ва ноъмалумлик парокандалиги орқали синовдан ўтган устуворликлар ва мақсадлар сари йўналтирувчи ғоялар мажмуаси. Бу ресурс чекланганлигини баҳолаш орқали ҳаракатларнинг тўғри танланган йўналиши билан бойитилган донишмандлик⁸.

XXI асрга келиб стратегия тушунчаси анча кенгайди. Стратегия деб, дунё миқёсида ва давлат ички ҳаётидаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳамда бошқа соҳаларда вужудга келган инқирозий вазиятларни прогнозлаштириш ва бартарф этишга қаратилган бошқарувни ташкил этиш масалаларига доир

⁷Буланова Е.А. Политика и стратегия в механизме государственного регулирования социально-экономических процессов. Вестник Чувашского университета. 2006 г. №3, С 148

⁸Квинт В. Стратегиялаш назарияси ва амалиёти. Т.; “TASVIR”. 2018й. 18 б.

тушунчаларни қамраб олади⁹. Шундан келиб чиқиб, давлат стратегияси бир бири билан ўзаро боғлиқ, лекин алоҳида хусусият касб этувчи кўплаб тушунчаларда ифодаланади. Яъни, “сиёсат”, “доктрина”, “миллий манфаатлар”, “миллий хавфсизлик”, “модернизация”, “инновация”лар давлат стратегиясининг моҳиятини белгилайди. Шундай қилиб, давлатнинг стратегияси аниқ мақсадларни белгилаш имкониятини яратувчи воситаларни танлаш асосида самарали бошқарув таъминлаш орқали жамиятнинг ижтимоий асосларини ривожлантиришга, мамлакат суверенитети ҳамда хавфсизлигини таъминлашга қаратилган комплекс ҳаракатлар мажмуи бўлиб ҳисобланади.

Стратегиянинг моҳияти тактик вазифаларни белгилашдан иборат. Сиёсат, стратегия ва тактика – стратегик раҳбарлик ва бошқарув жиҳатлари билан боғлиқ учта мустақил категориядир. Уларнинг фарқи шундан иборат: стратегия тасдиқланган ва амалга ошириш учун қубул қилинган бўлса, унинг жорий қилиниши стратегиялаштирилаётган объектнинг йўл кўрсатувчисига, маъғига айланади. Тактика эса стратегик вазифаларни амалга ошириш бўйича кундалик, ойлик ва йиллик (жорий) режаларни ва уларнинг ечими бўйича тадбирларни тақозо этади. Сиёсат – бу стратегия ва тактикани ягона самарали амал қилувчи тизимга агрегация ва интеграция қилинишидир. Бошқача айтганда: **Стратегия + Тактика = Сиёсатга тенг**¹⁰.

Давлатнинг стратегик бошқаруви бошқа давлат ва халқларнинг тарихий тажрибасидан ўзлаштириб ёхуд нусха олиб бўлмайди. Зеро, ҳар бир халқнинг ўзига хос тарихи, сиёсий-ижтимоий, демографик, иқтисодий, маданий вазиятилари мавжуд. Айнан шу ижтимоий омиллар маълум ижтимоий шароитларни вужудга келтиради. Шунга кўра, давлат стратегиясининг универсиал формуласини шакллантирадиган муассасалар мавжуд эмас. Барча давлатлар учун хос бўлган умумий тажрибалар ҳам йўқ. Улар учун махсус стратегик командалар, комиссиялар, тезкор гуруҳлар тузилади. Стратегия сиёсий партияларнинг дастурий ғояларида ёки давлат аппарати томонидан шакллантирилади. Стратегия жамият тафаккур маҳсули сифатида очик ва оммавий ёки қаттиқ назорат остига олинган тартибларда амалга оширилиши мумкин. Барча учун мувоффақиятли тартибот жамиятда турли қарашларнинг шаклланишига имконият ва танқид қилишга шароит яратган муҳитнинг мавжуд бўлиши билан белгиланади. Маълумки, ҳар қандай давлат мазкур вазифаларни ҳал этишнинг структуравий механизмларига муҳтож бўлади. Давлат стратегияси – бу давлат идоралари ўз ваколатлари доирасида ижтимоий аҳамиятга молик бўлган мақсадларга эришиш йўлида мавжуд ресурслардан тизимли равишда фойдаланиши демакдир.

Давлат стратегияси ўз мазмунига кўра, назарий ва методологик асосларига эга, ривожланиб келаётганлар фанлардан. Бугунги кунда давлат стратегиясини амалга оширишнинг тамойиллари, структуравий функционал асослари ривожланган мамлакатлар таълимотида назарий жиҳатдан муқим

⁹ Юрина А. О стратегии государственного управления. www.odn2.ru.

¹⁰Квинт В. Стратегиялаш назарияси ва амалиёти. Т.; “TASVIR”. 2018й.44 б.

шаклланганлигига гувоҳмиз. Мазкур назарий методологик асослар ислоҳотларнинг изчил йўналишларини кафолатлашга хизмат қилади.

Стратегик мақсадлар қандай омиллар орқали эришилади? Бу вазифа умумий ва хусусий, бирламчи ва иккинламчи омилларни ўзаро боғлиқ ҳаракат қонуниятларини идрок этиш ва уйғун фаолиятини таъминлашга эришишдан бошланади. Ҳукуматлар аксарият ҳолларда миллий стратегик мувоффақиятларни ЯИМнинг ўсишида, фуқароларининг фаровонлик даражасининг юксалишида деб қарайди. Яқин ўтмишда давлатнинг бирламчи вазифалари ҳудудларини кенгайтириш, ҳосилдорликни ўстириш, олтин-нефтни кўпайтириш, армияни мустаҳкамлаш билан изоҳланган. Бугун миллий кадриятлар билан қуролланган давлатнинг стратегик мақсади фуқароларнинг ғоявий эътиқоди, билим-салоҳияти, жамиятдаги мукамал қонунлар ва барқарор ижтимоий институтларнинг мавжудлиги бирламчи омил сифатида қаралади. Ғоявий ирода жамиятни ҳаракатга келтиради. Ҳаракатсиз ҳаражат нолга тенг. Бу номоддий ресурсларнинг кенгайиши билан моддий имкониятларнинг ривожига хизмат қилади. Яъни, илм янги билимларни вужудга келтиради. Барқарор институтлар иқтисоднинг ривожига, жамият институтларининг такомиллашувига, провард натижада ижтимоий фаровонликка олиб келади. Стратегик хатога йўл қўйган давлатлар ислоҳотларни иқтисодий омиллардан бошлайди.

Давлат стратегик режалари аниқ ва ўзгармас тамойилларга бўйсиндирилиши муҳим. Улар ислоҳотларнинг бир маъромда, изчил йўналишини таъминлашга хизмат қилади. Жумладан:

1. Илмийлик.
2. Мақсадлилиқ.
3. Ўзгарувчанлик.
4. Бирлик.
5. Шароит яратиш.

Илмийлик. Раҳбар ўз вазифаларини амалга оширишида турли илмий соҳалардаги маълумотлар ва хулосалар билан қуролланмоғи, бундан ташқари импровизация қилмоғи, қуйилган вазифалар ечимини топишда индивидуал ва креатив ёндашувларни ташкил этиши.

Мақсадлилиқ. Стратегияни шакллантириш ва стратегиявий таҳлиллар мақсадли бўлиши лозим. Яъни давлатнинг устувор мақсадларини бажаришга йўналтирилиши лозим.

Ўзгарувчанлик. Мазкур тамойил олдин қабул қилинган қарорни ўзгартириш эҳтимоли ёки ўзгарувчан вазиятдан келиб чиқиб хоҳлаган дамда қайта кўриб чиқиши демакдир.

Бирлик. Стратегик дастур ва режанинг уйғунлиги. Турли даражада қарорларнинг мустаҳкам боғлиқлиги ва ҳамжиҳатлилиги мувоффақиятнинг шартли кафолатидир. Мазкур бирлик давлат органларнинг структуравий буғинларида стратегик ҳаракатларни бирлаштириш, барча функционал бўлим режаларининг келишуви билан таъминланади.

Шароит яратиш. Стратегияни амалга ошириш имкониятини тўғдиради. Стратегик режанинг мавжудлиги ҳали мувоффақиятли амалга ошишини

кафолатламайди. Стратегик бошқарув жараёнида дастур ва режани амалга ошириш учун ташкилий шароит яратилиши лозим. Улар мустақкам ташкилий структура, рағбатлантириш тизими ва бошқарув тизим самарадорлигини оширишга қаратилади.¹¹

Мазкур тамойиллар ҳокимият органлари фаолиятидаги ижро интизомининг паст сўратларига, шахсий масъулиятсизлигига барҳам беради, кадрлар лаёқати даражасини оширишни талаб қилади, мураккаб ва чигал иш тартибларини содда ҳамда тезкор ёндашувлар билан таъминлашга хизмат қилади. Энг муҳими стратегик йўналишларни белгилашнинг мавҳум ва номаълум жиҳатларини ойдинлаштириш орқали тартиблаштиришга хизмат қилади. Бу масалалар қуйидаги тамойиллар билан аниқлаштирилади:

Ҳар бир давр ўзига хос сиёсий вазияти билан ижтимоий ҳаёт ривожига таъсир кўрсатади. Ҳар бир даврнинг ўз таълимоти ва ёндашув тамойиллари юзага келади. Ушбу вазиятни англаш, шунга мос йўл-йўриқ танлаш стратегик тамойилларнинг талабларидан ҳисобланади. Ривожланишнинг ўз қонуниятлари мавжуд бўлгани каби, фавқулотда ижтимоий ўзгаришлар ҳам ривожланишнинг моҳиятига зид келади. Бошқача қилиб айтганда, инқилобий таъсирни жамиятнинг ўзи инкор қилади. Тадрижий таълимот ижтимоий қонуниятларнинг жамият имкониятларига мувофиқлаштирилгани, уйғун сиёсий ислохотлар белгилангани билан самарали натижалар беради. Иқтисодий ислохотларнинг бозор муносабатларига йўналтирилиши, инфратузулмаларнинг жорий этилиши, ишлаб чиқариш муносабатларини ташкил этиш, мулкдорлар қатламининг ўсиб бориши билан жамиятда инсон манфаатлари, қонун устуворлиги, ижтимоий ҳимоя каби демократик қадриятлар таъминланади. Шу тариқа янги жамият асосларига дахлдор ижтимоий омиллар бири иккинчисини тўлдиришга хизмат қилади.

Кўриб турганимиздек, мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар стратегик таълимотларга тўлиқ мос келади. Улар республикамизнинг босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани даврида давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришда намоён бўлмоқда. Инчунун, олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакат тараққиётининг комплекс дастурини илгари сурди. Бу ҳужжат «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»¹² деб номланди. Ўзбекистон Республикаси

¹¹ Государственное стратегическое управление. Общ.ред. проф. Ю Кузнецова. Питер, 2014. С134

¹² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Фармони. «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси

Конституциясининг 26 йиллик тантаналарига бағишланган маърузаларида муҳтарам Президент –“ Асосий қомусимиз негизида яратилган Ҳаракатлар стратегияси бугунги кунда жонажон Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришда, инновацион ва индустриал ривожланиш сари одимлашда бекиёс ўрин эгалламоқда¹³ деб, улкан ўзгаришларга даҳилдор янги ғояларни илгари суради.

Мазкур дастур нафақат ички ва ташқи сиёсатдаги ислоҳотлар сари ташланган кадамда, балки, энг аввало, давлатнинг халққа бўлган муносабатини ўзгарганлигида намоён бўлмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 28 декабрь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида ҳам мавжуд ўткир муаммоларга эътибор қаратилиб, уларни ҳал этишнинг аниқ йўллари кўрсатиб берилди. 2017 йил «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилиниши, 2018 йил “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш” йилларида амалга оширилган ислоҳотлар асосида «Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун» деган инсонпарвар ғоя изчиллик билан ҳаётга татбиқ этишнинг дастурий чора-тадбирлари белгиланди. Бу борада давлат органлари ҳамда фуқароларнинг ўзаро муносабатига бўлган ёндашувни тубдан қайта кўриб чиқишни давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида қайд этилди. Мазкур эришилган натижалар заминида 2019 йил “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” сифатида давлатнинг стратегик йўналишлари янада самарали, мустаҳкам ва изчил қарорлар билан бойитилди.

Ушбу вазифалар аввало демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда парламент ва сиёсий партияларнинг ролини янада ошириш, давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш, давлат хизматининг маъмурий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, “Электрон ҳукумат” тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари сифати ва самарасини ошириш, жамоатчилик назорати механизмаларини амалда тадбиқ этиш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини оширишга йўналтирилган давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришга қаратилади. Бу йўналишлар қўйидаги стратегик тамойилларда ўз ифодасини топди:

ЎЗБЕКИСТОН ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ

I. Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари;

1.1. Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлис, сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш:

1.2. Давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш:

1.3. Жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштириш:

II. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари

тўғрисида”// Веб-сайт Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – www.lex.uz.

¹³ Халқ сўзи. 2018 йил 8 декабрь.

2.1. Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш:

2.2. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш:

2.3. Маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини такомиллаштириш:

2.4. Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш:

2.5. Суд-ҳуқуқ тизимида қонунийликни янада мустаҳкамлаш:

2.6. Юридик ёрдам ва хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш:

III. Иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари

3.1. Макроиктисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш:

3.2. Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодийнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш:

3.3. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш:

3.4. Иқтисодийда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш:

3.5. Вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш:

IV. Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари

4.1. Аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш:

4.2. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш:

4.3. Арзон уй-жойлар барпо этиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, аҳолининг ҳаёт шароитлари яхшиланишини таъминловчи йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш:

4.4. Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш:

4.5. Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш.

V. Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар:

5.1. Хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш соҳасидаги устувор йўналишлар:

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми, суверенитети, ҳудудий яхлитлигини муҳофаза қилиш;

ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоя қилиш

тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга ўз вақтида ва муносиб қаршилик кўрсатиш;

фуқаролик, миллатлараро ва конфессиялараро тинчлик ҳамда тотувликни мустаҳкамлаш;

давлатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг жанговар қудрати ва салоҳиятини ошириш.

5.2. Чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар:

давлат мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, мамлакатнинг халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатидаги ўрни ва ролини ошириш, ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил кўшничилик муҳитини шакллантириш;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш, мамлакатда олиб борилаётган ислохотлар тўғрисида жаҳон ҳамжамиятига холис ахборот етказиш;

Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини ҳамда халқаро ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилиш масалаларини ҳал этиш.

Давлат ва жамият қурилиши шундай бир мураккаб тузилмаки, унинг таркибидаги бир-бирига боғлиқ бўлган ва бир-бирини тўлдирадиган соҳа ва жабҳаларни бир вақтнинг ўзида жадал ривожлантиришни талаб қилади. Уларнинг ҳар бири иккинчисига замин яратади. Қайсидир асосий соҳа аввал ривожланиб, бошқа соҳа ва тармоқлар учун локаматив вазифасини ҳам бажариши мумкин. Албатта, бу жараёнда ҳар бир соҳанинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш, объектив таҳлил қилиш, ўз вақтида тегишли чора-тадбирлар қабул қилиш, уларни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини яратиш, самарали ишлаш механизмларни янги технологиялар асосида ташкил этиб бериш каби вазифаларни ҳал қилиш талаб этилади.

Ҳаракатлар стратегиясининг етакловчи локаматив куч - бу давлат ва унинг органлари. Ундан чиқди, ислохотларнинг гарови ва кафолати лаёқатли ҳокимиятнинг фаолияти билан боғлиқ ходиса. Шундай экан, давлат ва жамият бошқаруви тизимларини такомиллаштирамасдан туриб мамлакат ҳаётини модернизация қилиб бўлмайди. Модернизация ўз умрини поёнига етказган бошқарув усулларини янги сифат ва талаблар даражасига кўтариш билан мамлакатни ривожлантиришга олиб келади. Бу жараёнлар бевосита маҳаллий ҳокимиятларнинг ҳудудларни ривожлантиришга оид масалаларни ҳал этишда мустақил қарорлар қабул қилишнинг ҳуқуқий асосларини шакллантиришни тақоза қилади. Шу нуқтаи-назардан Президент Ш.Мирзиёев “Мурожаат”ида парламентнинг муҳим қарорлар қабул қилиш ва қонунлар ижросини назорат этиш фаолиятини кучайтириш, ижро ҳокимияти тизимини оптималлаштириш, маъмурий ислохотларни давом эттириш ва

давлат бошқарувида замонавий менежмент усулларини кенг қўллаш, давлат бошқарувида самарадорликни ошириш мақсадида давлат хизматига малакали мутахассисларни жалб этишга қаратилган ягона кадрлар сиёсатини шакллантириш, маҳаллий ҳокимият органларининг ваколат ва масъулиятини қайта кўриб чиқишимиз, уларнинг мустақиллигини янада ошириш вазифалари белгиланади.¹⁴

Бошқарувда адолатли давлат бошқаруви тизимлари шаклланмас экан, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари – иккинчи узвий боғланувчи муҳим тамойил таъминланмайди. Улар суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш орқали амалга оширилади. Бундай тизимнинг самарали фаолияти фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш қафолатларини таъминлашнинг реал имкониятларини вужудга келтиради. Олий суд – олий ҳакам сифатида жамиятнинг яхши - ёмони, фойда – зиёнини белгилаб берувчи маънавий барометрга айланадики, бундай ижтимоий муҳитда жиноят қилишдан кура бунёдкорлик қилиш авфзаллиги устуворлик касб қилади. Шу маънода Президент Ш.Мирзиёев суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш мақсадида судьяликка номзодларни танлаш ва тайинлаш тизимини янада такомиллаштириш лозимлигига аҳамият бериши стратегик мақсадларнинг муштараклигини таъминлашга қаратилади.¹⁵

Жамиятда адолатли бошқарувнинг вужудга келиши шубҳасиз иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларини такомиллаштириш имкониятини яратади. Улар макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаш, таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш, унинг рақобатбардошлигини ошириш, айниқса, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантиришнинг янги инновацион технологияларининг тадбиқ этилиши имкониятларини яратади. Яъни ривожланишнинг ички қонуниятларига кўра, янги сифат босқичга кўтарилишнинг мураккаб, аммо такомиллашган шакллари пайдо бўлади. Бу ўз навбатида иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни тадбиқ этишни талаб қилади. Натижада мавжуд салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали жойларда мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ўсиш суръатлари вужудга келади.

Жамиятда ижтимоий онгнинг ўзгариши билан ижтимоий муносабатлар

¹⁴Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи. 2018й, 29 декабрь.

¹⁵Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи. 2018й, 29 декабрь.

хам ривожланиб боради. Жамият ва унинг ҳолати аслида инсон онгининг инъикоси. Фуқаро қандай эзгу амаллар маърифати билан қуролланган (тарбияланган) бўлса, ана шу руҳий қудрат истакларининг ҳосиласини олади. Бу жараён улкан тўлқин сифатида миллатнинг муштарак мақсадларида намоён бўлади. Бу ўз навбатида ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида янги тармоқларнинг, ишчи ўринларнинг пайдо бўлишига хизмат қиладики, табиий равишда аҳолининг реал даромати ва шунга мувоффиқ ижтимоий ҳимояси, турмуш даражаси ҳам ошиб боради.

Ҳаракатлар стратегиясининг самарали натижаси бевосита мамлакатда хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат самарадорлиги билан боғлиқ ҳодиса. Бундай дейишимизга сабаб, ташқи сиёсат ички сиёсатга, ички сиёсат ташқи сиёсатнинг натижаларига боғлиқ бўлади. Инчунун, миллат улут мақсадлари йўлида собитқадам ва муштарак бўлсалар, фаолият амаллари юксак бўлса, бундай халқ жаҳон ҳамжамиятнинг муносиб аъзосига айланиб бориши билан ўз қудратини ҳам мустаҳкамлаб боради.

Дастурларда белгиланган ҳаракатлар стратегияси барча йўналишлари таҳлили бир-бирига боғлиқ узвий қонуниятлар билан боғланганлигини кўрсатиб турибди. Улар давлат бошқаруви тизимларининг мураккаблашуви асносида фуқароларнинг ижтимоий ҳаётга иштирокини соддалаштирилишида, талаб ва эҳтиёжларга мос ишлаб чиқариш воситаларининг такомиллашувида, сон кўрсаткичларнинг ўсишида, жамиятнинг структуравий ўзгаришларида, ижтимоий соҳаларнинг ривожланишида намоён бўлмоқда. Албатта, стратегиянинг мувоффақиятли жорий этилиши фақатгина ундаги иқтисодий ва технологик омиллар билан белгиланмайди, бунда етакчилар ва қарор қабул қилувчи раҳбарларнинг обрўси, инсоний фазилатлари, стратегияга доир шижоати ҳам муҳим роль ўйнайди.¹⁶ Энг катта ва ҳал этувчи куч – бу халқнинг иродаси бўлиб қолади.

4.4. Мустақиллик йилларида ўзбек фалсафасининг замонавий йўналишлари.

Миллий фалсафанинг бугунги такомилли, моҳият-эътибори билан, мустақилликни мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг халқаро нуфузи ва алоқаларининг ўсиб бориши, унинг жаҳондаги энг тараққий этган давлатлар қаторидан ўрин эгаллаши, тинчлик, осойишталик, бағрикенглик ва ҳамжиҳатликка хизмат қилувчи эзгу мақсад ва ғояларга таянади. Унинг ҳаётийлиги халқ иродаси ва руҳиятига, тушунча ва туйғулари, орзу ва интилишларига мослиги билан белгиланади, юртимизда кечаётган ислохотлар жараёни, давлатимизнинг сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ҳаётидаги ижобий ўзгаришлар тўғрисида халқимизда тўғри тасаввур ва тушунчаларни ҳосил қилиб бориш лозимлигини кўрсатади.

Бу эса, ўз навбатида халқ дунёқараши ва тафаккурини шакллантириш ва

¹⁶Квинт В. Стратегиялаш назарияси ва амалиёти. Т.; “TASVIR”. 2018й.41 б.

такомиллаштиришга ёрдам берадиган турли соҳаларининг ҳамкорлиги ва ривожланишини тақозо қилади. Шу билан бирга, айнан ана шу кенг қамровли мураккаб масалалар уларни ўрганиш ва изоҳлашга алоқадор мавзуларнинг кўлами ва мазмун-моҳиятини белгилайди. Ҳаётнинг ўзига хос инъикоси бўлган фалсафада ҳам бу жараён муайян тарзда акс этмокда ва унинг йўналишларларига таъсир кўрсатмокда.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши ушбу соҳада истиқлол талабларига мос, янги тафаккур ва замонавий дунёқарашга эга бўлган кадрлар тайёрлаш тизими шаклланиши учун ҳам кенг имконият яратди. Бугунги кунда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Фалсафа факультети, унинг қошида ташкил этилган Фалсафий тадқиқотлар ўқув-илмий мажмуаси ҳамда Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти билан бирга, мамлакат олий ўқув юртинининг 60 дан ортиқ кафедралари ҳам фалсафий тадқиқот ва таълим билан муттасил шуғулланмокда. Ҳар йили бу йўналишда кўплаб бакалавр ва магистрлар тайёрланмокда, мустақиллик йилларида ҳимоя қилинган диссертациялар миқдори собиқ иттифоқ даври - 70 йил давомидаги диссертациялар сонидан ошиб кетди. Қолбуки, ўша даврда юртимизда бор-йўғи битта фалсафа бўлими мавжуд бўлиб, унда ҳар икки йилда бир марта 30 га яқин миллий мутахассислар тайёрланар, уларнинг тадқиқотларига эса етарлича эътибор ва рағбат йўқ эди. Истиқлол бу борада ҳам кескин бурилишга сабаб бўлди. Масалан, мустақилликка эришилганидан кейинги 15 йил, яъни 1992 йилдан 2006 йилгача фалсафа фанлари бўйича 67 та докторлик ва 100 дан ортиқ номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди. 1991 йилдан 2013 йилгача биргина ЎЗМУ фалсафа факультети талабалари орасидан 40 дан ортиқ фан докторлари тайёрланди. 2017 йилдан ҳозирги вақтгача илмий даражалар олиш бўйича янги тизим асосида ўнлаб фан докторлари (DSc) ва юзлаб фалсафа докторлари (PhD) диссертациялари ҳимоя қилинди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, ЎзФА Фалсафа ва ҳуқуқ институтида ҳар йили «Мустақил Ўзбекистон: фалсафа ва ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммолари» мавзуида илмий-назарий анжуман ўтказилиб келинди. Унда фалсафа ва ҳуқуқ фанлари соҳасидаги тадқиқотларнинг натижалари муҳокама этилиб борилди. 1999 йил 10 июнда Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти ташкил топди. Бу жамиятнинг асосий вазифаси мамлакатда халқимизнинг миллий ўзлигини англашнинг, миллий истиқлол мафкурасининг илмий-назарий ва фалсафий асосларини яратишда, назарий ва амалий тадқиқотларни олиб боришда ҳамда мазкур тадқиқотларнинг натижаларини кенг оммалаштиришда, республикада шаклланаётган ҳуқуқий, демократик давлат ва фуқаролик жамиятида миллий истиқлол ғоясининг ҳаётий эҳтиёжга айланишида барча зиёлиларнинг бирдамлик руҳидаги иштирокини таъминлашдан иборат, деб белгиланган. Жамият бугунги кунда бир қанча фалсафий китоб ва рисоаларни нашр этди, жаҳон файласуфларининг мумтоз асарларини таржима қилишга киришди, турли илмий анжуманлар ташкил этилди. Жамият республикада фалсафа фани соҳасидаги тадқиқотларни мувофиқлаштириш, жадаллаштириш, жамият

манфаатлари йўналишига буриш борасида ҳам муайян ташкилий ишларни амалга оширди.

Мустақиллик йилларида бевосита фалсафа йўналишида хизмат қилаётган мутахассисларнинг китоб ва рисолалари, қатор муаллифларнинг «Фалсафа» номли қўлланмалари бир неча бор нашр қилинди. Шу билан бирга, «Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар». - Т.: Файласуфлар миллий жамияти, 2004; «Ғарб фалсафаси». - Т.: Файласуфлар миллий жамияти, 2005; «Ҳуқуқ фалсафаси». - Т.: Университет, 2005; «Билиш фалсафаси». - Т.: «Университет», 2005; «Фалсафа». - Нукус, 2008; «Фалсафа асослари» (альбом схема) - Т.: 2009; «Фалсафа ва фан методологияси» (2008); «Қадриятлар фалсафаси» (2011); «Гносеология ва билиш назарияси» (2011); «Фалсафа» ўқув-услубий мажмуаси (2012), «Ғоялар фалсафаси» (2012); «Фалсафа асослари» (2012) каби дарслик ва ўқув қўлланмалари билан бирга «Фалсафа: қомусий луғат» (2004); «Фалсафа: қисқа изоҳли луғат» (2005); «Маънавият: асосий атамалар луғати» (2010) нашр этилди.

Истиклол даврининг меваси бўлган «Тафаккур». «Ижтимоий фикр», «Фалсафа ва ҳуқуқ» ҳамда ўз анъаналарига эга бўлган «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» журналлари барча гуманитар фанлар қатори, фалсафий билимларни тарғиб ва ташвиқ қилишнинг муҳим воситасига айланди.

Истиклол йилларида Ўзбекистонлик фалсафа мутахассисларининг жаҳон ҳамжамияти файласуфлари билан самарали ҳамкорлик қилиши учун шароит вужудга келди. Мамлакатимиз вакиллари сўнгги йилларда Туркия (2009 йил), Жанубий Корея (2011 йил) ва 2013 йилда Греция пойтахти Афина шаҳрида бўлиб ўтган Файласуфлар бутун жаҳон конгрессларида иштирок этдилар. Бу борадаги халқаро ҳамкорлик алоқалари кенгайиб бормоқда.

Бу мисоллар ҳозирги даврда бу борада ҳам ижод ва янгиланиш, самарали изланишлар ва тадқиқотлар олиб бориш, юксак малакали ва иқтидорли кадрлар тайёрлаш учун шарт-шароитлар яратилгани ва энг асосийси, жамиятда бунга тўла-тўқис имконият мавжудлигини яққол кўрсатиб турибди. Маънавий-ахлоқий, руҳий-жисмоний етук ва фаол шахсгина жамият тараққиёти мазмунини, давлатнинг истиқбол йўлини, шахс - жамият - давлат манфаатларининг уйғунлигини тўғри тушунади, шу йўлда ҳормай-толмай меҳнат қилади. Ҳозирги даврдаги туб ўзгаришлар жараёнининг таҳлили асосида ҳам бу жараённинг ижобий хусусиятларини англаш мумкин. Мамлакатимизда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» бунга асос бўлди.

Бу борада келажаги буюк давлат, фуқаролик жамияти ҳақида, унга босқичма-босқич ўтиш жараёни, янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг қарор топа бориши, комил инсонни вояга етказиш давр талаби экани каби дастурий вазифаларнинг ҳаётийлиги тўғрисидаги ғояларни ёшлар қалби ва онгига муттасил сингдириб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда ушбу йўналишда ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, фалсафий фанлар ривожини замон талаблари даражасига етказиш борасида ғоят масъулиятли вазифалар

турибди. Бугунги кунда сиёсий, мафкуравий ва маънавий соҳалардаги тараққиёт вазифалари ўзаро уйғунлашиб бормоқда, таъсир доираси кенгаймоқда. Айниқса, миллий маънавият борасидаги назарий фаолият ва илмий тадқиқотлар доирасини кенгайтириш, тарғибот ва ташвиқотни ҳар томонлама кучайтиришга алоҳида аҳамият бериш заруратга айланиб бормоқда. Ушбу вазифаларни самарали адо этиш эса, бу борадаги имкониятларни амалий ишга айлантиришда ҳар биримиз ўз масъуллигимизни қай даражада сезишимиз ва қандай фаолият юритишимизга кўп жиҳатдан боғлиқ албатта.

Истиқлол туфайли якка мафкура сиртмоғидан қутилган ва энг юқори даражада эътибор берилаётган бугунги ўзбек фалсафасида «Фалсафа тарихи», «Онтология» ва «Гносеология», «Ижтимоий фалсафа», «Мантик», «Этика», «Эстетика», «Маданиятшунослик» каби анъанавий йўналишлар билан бирга, «Маънавият фалсафаси», «Инсон фалсафаси», «Қадриятлар фалсафаси», «Фан фалсафаси», «Ғоялар фалсафаси», «Сиёсат фалсафаси», «Хуқуқ фалсафаси», «Дин ва ҳурфикрлик фалсафаси» сингари соҳаларда ҳам кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда. Кейинги йилларда улар каторига «Иқтисод фалсафаси», «Ислохотлар фалсафаси», «Ахборот фалсафаси» каби замонавий йўналишлар ҳам қўшилмоқда.

Мазкур йўналишларнинг ҳар бири махсус мавзулари, муаммоларнинг долзарблиги, уларнинг ўзаро боғлиқлиги, тавсифи ва таҳлилининг ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Шу билан бирга, мазкур йўналишларга доир китоб ва рисолалар, ўқув ва ёрдамчи адабиётлар, тадқиқот ва изланишлар бир бутун ўзбек фалсафасининг ҳозирги қиёфасини ифодалайди. Ҳар бир йўналиш бўйича бу борадаги долзарб масалалар ва вазифаларни аниқлаш имконини беради.

Фалсафа, ҳамма замонларда бўлгани каби, бугунги кунда ҳам ижтимоий тафаккур, жамият дунёкараши ва маънавий тараққиёт маҳсулидир. У кишиларнинг оламини билиш, ўзлаштириш, фаровон ҳаёт кечириш ва ўз инсоний салоҳиятларини намоён этиш эҳтиёжлари сингари кўплаб омиллар билан узвий боғлиқ. Фалсафий таълимотлар барча даврларда инсониятнинг илғор тажрибаларини ўзида мужассамлаштирган ва жамият маданиятини янада кўсакроқ босқичга кўтаришга хизмат қилган. Ҳар бир фалсафий ғоя ва мафкура, назария ва билимлар тизими асосан ўз даври хусусиятларини акс эттирган. Улар замон руҳи ва маънавиятини ўзида мужассамлаштирган давр муаммоларини ҳал этишда қўл келган.

Бу соҳада олиб борилаётган тадқиқотлар орасида *фалсафа тарихи* масалалари алоҳида ўрин эгаллайди. Зеро, ҳаққоний ёритилган тарих миллий фалсафани шакллантиришдаги асосий манба бўлиб хизмат қилади. Тарихни билмай туриб, фалсафанинг таянч негизларини англаб бўлмайди. Чунки фалсафий асослар ўз даврида тарихий ҳақиқат туфайли туғилган. Тарих ва фалсафа мантиқий равишда бир-бирини тақозо этадиган, тўлдирадиган, тараққиёт жараёнлари ҳақида яхлит тасаввур берадиган, оққорани фарқлашда асос бўладиган фанлардир. Афсуски, кўпгина

қўлланмаларда у ёки бу файласуфнинг таълимотига алоҳида эътибор берилади, у ҳақда фикр юритилади. Аммо ўша давр қандай эди, нима сабабдан муайян олим айнан шу ғояни илгари сурган, нега умрини бирор-бир таълимотни тарғиб этиш билан ўтказган, деган масалаларга кам эътибор берилади. Аслида, давр ҳар қандай файласуф камолотида муҳим ўрин тутади, унинг ғоялари туғилиши учун иқтисодий-сиёсий асос ва бу ғоялар қўлланадиган ижтимоий амалиёт бўлиб ҳисобланади. Агар масала бу тарзда кўйилмаса, фалсафий таълимотларнинг ўз даврини акс эттирадиган моҳият-мазмунига путур етади, айниқса ўша давр муаммоларини ижтимоий макон ва тарихий замондан ажратиб таҳлил қилиш натижасида фалсафанинг миллийлик руҳи, хусусиятлари хиралашади.

Истиқлол даврида фалсафа тарихи, унинг такомил босқичлари, аллома боболаримизнинг фалсафий мероси билан боғлиқ бундай муҳим масалаларга О.Файзуллаев, М.Хайруллаев, Ҳ.Алиқулов, У.Уватов, Б.Тураев, Р.Носиров, М.Қодиров, А.Шарипов, А.Зоҳидов, Г.Наврўзова, Ш.Мадаеваларнинг асарлари ва тадқиқотлари бағишланган. Бу мавзуда узоқ йиллар давомида ЎзФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти «Фалсафа тарихи» бўлими ва ЎзМУнинг шу йўналишдаги кафедраси мутахассислари тадқиқотлар олиб борганлар. Шу билан бирга «Маънавият юлдузлари» (2001), «Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар» китоблари, Имом Бухорий халқаро маркази томонидан чоп этилаётган «Ўзбекистон буюк алломалар юрти» тўплами ва «Мутафаккирлар» номли илмий-оммабоп китобчалар (Таҳрир ҳайъати: У.Уватов, А.Ҳасанов, Б.Тураев, Қ.Назаров, А.Очилдиев, М.Қаршибоев, О.Юсупов, Н.Жабборов, А.Мухторов) туркуми бу йўналишдаги саъй-ҳаракатлар натижасидир.

Фалсафий ғоялар ва таълимотларнинг инсоният тараққиётида тутган ўрни, жамият ва шахс ҳаётидаги аҳамияти нимадан иборат, деган масалалар ҳамма даврларда бўлгани каби, ҳозир ҳам долзарблигини сақлаб қолмоқда. Айниқса, тарихий тараққиётнинг туб бурилиш даврларида, хусусан истиқлол туфайли халқимиз ҳаётида рўй бераётган бугунги туб ўзгаришлар жараёнида фалсафа тарихининг асл мазмун-моҳиятини ва аҳамиятини чуқур билиш, унинг усул ва ғоялари кучидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Фалсафанинг кўплаб соҳалари ва турли йўналишлари орасида «*Онтология*» ва «*Гносеология*» муҳим ўрин эгаллайди. Ўз ўрни ва аҳамиятига кўра асл фалсафани ўрганиш айнан онтология ва гносеологиядан бошланади. Шунинг учун ҳам ўтмишда яшаган файласуф ва мутафаккирлар ижодида борлиқ ва мавжудлик, коинот ва олам, ботинийлик ва зоҳирийлик, онг, тафаккур, билиш, ҳақиқат, материя ва ҳаракат, макон ва замон, чеклилик ва чексизлик, инсон ва жамият борлиғи билан боғлиқ масалаларга алоҳида аҳамият берилган. Фалсафа тарихида ушбу соҳага доир турли оқимлар ва йўналишлар шаклланган. Борлиқ ва билиш билан боғлиқ серқирра муаммолар барча даврларда фалсафанинг асосий мавзуларидан бири бўлиб келган турли фалсафий мактаблар, оқимлар ва йўналишлар вакиллари тафаккурига таъсир кўрсатган.

Бу мавзу оламнинг дастлабки умумий асосларини англаб етмокчи бўлган

ёки юз бераётган воқеа-ҳодисаларнинг хусусий жиҳатлари ва ранг-баранглигини тушунишга ҳаракат қилган барча файласуфлар учун бир хил қизиқиш уйғотади. Борлиқ ва билишнинг моҳиятини, хусусан унинг чексизлиги ва инсон ҳаётининг унга боғлиқлигини ўрганиш ҳозирги даврда ҳам фалсафанинг асл мазмун-моҳиятини ифодаловчи масалалардан биридир. Фалсафанинг анъанавий йўналишлари бўлган онтология ва гносеология, фан фалсафаси ва методологияси билан боғлиқ бу масалалар М.Абдуллаева, Б.Тўраев, Б.Каримов, Р.Имомалиева, Ж.Раматов, З.Давронов, Ш.Қўшоқов, И.Тўхтаров, З.Қодирова, К.Туленова, Н.Шермухамедова, Х.Саломова, Г.Туленовалар томонидан тадқиқ қилинмоқда. Уларнинг чоп этилган асарлари ва амалга оширилаётган изланишларида ана шу йўналишнинг долзарб масалаларига эътибор қаратилган.

Бу соҳадаги муаммолар кўлами ва аҳамияти жиҳатидан умуминсоний ва ҳар бир шахс учун ўзига хос аҳамият касб этади. Умуминсоний маънода башарият ва борлиқнинг умумий ва энг глобал масалаларига кўпроқ эътибор қаратилади. Дунёда умумбашарий муаммолар кўпайиб, экологик танглик тобора кучайиб бораётган ҳозирги даврда борлиқ билан боғлиқ масалалар кўп жиҳатдан муаммоли бўлиб қолди. Ерда ҳаёт сақланиб қоладими, бирон-бир оламшумул фалокат рўй бериб, Ернинг ўзи сайёра сифатида йўқолиб кетмайдими, инсониятнинг келажаги қандай бўлади, деган саволлар бутун дунёда яшаётган кишиларни ташвишга солмоқда. Ҳалигача бу борада барча саволларга тўлиқ жавоб берадиган, ҳамма томонидан тўла-тўқис ва мутлақ ҳақиқат тарзида эътироф этилган умумий назария ёки таълимот йўқ. Яшаш ва ўлим, инсоннинг борлиги, ҳаётнинг мазмуни, умрнинг интиҳоси билан боғлиқ қарашлар тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин. Бу ёруғ оламда яққа ва ёлғизизми ёки бошқа дунёлар ва бошқачароқ ҳаёт ҳам борми, деган саволларга ҳам тўла-тўқис жавоблар йўқ. Инсоният қанчалик кўп билимларга эга бўлмасин, бу соҳада саволлар камайиб бораёпти, одам зоти уларга берилаётган жавоблардан тўла-тўқис қониқаяпти, дейиш учун ҳам асослар етарли эмас. Шундай бўлсада, ҳар бир авлод ана шу масалаларга жавоб қидиради, уларга ўзича ёндашади, қандайдир хулосаларга келади, улар асосида ҳаёти ва фаолиятини ташкил этишга, ўз билимлари доирасини янада кенгайтиришга ҳаракат қилади.

Шу маънода, бугунги кунда мазкур йўналишда борлиқ ва унинг шакллари, ривожланиш фалсафасининг назарий ва амалий масалалари, Ўзбекистон таракқиётининг асосий тамойиллари ва улар билан боғлиқ фалсафий масалалар, билиш фалсафасининг анъанавий ва замонавий муаммолари, истиклол йилларида жамият ҳаёти, маънавияти, фуқаролар онги ва тафаккурида рўй берган ўзгариш ва янгиликлар, фан фалсафаси ва методологиясининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳозирги даврда *«Ижтимоий фалсафа»* йўналишига доир фалсафий масалалар таҳлили ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу борада ижтимоий фалсафий фикрлар ривожига доир қарашлар тарихининг асл дурдоналари нафақат Ғарб, балки Шарқда яратилгани, юртимиз цивилизациясининг улкан ҳиссаси

жахон маданиятини энг буюк ютуқлари сифатида муқаррар суръатда эътироф этилиши бугунги даврнинг асосий ҳақиқатларидан биридир. Ижтимоий фалсафа масалалари ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам у ёки бу олим ёки мутахассис яшаган давр, уни ўраб турган ижтимоий муҳит жараёнлари ва воқеалари билан алоқадорликда узвий боғлиқликда изоҳланади. Ўтмишнинг буюк ақл эгалари у ёки бу мавзуга кўпроқ эътибор берганликлари тасодифий эмас, балки зарурдир. Улар «давр тарозиси» тамал тошларини қўйган, замона зайлларига таъсир кўрсатадиган, кишилар учун юксак ижтимоий-маънавий мезонлар мавқеига эга бўлган тушунча ва категорияларни шарҳлаганлар, таҳлил қилганлар ёки уларни амалга ошириш йўлларини изоҳлаб берганлар. Халқимиз ўтмишига хос ижтимоий фалсафий фикрлар ривожини масаласи эса бир неча алоҳида тадқиқотлар учун мавзу бўлишга арзийди.

Бугунги кунда халқимиз танлаб олган тараққиёт моделининг моҳияти, мустақилликнинг сермашаққат йўли, уни босқичма-босқич мустаҳкамлаш, бу жараёнга хос қонуниятлар ва хусусиятларни чуқур ўрганиш ижтимоий фалсафа соҳасидаги устувор мавзунини ташкил қилади. Бу эса юртимизда истиқлол йилларида ижтимоий фалсафий мавзуларни илмий тадқиқотлар ва маърифий жараёнларнинг махсус йўналишига айланиши учун эҳтиёж пайдо бўлганидан далолат беради.

Мустақиллик бошқа соҳалар каби мазкур мавзунини ижтимоий фалсафа доирасида чуқур ўрганиш учун ҳам кенг имкониятлар яратди. Бу йўналишда истиқлол йилларида ЎзМУнинг «Ижтимоий фалсафа» кафедраси, ЎзФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти «Ижтимоий фалсафа» бўлими ва Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти мутахассислари тадқиқотлар олиб бордилар. А.Валиев, Т.Шарипов, Ё.Тоиров, М.Абдуллаев, А.Чориев, А.Жалолов, И.Соифназаров, Б.Тўйчиев, С.Мамашוקиров, ЎАбилов, М. Холматова, Д.Норқулов, Қ.Назаров, А.Очилдиев, Ш. Мамадалиев, Ф.Мусаев, Ф.Турғунбоев ва бошқаларнинг изланишлари ушбу мавзуларга бағишланган.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда шаклланаётган ижтимоий-фалсафий тушунча ва томоийлар тизимининг истиқболдаги манзараси ва унда умуминсоний, миллий, демократик қонуниятларнинг уйғунлашуви мавзуини ҳам ниҳоятда долзарбланишмоқда. Мамлакатимизнинг халқаро андозалар ва миллий анъаналарга таянадиган демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан бораётганлиги бу жараённинг ижтимоий-фалсафий масалаларини чуқур ўрганишни талаб қилмоқда. Бу эса, аҳолининг турли қатламлари, айниқса ёш авлоднинг қалби ва онгига истиқлол ғояларини, жамиятимизда рўй бераётган туб ўзгаришлар ва ислохотларнинг моҳиятини, Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини сингдириш масалалари ниҳоятда долзарб вазифага айланаётганидан далолат беради.

Бугунги кунда «*Маънавият фалсафаси*» янги йўналиш сифатида шаклланиб бормоқда, замонавий ўзбек фалсафасининг таркибий қисми ва илмий изланишларнинг тадқиқот объектига айланмоқда. Бу борада таъкидлаш жоизки, кўпчилик мутахассислар аксарият фанларнинг номлари четдан кириб келишига ўрганиб қолган. Аммо «Маънавият фалсафаси»

билан боғлиқ Ўзбекистондаги амалиёт бундан кескин фарқ қилади. Бу борада бизнинг мамлакатимизда мустақил фаннинг шаклланиши учун барча назарий ва методологик асослар яратилган. Биринчи Президентимизнинг асарлари, айниқса «Юксак маънавият - енгилмас куч» китоби шу соҳадаги асосий манба ҳисобланади. Ушбу йўналишдаги фанларни таълим тизимида жорий этиш бўйича муайян тажриба ҳам тўпланди.

Зеро ўтган асрнинг 90 йилларидан бошлаб «Одобнома», «Ватан туйғуси», «Маънавият асослари» каби фанлар таълим тизимида жорий этилди, «Миллий истиқлол ғояси» фани яратилди. Бу соҳада бакалаврлар ва магистрлар тайёрланмоқда, қатор олий ўқув юртларида кафедралар ташкил қилинган, ўқув дастурлари ва мажмуалар тайёрланган. 2019-2020 ўқув йилидан бошлаб ушбу фанлар умумлаштирилиб, «Тарбия» фани жорий этилди. «Маънавият ва янгиланаётган жамият» рукнида рисолалар туркуми, ҳажми 63 босма табоқдан иборат «Маънавият: асосий атамалар луғати» чоп этилди, «Маънавиятшунослик бўйича ИЗОҲЛИ кўргазмали воситалар», «Маънавият асослари» амалий машғулотлар тўплами, «Маънавий жасорат соҳиблари» рукнида китоб ва рисолалар тайёрлаш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Х.Шайхова, А.Бегматов, С.Отамуродов, М. Имомназаров, М. Абдурахмонов, Қ.Назаров, В.Алимасов, А.Мухторов, Т.Алимардонов, Ф.Равшанов, В.Кўчқоров, Ш.Тўраевларнинг тадқиқот ва изланишлари фалсафанинг ана шу йўналишига доир мавзуларга бағишланган.

Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясининг қайд этилган мақоласида таъкидлангани каби, мустақиллик туфайли «Социология» фанини ривожлантириш имконияти туғилди. У ҳозир жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Илк марта Тошкент Давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг фалсафа-иқтисод факультети ҳузурида 1989 йилда социология бўлими ташкил этилди ва 25 та талаба қабул қилинди. Биринчи социология факультети эса 1990 йил Фарғона педагогика институти (ҳозирги Фарғона университети)да ташкил этилиб, асосан амалий йўналишларга ихтисослашган мутахассислар тайёрлана бошланди. Кейинчалик Самарқанд университети, Нукус университети ва Бухоро университетларида социология бўлимлари очилди. 2000 йилга келиб барча олий ўқув юртларининг 3-босқич талабаларига социология фани ўқитиладиган бўлди. Шунингдек, айрим олий ўқув юртларида ихтисослик асосида социологиянинг тармоқ йўналишлари ҳам ўқув дастурларидан ўрин олди. Жамоатчилик фикрини ўрганишнинг бугунги ахборотлар дунёсида катта аҳамият касб этишини инобатга олиб, 1997 йили «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ташкил этилди. Марказда ҳар йили ўндан ортиқ мавзуда социологик тадқиқотлар олиб борилади. Уларни ўтказишга республиканинг тажрибали амалиётчи мутахассислари - О.Отамирзаев, М.Ҳожимуҳамедов, Ў.Қаюмов, И.Аъзамхўжаевлар жалб қилинган. Бугунги кунда кўплаб талаба, тингловчи ва аспирантлар ҳам марказ томонидан ўтказиладиган амалий тадқиқотларда иштирок этмоқда.

Мустақиллик йилларида социология соҳасида малакали мутахассислар етишмоқда, бир неча тадқиқотчилар диссертациялар химоя қилди.

Мамлакатда бу фаннинг методолик муаммоларини изчил ёритиб бораётган «Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари» журнали ўзбек, рус ва инглиз тилларида нашр этилмоқда. Ўзбекистонда бир неча илмий муассасалар (ЎЗМУ, Ўзбекистон ФА, вилоятлардаги университетлар) да назарий ва амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ижтимоий жараёнларни моделлаштириш (Н.Алиқориев), жамоатчилик фикрини ўрганиш (Р.Убайдуллаева), демографик жараёнларни тадқиқ этиш (О.Отамирзаев) йўналишларида илмий ишлар қилинган, миллий менталитет (М.Бекмуродов), тафаккур тарзи (Б.Фарфиев), маҳалла феномени (К. Калонов) ўрганилмоқда. Мутахассислар социологиянинг турли йўналишлари (назарий социология - Р.Т. Убайдуллаева; меҳнат социологияси - Қ.Абдурахмонов; экологик социология - А.Қаҳҳоров; дин социологияси - М. Ғаниева; сиёсий социология - А.Холбеков) бўйича муайян ишлар қилдилар. Ўзбек ҳамда рус тилларида социологияга оид бир қанча қўлланма ва дастурлар чоп этилди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг миллий ахлоқий кадриятлар, урф-одатлар, анъаналар жамиятда ўз ўрнини эгаллагач, «*Этика*» фани ҳам тараққиёт йўлига кирди, этика тарихи ва назариясига доир тадқиқотлар эълон қилинди (Й.Жумабоев, «Ўзбекистонда фалсафа ва ахлоқий фикрлар тараққиёти тарихидан»; Э. Юсупов ҳаммуаллифликда «Одамийлик сабоқлари», Х.Шайхова «Маънавият - комиллик мезони»), олий ўқув юртлари талабалари учун «Ахлоқшунослик» (А.Шеров) дарслиги яратилди. Бугунги кунда Ўзбекистон олий ўқув юртлари этика соҳасида 5 та фан доктори ва 15 дан ортиқ фан номзоди иш олиб бормоқда. Ўзбекистон Миллий университетида «Этика ва эстетика кафедраси» фаолият кўрсатмоқда. Унда этика йўналиши бўйича магистратура ва докторантура мавжуд. Барча олий ўқув юртларида этика фани «Ахлоқшунослик» номи остида ўқитилади. Х.Шайхова, Ҳ.Аликулов, Ў.Абилов, Н.Ҳакимов, Д.Норқулов, А.Шеров, Ў.Жалолова, Ш.Содиқоваларнинг изланишлари шу йўналиш билан боғлиқ масалаларга бағишланган. Ахлоқий тафаккурнинг ривожланиш тарихи ва назарияси, этиканинг умуминсоний тамойиллари ва миллий хусусиятлари, инсоният маънавий камолотига катта таъсир кўрсатган алломалар ва мутафаккирларининг ахлоқий қарашлари, халқимизнинг ахлоқий кадриятлари, уларнинг маънавий тараққиётимиздаги ўрни ва аҳамияти, адолат ва одиллик ҳақидаги ғояларнинг маънавий-ахлоқий асослари; аҳолининг турли катламлари, айниқса ёш авлоднинг ахлоқий маданиятини шакллантириш муаммолари бу борадаги асарлар ва изланишларнинг асосий мавзусига айланган.

Мустақиллик даврида «*Эстетика*» йўналишидаги фалсафий тадқиқотларга ҳам эътибор кучайди. Эстетик маданият (М.Абдуллаев), эстетик кадриятлар (Т.Маҳмудов), эстетика тарихи (А.Қурбонмамедов) борасида илмий ишлар эълон қилинди. Бу йўналишга доир мавзулар муаммолари Т. Маҳмудов, М.Нурматов, Э.Умаров, А.Қурбонмамедов, М.Нурматова, А.Шеров, Б.Хусанов, Л.Муҳамадиева ва бошқаларнинг асарлари ҳамда тадқиқотларининг мазмун-моҳиятини белгилайди. Эстетика

тарихи ва назарияси, эстетиканинг умуминсоний қонуниятлари ва халқимизга хос миллий хусусиятлари, инсон умри ва ҳаётининг эстетик мазмуни; жамият соҳалари ва ижтимоий фаолият йўналишларига хос эстетик кадриятлар, меъморчилик ва дизайн санъатида умумийлик ва хусусийлик диалектикаси, социомаданий жараёнлар эстетикасининг замонавий жиҳатлари, санъат, театр ва бадиий ижод шакллари эстетик тамойиллари, аҳоли, айниқса ёшларда эстетик маданиятни шакллантириш ва эстетик тарбиянинг долзарб масалалари ушбу йўналишдаги изланишларнинг асосий мавзусидир.

Мамлакат олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот институтларида бу йўналишда 2013 йилда 6 та фан доктори, 25 дан ортиқ фан номзоди фаолият кўрсатди. Эстетика фани республиканинг барча олий ўқув юртлари, академик лицейлари ва коллежла-ри ўқув режаларидан қатъий белгиланган соатлар ҳажмида ўрин олган. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети “Ижтимоий фанлар” факультетида эстетика йўналиши бўйича магистратура ва докторантура фаолият кўрсатиб келмоқда. Мамлакатда фуқароларнинг эстетик тарбиясини юксалтиришга, уларнинг эстетик диди ва эстетик эҳтиёжини шакллантириш ҳамда тараққий эттиришга қаратилган маънавий-маърифий ишлар, турли тадбирлар мунтазам ўтказилиб борилаётган.

Ўзбекистонда «*Мантиқ*» илми билан боғлиқ мавзулар тарихи олис ўтмишдан бошланади. Истиқлол йилларида М.Хайруллаев, М.Ҳақбердиев, И.Раҳимов, М.Шарипов, Д.Файзихўжаева, М.Қодиров, С.Муталибов, А.Имомхўжаева, М.Болтаевлар мантиқ фани, унинг тарихи, назарияси ва амалиётига оид илмий ишлар қилишган. Сўнгги йилларда бу соҳани ўрганишга катта эътибор берилмоқда. М.Хайруллаев ва М.Ҳақбердиевларнинг «Мантиқ» китоби, И.Раҳимовнинг «Мантиқ» дарслиги, М.Шарипов ва Д. Файзихўжаевларнинг «Мантиқ» ўқув қўлланмаси нашр этилди. Республикада мантиқшунос мутахассислар ЎЗМУнинг “Ижтимоий фанлар” факультетида тайёрланади. Шу факультетдаги «Фалсафа тарихи ва мантиқ кафедраси» республикада мантиқшунос мутахассисларни тайёрловчи таянч кафедра ҳисобланади.

Мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши ва уни мустаҳкамлаш билан боғлиқ туб ислохотлар бошқа соҳалар қатори маданиятнинг мазмун-моҳияти, жамият ҳаёти ва тараққиётидаги ўрни ва ролини чуқур ўрганиш, унинг ижтимоий функциялари ва амалий аҳамиятини янада равшанроқ аниқлашни давр талабига айлантирди. Айнан ана шу зарурат «*Маданият фалсафаси*» доирасидаги мавзуларни янада долзарблаштирди ва ушбу йўналишдаги изланишлар кўламини кенгайтди. Бу масалалар Қ.Хоназаров, С.Шермухамедов, М.Бекмуродов, М.Жакбаров, А.Очилдиев, Ш.Саматов, С.Чориев, Г.Шерматова, А.Йўлдошев, С.Аъзамхўжаевларнинг асарлари ва тадқиқотларида алоҳида аҳамият касб этган. Улар томонидан маданият назарияси ва амалиётининг фалсафий масалалари, инсон, жамият ва маданиятнинг ўзаро нисбати, уларнинг ўзаро боғлиқлик ва ҳамкорлик қонунлари, тамойиллари ва мўлжаллари, маданиятнинг тарбиявий вазифаси

ва юксак маданиятли авлодни камолга етказиш ҳақидаги мавзулар ёритилган. Бу борадаги ёндашувлар, методлар, муаммо ва масалалар, устувор йўналиш ва долзарб вазифаларга эътибор қаратилган.

Бугунги кунда давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги ислохотлар, жамиятни ривожлантириш эҳтиёжлари, мамлакат олдида турган долзарб вазифалар ва мақсадларни амалий рўёбга чиқариш, шунингдек кўплаб муаммоларни назарий жиҳатдан ҳал этиш заруратидан юзага келган **«Сиёсат фалсафаси»** йўналиши ҳам ўз ўрнига эга. Т.Жўраев, А.Бегматов, А.Қодиров, И.Эргашев, С.Отамуродов, Н.Ҳакимов, А.Мўминов, Н.Жўраев, Р.Жумаев, В.Йўлдошев, Ж.Яхшиликков ва бошқаларнинг тадқиқотларида ана шу йўналишга доир масаларга эътибор берилган. Улар томонидан мамлакатимиз мустақиллиги ва миллий тараққиёт модели, ислохотлар сиёсати; демократия ва шахс; жамиятни демократлаштиришнинг назарий ва амалий муаммолари; шахснинг сиёсий қиёфаси ва ижтимоий адолат, бозор шароитларида сиёсат назарияси ва амалиёти муаммолари, миллаглар ва миллий муносабатлар, кадрлар сиёсати, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш билан боғлиқ кўплаб мавзулар тадқиқ қилинмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда **«Ҳуқуқ фалсафаси»** йўналишига доир масалалар М.Раҳмонқулов, Ҳ.Бобоев, С.Абдухолиқов, Ҳ.Одилқориев, Ш.Мамадалиев, Ф.Мусаев, Х.Ҳайдаров, М.Қаҳҳоров, А.Қаҳҳоров, М.Қирғизбоев, Р.Рўзиев каби фалсафа, ҳуқуқ ва бошқа соҳалар мутахассисларининг изланишларида ўз аксини топган. Бу борада ҳуқуқшунослик назарияси ва амалиётининг фалсафий масалалари, инсон кадрлари, ҳуқуқи ва эркинликлари; Ўзбекистон конституциясининг мазмун-моҳияти ва фалсафий аҳамияти; ислохотларнинг ҳуқуқий асослари, ҳуқуқда миллий ва умумбашарий тамойиллар, фалсафа ва ҳуқуқ ўртасидаги муносабатлар, ҳуқуқий кадрлар ва уларнинг амалиёти каби мавзуларга эътибор қаратилмоқда.

Мустақиллик йилларида юртимизда қонун устуворлиги таъминланадиган ҳуқуқий демократик давлат ва дунёвий жамият қурилиши энг устувор вазифага айланди, динга нисбатан сиёсат «Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда», «Дунёвийлик даҳрийлик эмас» каби Президентимиз томонидан белгилаб берилган тамойиллар асосида амалга оширилмоқда. Бу даврда динга янгича қараш ва муносабат билдириш имконияти туғилди. Натижада биз учун янги бўлган **«Диншунослик»** фани қирралари очила бошлади. Бу фан илгариги атеизмдан фарқли ўлароқ динни танқид қилиш, уни жамиятдан йўқотиш мақсадида эмас, балки унга миллий маънавиятнинг бир бўлаги сифатида ёндашиб, уни ҳолисона ўрганишни ўз олдига вазифа қилиб қўяди. Ушбу фанни ўқитишдан мақсад миллий ва диний кадрларнинг тарихан муштараклиги, уларнинг умуминсоний кадрлар ила уйғунлиги, бу кадрларнинг ҳозирги мустақил Ўзбекистон шароитидаги аҳамиятини янада аниқроқ ёритиб бериб, талабаларда динга нисбатан тўғри ёндашувни шакллантириш ва жамият учун юксак маънавиятли кадрларни тарбиялашдан иборат. Маънавият ва дин масалаларига муносабат тубдан ўзгарган ҳозирги даврда бу жараён билан

боғлиқ мавзулар А.Ортиқов, А.Абдусамедов, Н.Комилов, И.Жабборов, И.Хўжамуродов, Т.Оқмуродов, Иброҳим Каримов, М.Нуритдинов, М. Ражабова, Т.Тошланов, И.Худойбердиевларнинг диссертация, китоб ва кўлланмалари ҳамда тадқиқотларида ўз аксини топмоқда. Бу борада динлар тарихи ва назарияси, диншунослик ва ҳурфикрлилик асослари; ижтимоий тараққиёт ва дин феноменининг онтологик, гносеологик, психологик ва социологик хусусиятларининг фалсафий таҳлили, ҳозирги шароитда ўзбек халқининг турмуш тарзида диний бағрикенглик ва ижтимоий ҳамкорлик туйғуларининг шаклланиш хусусиятлари; ислом дини ва фалсафаси, тасаввуф ва комил инсон; диний ақидапарастлик ва террорчиликка қарши кураш масалаларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу йўналишда турли китоб, рисола, маълумотномалар, дарслик ва ўқув кўлланмалари чоп этилмоқда.

«Экологиянинг фалсафий муаммолари» йўналиши мавзуларига С.Мамашокиров, Э.Ҳошимова, Ю.Шодиметов, С.Сангинов, А.Бердимуротова каби олимларнинг илмий ишлари бағишланган. Уларнинг тадқиқотларида экология тарихи ва назариясининг фалсафий хмасалалари, инсон ва табиат, жамият ва биосфера, ижтимоий экология, экологик бўҳроннинг фалсафий-методологик таҳлили ва экологик хавфсизлик муаммолари, экологик муаммоларни ҳал этишда халқаро ҳамкорлик, илмий-техник тараққиёт ва экологик таълим масалаларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳозирги замон фалсафа ва фан тараққиёти замонавий билимларни шакллантиришга хизмат қилувчи янги парадигма ва методларга катта эҳтиёж сезмоқда. Бу борада синергетиканинг табиий-фалсафий ва ғоявий асосларини таҳлил қилиш. муқаррар равишда, унинг шаклланиши ҳамда намоён бўлиш хусусиятларини ўрганишни тақозо этади. Синергетика нафақат тафаккурга янги маъно-мазмун олиб кирди, балки, онтологизм, гностицизм, позитивизм, редукционизм, релятивизм, постмодернизм ғоялари такомилга ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Шунингдек ундан табиат, жамият, инсон, маънавий-эстетик муҳит, информацион ва техноген фаолиятни янгича тасвирлаш, таҳлил қилиш, уларни гуруҳларга ажратиш. кузатиш, талкин қилишга доир интегратив тадқиқот методларини кўллашда самарали фойдаланиш мумкин.

Бугунги кунда илмий жамоатчилик фанлараро тадқиқот соҳаси сифатида вужудга келган ушбу янги илмий йўналиш ва ундаги изланишлар билан боғлиқ масалаларини қизгин ва кенг муҳокама қилмоқда. Бу муҳокамаларда махсус фанлар - математика, физика, кимё, биология, иқтисодиёт ва бошқа фан вакиллари билан бир қаторда файласуфлар ҳам қатнашмоқда. И.Рахимов, М.Усмонов. Ш.Қахҳорова, Д.Бозоров, М.Ниязимбетовларнинг изланишлари **«Синергетика»** фанига доир турли мавзуларга бағишланган. Бу йўналишда ҳозирги кунгача олиб борилган илмий изланишларга асосланиб таъкидлаш жоизки, синергетика замонавий тадқиқот соҳаси, фалсафа ва фаннинг шу кунгача шаклланган кўпгина муаммоларини қайтадан таҳлил қилиш имконини берадиган янги

методлардан бирига айланди.

Замонавий ўзбек фалсафаси олдида ниҳоятда масъулиятли ва долзарб вазибалар турибди. Аввало, аждодларимиз яратган бой ва ўлмас фалсафий мероснинг босқинчи ва истилочилар томонидан унутилишга ёки йўқотишга ҳаракат қилинган жиҳатларини тиклаш, келажак авлодларга омон-эсон етказиш масалалари муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу эса, барчамизнинг зиммамизга тарихимиз каби қадим, маънавийтимиз каби теран қадрият бўлган ўзбек фалсафасини янада мукаммаллаштириш, уни давр талабларига мос, замонавий фан йўналишига айлантириш борасида фаол ва омилкор бўлиш масъулиятини юклайди.

Фалсафий тафаккур янгилиниши тақозо этадиган энг муҳим жараёнлардан яна бири инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари билан боғлиқ бўлиб, бу - Асосий қонунимизда му жассам этилган қоидалар, мақсад ва ғояларни амалга ошириш йўлида хизмат қилишдир. Шу ўринда қабул қилинаётган қонун ва ҳужжатларнинг асл моҳиятини, уларда баён қилинган ғоя, хулосалар, тақлифларни кенг халқ оммаси онгига етказиш бениҳоя муҳим ва долзарб эканини таъкидлаш жоиз. Чунки ҳуқуқий жамият, фалсафий тафаккур ва баркамол инсон тушунчалари ўзаро боғлиқ. Маданий бозорни ҳам, маънавий соғлом жамиятни ҳам ана шундай кишилар ярата олади. Уларни вояга етказмай туриб, жамиятдаги янгилинишнинг асосий йўналишларини амалга ошириш тўғрисида фикр юри- тиш қийин. Шу боис, ўз халқи тарихини, миллий давлатчилик ва бошқарув маданияти анъаналарини яхши биладиган, миллий ғурури юксак авлодни тарбиялаш муҳим вазифамизга айланди.

Дунё глобаллашиб бораётган ҳозирги замонда эзгу ғоялар ва улар негизидаги тамойиллар асосида яшаш ва ишлаш, ўқиш ва ўрганиш лозимлиги давр талаби бўлиб қолди. Бу йўналишда вайронкор ғоялар, космополитизм ва фундаментализм, «оммавий маданият» ва цивилизациялар кураши каби бузғунчи мафкуралар таъсирига тушмайдиган баркамол шахсни тарбиялаш ҳам фалсафанинг энг долзарб масалалари сирасига киради.

Шу билан бирга, фалсафий фанлар йўналишлари бўйича адабиётлар тайёрлаш, тарбия технологияларини қўллашда ўзига хос хусусиятларни назарда тутиш масалалари ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Илмий-амалий ва ўқув-услубий ишланмалар билан бирга, аҳоли орасидаги маърифий ишларни янги босқичга кўтаришга ёрдам берадиган махсус адабиётларни кўпайтириш, ташвиқотнинг замонавий технологиялари самарасини ошириш билан боғлиқ долзарб вазибалар давр талабига айланди.

Хуллас, мамлакатимизда янги ҳаёт, янги жамият барпо этилаётган ҳозирги шароитда ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида омилкор бўлиш ушбу жабҳадаги фаолиятимизнинг асосий мезонидир. Шу боис, бугунги кунда мустақилликнинг қадри ва аҳамиятини яхши англайдиган, тафаккури теран, маънавий баркамол авлодни тарбиялаш замонавий ўзбек фалсафасининг энг муҳим ва масъулиятли вазифасига, барчамиз учун давр талабига айланди.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-МАВЗУ: МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ФАЛСАФИЙ ФАНЛАР ВА МАДАНИЯТ РИВОЖЛАНИШНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ.

Амалий машғулоти олиб боришда қўлланиладиган метод: “Кластер” методи

Дарсинг таълимий мақсади: Марказий Осие тарихи, хусусан Ўзбек фалсафаси тарихидаги бирламчи муҳим давр бўлган Зардуштийлик таълимотининг келиб чиқиш омилларини ёритиб бериш. “Авесто” таълимоти фалсафаси, шунингдек, Моний ва Маздак таълимотининг ўз давригача бўлган барча фалсафий таълимот ва оқимларнинг энг прогрессив ва гуманистик тамойилларини қамраб олган когнитив асосини, Ислом таълимотининг юзага келиши ва Мовароуннахрга кириб келиши ўрганиш.

Дарсинг тарбиявий мақсади: тарихий фалсафий муаммоларни бугунги кундаги аҳамиятини хис қилган ҳолда ёш кадрлар онгида тизимли, конструктив тафаккур шаклланишига эришиш. Жамиятда инсонларни фалсафий тафаккур, диний ва миллий қадриятларга ҳурмат ва улардан реал ҳаётда тафаккур жараёнларида фойдалана олиш кўникмасини шакллантириш, миллий ғурур, шаън ва кадр – қимматини сақлашни ўрганишдан иборат.

Дарсинг ривожлантирувчи мақсади: Тингловчиларнинг онгида фалсафий гносеологик тафаккур қонуниятлари тамойилларини шакллантириш, фалсафанинг тарихий ва глобал муаммоларни қамраб олиш усулларини англай олиш ва уни етказиб бериш методикаси билан таништириш.

“КЛАСТЕР” МЕТОДИ

Фалсафа тарихи, Шарқ фалсафаси, Ўзбек фалсафаси, Марказий Осиеда илк фалсафий таълимотлар юзага келиши, Зардушт фаолияти ва мероси, “Авесто”, Зардуштийликнинг диний-фалсафий ўзига хосликлари, Илк Ўрта аср Шарқ фалсафаси, Илоҳиёт фалсафаси, Калом фалсафаси, Самарқанд суннийлик илоҳиёти - кластер усулда жойлашиш ва бири иккинчисига мантиқий боғланишининг конструкцияси ҳосил қилинади.

“КЛАСТЕР” методини амалга ошириш босқичлари

- Методнинг ўтказиш тартиби, мақсадива вазифа тушунтирилади;
- Кичик гуруҳлар шакллантирилади;

- Кичик муаммо ажратиб олиш ва ўрганиш (индивидуал ва кичик гуруҳларда)
- Кичик муаммолар мавжудлигини тасдиқловчи далиллар

Дарсада фойдаланиладиган технология: “Кластер”

Дарснинг бориши:

1. *Ташкилий қисм.*
2. *Тингловчиларни амалий машғулотнинг мавзуси, мақсади ва бориши билан таништириш.*

Дарсни ўқитувчи кириш сўзи билан очади. У кириш сўзида амалий машғулотнинг мавзуси, мақсади ва бориши билан тингловчиларни таништириб, бугунги кунда илоҳиёт фалсафасининг моҳияти, тараққиёти ҳамда ахлоқий тарбия, инсон маънавий дунёқарашга таҳдид солаётган оммавий маданиятдан асровчи хусусиятлари борасида суҳбат олиб борилади, таҳлил қилинади.

“Кластер” методининг ўтказилиши

Бу методдан мақсад бир қанча муаммоларни ҳудудий жойлаштириш, мантиқий структураларни аниқлаш, муаммони қўйиш вamuамолардан келиб чиқадиган муаммоларни аниқлашга қаратилган.

Тизимли фикрлаш, тузилмага келтириш, таҳлил қилиш қўникмаларини ривожлантиради. Чизмани тузиш қоидаси билан танишадилар.

Кичик гуруҳларга бирлашадилар, таққослайдилар, ўзларининг кластерларини тўлдирадилар. Умумий кластерга келтирадилар.

Иш натижаларининг тақдимоти. Ёзувлар қисқа, мазмун ва далилларни ифодаловчи калит сўзлар ва иборалардан иборат бўлиши керак. Далиллар мавҳум фикрлаш тўғрисида эмас, балки аниқ механизм тўғрисида гапиришга имкон беради. Иш (изланиш) якка тартибда ёки кичик гуруҳларда ўтказилиши мумкин. Муаммоларнинг ўзаро алоқаси, уларнинг умумий хусусиятини намоён этувчи тўлдирилган схеманинг тақдимоти муҳим босқич ҳисобланади.

Амалий машғулотни олиб боришда қўлланиладиган метод: “Балиқ скелети” методи

Дарснинг таълимий мақсади: Фалсафа тарихи, хусусан Марказий Осиё халқлари фалсафаси тарихидаги муҳим даврдан бири бўлган Қадимги даврда Зардуштийлик таълимотининг келиб чиқиш омилларини ёритиб бериш. Монийлик ва маздакийлик таълимотларининг фалсафа ва маданиятга таъсирини ва ўз давригача бўлган барча фалсафий таълимот ва оқимларнинг энг прогрессив ва гуманистик тамойилларини қамраб олган

когнитив асосини ўрганиш.

Дарсинг тарбиявий мақсади: тарихий фалсафий муаммоларни бугунги кундаги аҳамиятини хис қилган ҳолда ёш кадрлар онгида тизимли, конструктив тафаккур шаклланишига эришиш. Жамиятда инсонларни фалсафий тафаккур, маданий, илмий ва миллий қадриятларга ҳурмат ва улардан реал ҳаётда тафаккур жараёнларида фойдалана олиш кўникмасини шакллантириш, миллий ғурур, шаън ва кадр – қимматини сақлашни ўрганишдан иборат.

Дарсинг ривожлантирувчи мақсади: Тингловчиларнинг онгида фалсафий гносеологик тафаккур қонуниятлари тамойилларини шакллантириш, фалсафанинг тарихий ва глобал муаммоларни қамраб олиш усулларини англай олиш ва уни етказиб бериш методикаси билан таништириш.

“БАЛИҚ СКЕЛЕТИ” МЕТОДИ

Фалсафа тарихи, Шарқ фалсафаси, Ўзбек фалсафаси, Марказий Осиёда илк фалсафий таълимотлар юзага келиши, Зардушт фаолияти ва мероси, “Авесто”, Зардуштийликнинг диний-фалсафий ўзига хосликлари, Илк Ўрта аср Шарқ фалсафаси, Илоҳиёт фалсафаси, Калом фалсафаси, Самарқанд суннийлик илоҳиёти қарашлари, ўзаро алоқадор таълимот ва илмий фикрлар уйғунлиги диалектикаси мантиқий боғланишининг конструкцияси ҳосил қилинади.

“БАЛИҚ СКЕЛЕТИ” методини амалга ошириш босқичлари

- Методнинг ўтказиш тартиби, мақсадива вазифа тушунтирилади;
- Кичик гуруҳлар шакллантирилади;
- Кичик муаммо ажратиб олиш ва ўрганиш (индивидуал ва кичик гуруҳларда)
- Кичик муаммолар мавжудлигини тасдиқловчи далиллар

2-МАВЗУ. IX-XII АСРЛАРДА УЙҒОНИШ ДАВРИ ФАЛСАФАСИ.

Амалий машғулотни олиб боришда қўлланиладиган метод: “Кейс стади” методи

Дарсинг таълимий мақсади: Фалсафа тарихи, хусусан Ўзбек фалсафаси тарихидаги энг муҳим давр бўлган IX – XII асрлар Шарқ Уйғониш даври келиб чиқиш омилларини ёритиб бериш. Уйғониш даври мутафаккирлари илмий меросининг Ўзбек фалсафаси ривожланишида тутган ўрнини ҳар томонлама таҳлил этиш. Тасаввуф ва илоҳиётшуносликнинг фалсафа ва маданиятга таъсирини ўрганиш.

Дарсинг тарбиявий мақсади: тарихий фалсафий муаммоларни бугунги кундаги аҳамиятини хис қилган ҳолда ёш кадрлар онгида тизимли, конструктив тафаккур шаклланишига эришиш. Жамиятда инсонларни фалсафий тафаккур, маданий, илмий ва миллий қадриятларга ҳурмат ва улардан реал ҳаётда тафаккур жараёнларида фойдалана олиш кўникмасини шакллантириш, миллий ғурур, шаън ва қадр – қимматини сақлашни ўрганишдан иборат.

Дарсинг ривожлантирувчи мақсади: Тингловчиларнинг онгида фалсафий гносеологик тафаккур қонуниятлари тамойилларини шакллантириш, фалсафанинг тарихий ва глобал муаммоларни қамраб олиш усулларини англай олиш ва уни етказиб бериш методикаси билан таништириш.

“КЕЙС-СТАДИ” МЕТОДИ

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетиде амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<p>1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш</p>	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
<p>2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш</p>	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
<p>3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш</p>	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
<p>4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.</p>	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектиларини ёритиш

Дарсадафойдаланиладиган технология: “Кейс стади”

Дарснинг бориши:

1. *Ташкилий қисм.*

2. *Тингловчиларни амалий машғулотнинг мавзуси, мақсади ва бориши билан таништириш.*

Дарсни ўқитувчи кириш сўзи билан очади. У кириш сўзида амалий машғулотнинг мавзуси, мақсади ва бориши билан тингловчиларни таништириб, бугунги кунда тасаввуф фалсафасининг моҳияти, тараққиёти ҳамда ахлоқий тарбия, инсон маънавий дунёқарашга таҳдид солаётган оммавий маданиятдан асровчи хусусиятлари борасида суҳбат олиб борилади, таҳлил қилинади.

“КЕЙС СТАДИ” методининг ўтказилиши

Бу методдан мақсад бир қанча муаммоларни худудий жойлаштириш, кейс ҳолатини аниқлаш, муаммони қўйиш ва муаммолардан келиб чиқадиган муаммоларни аниқлашга қаратилган.

Тизимли фикрлаш, тузилмага келтириш, таҳлил қилиш

кўникмаларини ривожлантиради. Чизмани тузиш қоидаси билан танишадилар.

Кичик гуруҳларга бирлашадилар, таққослайдилар, ўзларининг кейс муаммоларини тузадилар. Умумий кейсга келтирадилар.

Иш натижаларининг тақдимоти. Ёзувлар қисқа, мазмун ва далилларни ифодаловчи калит сўзлар ва иборалардан иборат бўлиши керак. Далиллар мавҳум фикрлаш тўғрисида эмас, балки аниқ механизм тўғрисида гапиришга имкон беради. Иш (изланиш) якка тартибда ёки кичик гуруҳларда ўтказилиши мумкин. Муаммоларнинг ўзаро алоқаси, уларнинг умумий хусусиятини намоён этувчи тўлдирилган схеманинг тақдимоти муҳим босқич ҳисобланади.

3-МАВЗУ. XX АСР ЎЗБЕК ФАЛСАФАСИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИ.

Амалий машғулотни олиб боришда қўлланиладиган метод: “Балик скелети” методи

Дарснинг таълимий мақсади: Ўзбек фалсафаси тарихида мураккаб, синовли давр бўлган XX аср миллий фалсафаси: аср бошидаги жадидчилик фалсафий қарашлари ва совет даври фалсафий қарашларини ёритиб бериш. Жадидчилар фалсафий қарашларининг миллий фалсафа тараққиётидаги ўрнини кўрсатиб бериш. Совет даврида тоталитар мафкуранинг фалсафага кўрсатган ғайриилмий салбий таъсири моҳиятини очиб бериш. Собиқ совет тузуми даврида миллий файласуфлар қатламининг Ўзбекистонда фалсафа фани ривожига қўшган хизматларини ўрганиш.

Дарснинг тарбиявий мақсади: тарихий фалсафий муаммоларни бугунги кундаги аҳамиятини хис қилган ҳолда ёш кадрлар онгида тизимли, конструктив тафаккур шаклланишига эришиш. Жамиятда инсонларни фалсафий тафаккур, маданий, илмий ва миллий кадриятларга ҳурмат ва улардан реал ҳаётда тафаккур жараёнларида фойдалана олиш кўникмасини шакллантириш, миллий ғурур, шаън ва кадр – қимматини сақлашни ўрганишдан иборат.

Дарснинг ривожлантирувчи мақсади: Тингловчиларнинг онгида фалсафий гносеологик тафаккур қонуниятлари тамойилларини шакллантириш, фалсафанинг тарихий ва глобал муаммоларни қамраб олиш усулларини англай олиш ва уни етказиб бериш методикаси билан таништириш.

“БАЛИК СКЕЛЕТИ” МЕТОДИ

Фалсафа тарихи, Ўзбек фалсафаси, Жадидчилик ҳаракати,

маърифатпарварлик, Исмоил Ғаспиралибей, Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори, Фитрат, Абдулла Авлоний фалсафий-сиёсий қарашлари, ўзаро алоқадор таълим ва илмий фикрлар уйғунлиги диалектикаси мантиқий боғланишининг конструкцияси ҳосил қилинади.

“БАЛИҚ СКЕЛЕТИ” методини амалга ошириш босқичлари

- Методнинг ўтказиш тартиби, мақсади ва вазифа тушунтирилади;
- Кичик гуруҳлар шакллантирилади;
- Кичик муаммо ажратиб олиш ва ўрганиш (индивидуал ва кичик гуруҳларда)
- Кичик муаммолар мавжудлигини тасдиқловчи далиллар

Дарсда фойдаланиладиган технология: “БАЛИҚ СКЕЛЕТИ”

Дарснинг бориши:

1. Ташкилий қисм.

2. Тингловчиларни амалий машғулотнинг мавзуси, мақсади ва бориши билан таништириш.

Дарсни ўқитувчи кириш сўзи билан очади. У кириш сўзида амалий машғулотнинг мавзуси, мақсади ва бориши билан тингловчиларни таништириб, бугунги кунда перипатетизм фалсафасининг моҳияти, тараққиёти ҳамда ахлоқий тарбия, инсон маънавий дунёқарашга таҳдид солаётган оммавий маданиятдан асровчи хусусиятлари борасида суҳбат олиб борилади, таҳлил қилинади.

“БАЛИҚ СКЕЛЕТИ” методининг ўтказилиши

Бу методдан мақсад бир қанча муаммоларни худудий жойлаштириш, мантиқий структураларни аниқлаш, муаммони қўйиш вamuамолардан келиб чиқадиган муаммоларни аниқлашга қаратилган.

Тизимли фикрлаш, тузилмага келтириш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради. Чизмани тузиш қoидаси билан танишадилар.

Кичик гуруҳларга бирлашадилар, таққослайдилар, ўзларининг кластерларини тўлдирадилар. Умумий кластерга келтирадилар.

Иш натижаларининг тақдимоти. Ёзувлар қисқа, мазмун ва далилларни ифодаловчи калит сўзлар ва иборалардан иборат бўлиши керак. Далиллар мавҳум фикрлаш тўғрисида эмас, балки аниқ механизм тўғрисида гапиришга имкон беради. Иш (изланиш) якка тартибда ёки кичик гуруҳларда ўтказилиши мумкин. Муаммоларнинг ўзаро алоқаси, уларнинг умумий хусусиятини намоён этувчи тўлдирилган схеманинг тақдимоти муҳим босқич

ҳисобланади.

Амалий машғулотни олиб боришда қўлланиладиган метод: “Кластер” методи

“КЛАСТЕР” МЕТОДИ

Фалсафа тарихи, Ўзбек фалсафаси, Совет даври фалсафа фанида тоталитаризм мафкурасининг ўрни, Шўро тузуми даврида Ўзбекистонда миллий файласуфлар фаолияти, Иброҳим Мўминов, Эркин Юсупов ва б. илмий мероси - кластер усулда жойлашиш ва бири иккинчисига мантиқий боғланишининг конструкцияси ҳосил қилинади.

“КЛАСТЕР” методини амалга ошириш босқичлари

- Методнинг ўтказиш тартиби, мақсадива вазифа тушунтирилади;
- Кичик гуруҳлар шакллантирилади;
- Кичик муаммо ажратиб олиш ва ўрганиш (индивидуал ва кичик гуруҳларда)
- Кичик муаммолар мавжудлигини тасдиқловчи далиллар

Дарсда фойдаланиладиган технология: “Кластер”

Дарснинг бориши:

- 1. Ташкилий қисм.*
- 2. Тингловчиларни амалий машғулотнинг мавзуси, мақсади ва бориши билан таништириш.*

“Кластер” методининг ўтказилиши

Бу методдан мақсад бир қанча муаммоларни ҳудудий жойлаштириш, мантиқий структураларни аниқлаш, муаммони қўйиш вamuамолардан келиб чиқадиган муаммоларни аниқлашга қаратилган.

Тизимли фикрлаш, тузилмага келтириш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради. Чизмани тузиш қоидаси билан танишадилар.

Кичик гуруҳларга бирлашадилар, таққослайдилар, ўзларининг кластерларини тўлдирадилар. Умумий кластерга келтирадилар.

Иш натижаларининг тақдимоти. Ёзувлар қисқа, мазмун ва далилларни ифодаловчи калит сўзлар ва иборалардан иборат бўлиши керак. Далиллар мавҳум фикрлаш тўғрисида эмас, балки аниқ механизм тўғрисида гапиришга имкон беради. Иш (изланиш) яқка тартибда ёки кичик гуруҳларда ўтказилиши мумкин. Муаммоларнинг ўзаро алоқаси, уларнинг умумий хусусиятини намоён этувчи тўлдирилган схеманинг тақдимоти муҳим босқич ҳисобланади.

4-МАВЗУ. ЎЗБЕКИСТОНДА МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ФАЛСАФА ФАНИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ИСТИҚБОЛЛАРИ.

Амалий машғулоти олиб боришда қўлланиладиган метод:
“ФСМУ” методи

Дарсинг таълимий мақсади: Фалсафа тарихи, хусусан Ўзбек фалсафаси тарихида мутлақо янги тараққиёт даври бўлган мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар ривожини, янги таълимотларнинг келиб чиқиш омилларини ёритиб бериш. Ушбу давр фалсафасининг ўз давригача бўлган барча фалсафий таълимот ва оқимларнинг энг прогрессив ва гуманистик тамойилларини қамраб олган когнитив асосини ўрганиш.

Дарсинг тарбиявий мақсади: тарихий фалсафий муаммоларни бугунги кундаги аҳамиятини хис қилган ҳолда ёш кадрлар онгида тизимли, конструктив тафаккур шаклланишига эришиш. Жамиятда инсонларни фалсафий тафаккур, диний ва миллий қадриятларга ҳурмат ва улардан реал ҳаётда тафаккур жараёнларида фойдалана олиш кўникмасини шакллантириш, миллий ғурур, шаън ва кадр – қимматини сақлашни ўрганишдан иборат.

Дарсинг ривожлантирувчи мақсади: Тингловчиларнинг онгида фалсафий гносеологик тафаккур қонуниятлари тамойилларини шакллантириш, фалсафанинг тарихий ва глобал муаммоларни қамраб олиш усулларини англай олиш ва уни етказиб бериш методикаси билан таништириш.

“ФСМУ” МЕТОДИ

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қийслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулоти натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Дарсда фойдаланиладиган технология: “ФСМУ”

Дарсинг бориши:

- 1. Ташкилий қисм.*
- 2. Тингловчиларни амалий машғулотнинг мавзуси, мақсади ва бориши билан таништириш.*

“ФСМУ” методининг ўтказилиши

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади. Эшитувчилар кичик гуруҳларга бирлашадилар, таққослайдилар, ўзларининг ФСМУ моделларини тузадилар. Умумий моделга келтирадилар.

Иш натижаларининг тақдимоти. Ёзувлар қисқа, мазмун ва далилларни ифодаловчи калит сўзлар ва иборалардан иборат бўлиши керак. Далиллар мавҳум фикрлаш тўғрисида эмас, балки аниқ механизм тўғрисида гапиришга имкон беради. Иш (изланиш) яқка тартибда ёки кичик гуруҳларда ўтказилиши мумкин. Муаммоларнинг ўзаро алоқаси, уларнинг умумий хусусиятини намоён этувчи тўлдирилган схеманинг тақдимоти муҳим босқич ҳисобланади.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

Назорат саволлари:

1. Қадимги Марказий Осиёда қандай диний-фалсафий таълимотлар вужудга келган?
2. Қадимги ва антик даврда Шарқ ва Ғарб фалсафасининг ўзаро таъсири.
3. Қадимги Шарқ фалсафасини қадимги юнон жамиятига таъсири.
4. “Ренесанс”нинг шарқча ва ғарбча талқини.
5. Тасаввуф атамасининг маъноси нима?
6. Тасаввуф таълимоти қачон ва қаерда пайдо бўлган?
7. Тасаввуф фалсафасининг моҳияти нимадан иборат?
8. Тасаввуф тараққиётининг қандай босқичлари мавжуд?
9. Марказий Осиёда қандай тасаввуф тариқатлари пайдо бўлган?
10. IX-XII асрларда Марказий Осиё халқларини ижтимоий-фалсафий тафаккурини қандай омиллар жадал ривожлантирди?
11. IX-XII асрлар Марказий Осиёда табиий-илмий билимлар қайси комусий олимлар томонидан ривожлантирилди?
12. Ал—Хоразмий ва Аҳмад Фарғонийларнинг табиий—илмий таълимотларнинг бугунги кун фанининг ривожигаги ўрни.
13. Абу Наср Ал-Фаробийнинг фалсафий қарашлари ҳақида нималарни биласиз?
14. Фаробий фалсафасининг ғоявий илдизлари.
15. Фаробийнинг онтологик ва гносеологик таълимотлари.
16. Абу Райхон Берунийнинг табиий—илмий мероси.
17. Беруний тажрибавий методи ҳақида.
18. Берунийнинг натурфалсафий таълимоти
19. Ибн Синонинг табиий илмий қарашларининг аҳамияти.
20. Ибн Синонинг онтологик ва гносеологик таълимотнинг ўзига хос хусусиятлари.
21. Туркистонда маърифатпарварлик ҳаракати сабаблари нималардан иборат?
22. Туркистонда жадидчилик ҳаракати қачон юзага келди?
23. Жадидчилик ҳаракати оқими вакиллари қандай илғор ғояларни кўтариб чиқишди?
24. Жадидчилик оқими вакилларининг миллий истиқлол ғоясини ва миллий истиқлол мафкурасини ишлаб чиқишидаги ўрни нималардан иборат?

25. Жади́дчи́лик оқи́ми ваки́ллари халқни́нг миллий онги́ни уйғоти́ш учун қандай фаолиятлар олиб боришди?
26. Собиқ совет тузуми даврида фалсафа фанига тоталитар мафкура таъсири айниқса қайси ғояларнинг соҳага мажбурий равишда кенг тарқалганини кўриш мумкин?
27. Шўро даврида ўзбек фалсафасига қайси йўналишлар кириб келди?
28. Тоталитар мафкура кенг авж олган даврда ҳам ўзбек фалсафаси тарихини атрофлича ўрганиб, уни илмий равишда жамоатчиликка тақдим этган олимлар кимлар эди?
29. Мустақиллик борлиғи нима?
30. Миллий фалсафа ва миллий истиқлол фалсафасининг моҳияти нима?

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

ФАЛСАФИЙ ДЕБАТДА КЕЙС-СТАДИ МЕТОДИНИ ҚЎЛЛАШ. ТАСДИҚ ВА ИНКОР КЕЙСЛАРИ

Режа:

1. Кейс-стади ҳақида тушунча. Кейс турлари ва структураси.
2. Тасдиқ кейси ва стратегияси. (Тасдиқ риёзати ва тақдимоти).
3. Инкор позицияси ва уни тайёрлаш жараёни.
4. Инкор даражалари (1,2, 3,4 даражалар талқини).

Дебат ўтказишда “кейс-стади” инновацион методини қўллаш мумкин. “Кейс” тушунчаси бирон бир фикрни тасдиқловчи (исботловчи) ёки инкор этувчи қисқача мазмун ифодасини (сюжетини ёки мундарижасини) билдиради. Рақобатдаги командаларнинг спикерлари (ораторлари, нотиклари) мавзунинг аспекти ва бахс аргументлари акс эттирилган кейсдан мунозара вақтида фойдаланадилар.

Кейс асосан икки шаклда – тасдиқловчи (исботловчи, маъқулловчи) ва инкор этувчи шаклда бўлади. Дебат олиб бориладиган гуруҳ ҳам шунга кўра иккига ажратилади. Дебатда мазкур кейс шаклларида бири (тасдиқловчи кейс) олдин (биринчи босқичда), иккинчиси (инкор кейси) кейин (иккинчи босқичда), яъни навбати билан қўллангани учун “стади” (босқич) тушунчаси қўшиб қўйилган.

Кейснинг структураси, масалан, қуйидагича бўлади.

Мавзу шарҳи:					
Мавзу долзарблигини асослаш:					
Асосий тушунчаларнинг таърифлари:					
1 аспект		2 аспект		3 аспект	
Аргумент	Аргумент	Аргумент	Аргумент	Аргумент	Аргумент
Исбот	Исбот	Исбот	Исбот	Исбот	Исбот

Бу ерда “Аргумент” тушунчаси ишончли далилни, “Исбот” эса далилни қўллашга хизмат қиладиган фикрларни ифодалайди.

Кейсда бутун команда нуқтаи назари адекват (ҳеч кимнинг фикри ўзгартирилмасдан) тарзда ўз ифодасини топиши керак. Команда биринчи спикерларининг нутқларида мавзуни ва команда позициясини асословчи барча имконий стратегиялар бўлиши керак.

Кейс структураси мавзу шарҳидан (интерпретациясидан, талқинидан) бошланади. Мавзунинг умумий шарҳлари кўп бўлиши мумкин. Лекин дебат ташкил этилганида ҳар икки команда мавзунинг муҳим жихатларини яна бир

бора аниқлаб олган бўлиши керак. Бу командалардан бири тоғдан гапирганда, иккинчиси боғдан гапирадиган бўлмаслиги учун зарур. Масалан, командалардан бири экологик муаммоларнинг фан-техника тараққиёти самараларидан бемеёр ва нораціонал фойдаланилиши муносабати билин келиб чиққани ҳақида гапириб турган пайтда иккинчи команда унга жавобан фан ва техника эришган буюк ютуқлар ҳақида гапириши тўғри эмас. Шунинг учун ҳам мавзу, унинг муҳокама этиладиган мавзу ва унинг асосий тушунчалари ҳар икки команда спикерлари томондан аниқ талқин этилиши ва кейсда бу талқин ёритилган бўлиши керак.

2. Тасдиқ кейси ва стратегияси. (Тасдиқ риёзати ва тақдимоти).

Одатда тасдиқловчи команда дебатни бошлаб беради, яъни биринчи бўлиб гапиради. Шунинг учун мавзу ва асосий тушунчалар талқинлари ва таърифларини биринчи бўлиб беради. Талқин ва таърифларнинг хажми асоссиз кенгайтириб ёки торайтириб юборилмаслиги керак. Агар шундай бўлса, иккинчи (инкор этувчи) команда бу ҳолни танқид қилиши мумкин. Талқин ва таърифлар тўғри чиқиши учун луғатлар, дарсликлар, асосий манбаълардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Чунки улар умумий қабул қилинган “маданий норма” ҳисобланади. Инкор этувчи томон тасдиқловчи томон бера олмаган талқин ва таърифларни ҳам бериши мумкин.

Келтирилган талқин ва таърифлар командалар кейси шаклига мувофиқ бўлишининг аҳамияти катта. Чунки, тасдиқловчи команда таъриш беришни бошлар экан, ишнинг бошланишидаёқ ўз командасининг мавзуга нисбатан позициясини ёритишга эришади. Шу маънода асосий тушунчаларнинг таърифларини мавзунинг талқинидан кейиноқ берилиши тўғри бўлади. Таърифлашни бошладан олдин тасдиқловчи команда спикери “биз ўз нуқтаи назаримизни (позициямизни)” тўғри тушунтириш учун аввал мавзуга оид терминларнинг таърифини келтирамиз”, деб эслатилиши мақсадга мувофиқ.

Тасдиқловчи томон ўз талқин ва таърифларини бериб бўлганидан кейин инкор командаси бу талқин ва талқинларни маъқуллаши, ёки, агар улар тўлиқ ёки тўғри бўлмаса, шуни кўрсатиб, тўғри талқинларни бериши керак.

Тасдиқловчи команда ўз кейсининг аргументлаш қисмини тузиш учун дебатга тайёргарлик даврида ўз позициясини пухта ва аниқ асослаш мақсадида ўз олдига қуйидаги саволларни қўйиши керак:

- Биз нима учун бу мавзуни (ғояни) таслиқлаймиз?
- Биз бу мавзуни (ғояни) тасдиқлаш учун қайси кучли далилларни келтира оламиз?
- Мавзу (ғоя) қандай асосий масалаларни олдинга сурган ва яна қандай масалаларни олдинга суриши мумкин?
- Инкор этувчи томон қандай қарши аргументларни келтириши мумкин?

Шу саволларга жавобан ишлар экан, тасдиқловчи томон ўзининг аниқ

ва пухта ишланган стратегиясини ва уни акс эттирган ўз кейсини яратади. Буни биз конерет мисолларда кўрамиз.

Ҳар қандай дебатнинг энг муҳим қисми унинг бошланишида, аудитория диққат-эътиборини қозона олишдадир. Аудитория диққатини эса одатда ёрқин цитата, кутилмаган статистик материал, шунингдек, қизиқарли мисол ёки аналогия жалб этиши мумкин.

Масалан, агар мавзу иқтисодий ёки экологик муаммоларга муаммоларга бағишланган бўлса, тасдиқловчи команда спикери мавзунинг талқинида ёки асосий тушунчалар таърифидан олдин гапни Ш.Қаҳҳорова “ҳозирги кунда экология муаммолари иқтисодий муаммоларга нисбатан ҳам долзарброқ ўринга чиқди”, деган фикрни олдинга сурди, деган фикр билан бошлаши мумкин.

Тасдиқ кейсининг мазмуни, масалан, қуйидагича бўлиши мумкин:

Мавзу шарҳи : Ғоялар ҳам гносеологик, ҳам онтологик реалликдир.

Мавзу долзарблигини асослаш: Ўтмиш мафкураси ҳукмронлиги вақтида бизнинг фалсафий тафаккуримиз ғоялар реллигини чекланган материалистик концепция нуқтаи назаридан талқин этиб кетган эди. Ўз мустақиллигимизни қўлга киритган бугунги кунда биз бу чекланган қарашлар доирасидан чиқиш имконига эга бўлдик. Энди бу масалани ҳолисона таҳлил этиш вақти келди. Акс ҳолда ҳамон тоталитар социализм ғоялари ҳукмронлигидан чиқиб кета олмаймиз, тафаккуримиздаги мустақилликка эриша олмаганимизча қолаверамиз.

Асосий тушунчаларнинг таърифи: онтология, гносеология, хусусий ва умумий метафизика, субстанция, шакл, материя ва б. тушунчаларнинг Платон, Аристотел, Форобий, Ибн Сино, Ибн Арабий, Насафий ва б. талқинида бериш мумкин.

Тасдиқловчи фикрнинг аспекти:

1 аспект: Ғоянинг гносеологик аспекти.

2 аспект: Ғоянинг онтологик аспекти.

3 аспект: Ғоянинг ҳар икки аспектининг узвийлиги.

Шундан кейин ҳар учала аспекти тасдиқловчи аргументларни келтириш ва уларни тасдиқловчи далилларни (исботларни) келириш керак. Исбот, далиллар қаторига ҳозирги давр квантлар механикаси кашфиётларини, ЭПР парадоксини, голография, генетика ва фаннинг бошқа соҳаларидаги кашфиётлар киради.

Юқоридагиларнинг ҳаммаси тасдиқ кейси мазмунида ёзилган бўлиши керак. Дебатда спикерлар ўз нутқларини шу мазмундан чиқариб оладилар. Бу кейсининг тақдироти сифатида амалга ошади.

Тасдиқ кейсининг хулоса қисмида тасдиқда иштирок этган фикрларни умумлаштириш ва мавзуга қайтиш керак. Хулоса энг охириги, якунловчи фикр бўлгани учун у қисқа, лўнда ва аниқ бўлиши мақсадга мувофиқ.

Масалан, юқоридаги мавзунинг хулосаси қуйидагича бўлиши мумкин: Ғоя нималиги масаласини чуқурроқ таҳлил этиш шуни кўрсатадики, унинг онтологик реаллик экани гносеологик реаллик эканини инкор этмайди, балки бу ҳар икки аспект ғоянинг реаллик сифатидаги тўлиқ маъносини очиб

беради.

3. Инкор позицияси ва уни тайёрлаш жараёни.

Инкор командасининг позицияси тасдиқ команданинг кейсини ва унинг воситасида унинг позицияси асоссиз эканини кўрсатишдан иборатдир. Бунинг учун инкор командаси тасдиқ кейсининг барча кучсиз томонларини аниқлаши, буни кўрсатишда таяниш мумкин бўлган аргументларни (ишончли далилларни) топиши ва шу аргументлардан фойдаланган ҳолда уларнинг кучсизлигини исботлай олиши керак.

Инкор командаси, аввалги мавзуда айтилганидек, даставвал тасдиқ командасининг мавзу шарҳига эътибор беради ва уни маъқуллаши ёки маъқулламаслигини бидиради ҳамда тасдиқловчи команданинг мавзу ва асосий тушунчалар талқини ва таърифидаги тўғри ва нотўғри жихатларни кўрсатади ва тегишли аргументлар келириб, ўз фикрларини исботлайди. Бу йўлда у аввалроқ ўзи тайёрлаган кейсдан фойдаланади. Бу кейс тасдиқловчи команданинг мавзу хусусидаги нуқтаи назари тўғри эмаслигига тегишли аспект, аргумент ва исботларнинг тартибланган тизимидан ташкил топади.

Инкор вазифасини ўз зиммасига олган команда қуйидагиларга эътибор бериши зарур:

- Инкор нутқида тасдиқ нутқининг барча компоненталарига (икир-чикирларига ҳам) эътибор билан қараш керак. Дебат характеридан келиб чиқиб, инкор команда томонидан келтирилган таърифларга, талқинларга ёки амалий фаолият режаларига реакция тарзида амалга ошиши мумкин.

- Энг олдин тасдиқ нутқининг структурасига муносабат билдириш керак. Масалан, “тасдиқ гуруҳи экология масалаларининг долзаблигига эътибор бераркан....., деган фикрни билдиришди. Биз бунга ўз муносабатимизни билдириб,” тарзида нутқ сўзланади.

- Кейинги босқичда тасдиқ кейсидаги мантикий изчилликка эътибор қаратилади. Инкорда аниқ-равшанлик бўлиши учун кейснинг бошидан охирига (юқори сатрлардан пастга) қараб пунктма-пункт тушиб бориш керак.

- Тасдиқ кейсининг ҳар битта аргументига, агар уни инкор этиб бўлмаса ҳамки, жавоб қайтарилиши шарт. Масалан, “тасдиқ гуруҳи... масалани олдинга сурганида...аргументларни келтирди. Биз бу борада булардан муҳимроқ аргументлар ҳам борлигини айтишимиз мумкин...”

- Кейснинг аспектларига нисбатан ҳам шу стратегияни қўллаш мумкин.

- Инкор кейси тасдиқ кейсини қандай инкор этишини қиёслар ёрдамида кўрсатиш мақсадга мувофиқ. Бу инкорнинг дебатлар учун қанчалик муҳим аҳамиятга эгаллигини кўрсатади.

4. Инкор даражалари (1,2, 3,4 даражалар талқини).

Инкор позицияси ёки инкор командасининг тасдиқ командасига “хужумлари” бирқанча даражаларда амалга ошади.

1 даражадаги “хужум”. Ушбу даража мавзунинг тўғри ёки нотўғрилигини аниқлашга хизмат қилади, яъни “тематик” характерга эга бўлади. Лекин хужумнинг бу даражасида инкор этувчи томонга унчалик қатъий талаб қўйилмайди, яъни “хужум” ихтиёрий бўлади. Бошқача айтганда, инкор командаси ўз ишини тасдиқ командаси резолюцияси (тасдиқ сифатида эълон қилган ғояси)нинг шарҳини “савалашдан” иш бошлаши шарт эмас. Фақат бу шарҳларнинг нотўғри эканига қатъий ишонч бўлган ҳолдагина “хужум” қилиш мумкин.

Бу босқичда асосан тасдиқловчи томон мавзуни шарҳлайди, асосий тушунчалар таърифини беради. Шу билан у дебат чегараларини белгилайди. Бунда инкор командаси асосан таърифлар тўғри берилганига ишонч ҳосил қилишга ҳаракат қила олади. Лекин таъриф нотўғри ёки нотўлиқ бўлиши ҳам мумкин. Нотўғри ёки нотўлиқ таърифнинг хиллари кўп. Шунга кўра тематик инкор хиллари ҳам турлича бўлади:

- Тасдиқ кейсидаги таъриф нотўғри деб ҳисоблангани сабабли инкор этиш.

- Альтернатив таърифни олдинга сурувчи инкор.

- Инкор кейсидаги таъриф тўлиқроқ деб ҳисоблангани сабабли инкор этиш.

Инкор кейси таърифларига оид далиллар ишончлилигини исботлаш усуллари қуйидагича:

- Соха мутахассислари берган таъриф.

- Мавзу контекстига мувофиқ келувчи таъриф.

- Тушунча мазмунини ноўрин торайтириб ёки кенгайтириб юбормаган таъриф.

Тўғри тузилган ва ифодаланган тематик аргументлар команда галабасини таъминлайди. Лекин, агар тасдиқловчи команда таърифи нотўғрилиги шубхали бўлса, бу ҳолда “хужумдан” тийилган маъкул, албатта.

2 даражадаги “хужум”.

Инкор этувчи томонда рақиб томон тасдиқлаётган фикр аспектларини танлаш имконияти бўлади. Бунда у, биринчидан, аспектнинг ўзини қабул қилиши, лекин аргументларнинг унга мос келиши ё келмаслиги хусусида бахслашиши, инкорий муносабатда бўлиши мумкин. Иккинчидан, аспекти маъқулламаслиги ва ўзининг аспектини таклиф этиши мумкин. Масалан, “Жамиятда иқтисодий ўсишга нисбатан демократик институтларнинг ривожланиши муҳимроқ” деган мавзуни олайлик. Тасдиқловчи томон мавзунинг аспекти сифатида “Миллат узоқ муддат барқарор ҳаёт кечириши” аспектини лиши тасдиқланаётга фикр тақдим этган бўлсин. Инкор этувчи томон танлайди: у ё бу аспекти қабул қилиши ва айни пайтда миллат барқарорликка иқтисодий ўсиш орқали эришиш мумкин, деган аргументни олдинга суриши мумкин.

Инкор этувчи томон мавзунинг тасдиқловчи томон тақдим этган аспектини албатта инкор этиши шарт эмас. У бу аспектнинг кейси мазмунини танқид қилиши ва ундан ўз кейсини тузишда фойдаланиши мумкин.

Лекин тасдиқловчи томон аспектининг кейси ўз нуқтаи назари афзаллигини таъминлаш мақсадида ифодаланган бўлади. Шунинг учун кўп ҳолларда уни рад этиш керак бўлади. Бунинг учун аспектнинг заиф томонларини аниқлаш керак. Улар қуйидагича бўлиши мумкин: Тасдиқловчи томон кейсида тақдим этилган аспект

- мавзуни очишга ярамаслиги;
- аниқ таърифланмаган бўлиши мумкин;
- асосий ғоя олдинга сурилмаган бўлиши мумкин;
- оптимал мақсад кўзланмаган бўлиши мумкин.

Масалан, дебат “БМТ фаолиятининг самарадорлиги” мавзуси бўлсин. Тасдиқловчи томон мавзунинг аспекти сифатида “Миллий низоларни олдини олиш мақсади” олдинга сурилган, деб фараз қилайлик. Инкор этувчи томон “ҳалқаро низоларнинг бартараф этилиши эришилиши керак бўлган оптимал мақсад эмас”, деган фикрга асосланиб, ўз аспекти сифатида “ўзаро ҳамкорлик аоқаларини яхшилаш керак”, деган ўз аспектини таклиф этиши мумкин.

Инкор этувчи томон тасдиқловчи томон олдинга сурган аспекти инкор этар ва ўз аспектини олдинга сураркан, буни асослаши ҳам керак бўлади.

3 даражадаги “хужум”. Инкор этувчи томон тасдиқловчи томон аргументларига улар қай тартибда қўйилган бўлса, шу тартибда муносабат билдириши, жавоб бериши керак. Шунинг ҳам назарда тутиш жоизки, инкор этувчи томоннинг мақсади аргументларни “қўпориб ташлаш”, “йўқ қилиш”дан иборат эмас, балки бу аргументларнинг тасдиқловчи томон нуқтаи назарини исботлай олмаслигини кўрсатишдан иборатдир. Бунинг бирқанча стратегияси бор:

- Аргумент томон тасдиқловчи томон олдинга сурган мавзуга ёки унинг аспектига мос келмаслигини кўрсатиш мумкин.

- Инкор этувчи томон тасдиқловчи томон аргументларидан ҳам кучлироқ аргументларни тақдим этиши мумкин. Масалан, агар тасдиқловчи томон БМТнинг тинчликни қарор топтириш мақсадида сафарбар этаётган кучлари жуда қимматга тушиши аргументини олдинга суриб, унинг фаолиятини танқид қилса, инкор этувчи томон бу кучлар кўплаб инсонлар ҳаётини сақлаб қолаётгани аргументини олдинга суриб, эътироз билдириши мумкин. Ваҳоланки, инсонлар ҳаётини сақлаб қолиш ишининг салмоғи (аргументи) баландроқ. Инкор этувчи томон кўп ҳолларда ўз кейсида шу каби аргументлардан фойдалана олади.

- Тасдиқловчи томон олдинга сурган аргумент ноизчил, зиддиятли бўлиши мумкин. Масалан, у “Атроф муҳитни ҳимоя қилиш иқтисодий ўсишдан ҳам муҳимроқ” деган мавзуни ҳимоя қилаётганида, аргумент сифатида юқори технологиялар тараққиётининг салбий оқибатларини олган бўлиши ва айни пайтда бошқа аргумент доирасида қуёш қувватидан

фойдаланадиган технологияларни рағбатлантириш фойдали, деган фикрни олдинга суриши мумкин. Инкор этувчи томон бу ноизчилликни кўрсатиши керак.

4 даражадаги “хужум”. Бу даражада инкор этувчи томон тасдиқловчи томоннинг аргументларини исботловчи ва қувватловчи ғояларни танқид қилади. Бунда у тасдиқловчи томонга қуйидагича савол билан мурожаат қилиши мумкин: “Тасдиқловчи томон ўзининг бу даъволарини (фикр, ғояларини) тўлиқ асослаб (далиллаб, тушунтириб) бера оладими?”, “Келтирилган мисоллар тасдиқланаётган фикрни исботлашга яроқлими?”, “Келтирилган цитатанинг манбаига ишонса бўладими?”...

Ўзи қўйган шу каби саволларга жавоб оларкан, инкор этувчи томон бундан қуйидагиларни аниқлаб олади:

- Аргумент ишончли далилларга, қувватловчи асосларга таянган ё таянмаганлигини.

- Аргументни ва асосларни бошқа ишончлироқ аргументлар орқали рад этиш мумкин ёки мумкин эмаслигини.

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил ишни муайян модулнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб, тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий хужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модуль мавзуларини ўрганиш;

- тарқатма материаллар воситасида маърузалар қисмини ўзлаштириш;

- махсус адабиётлар бўйича модуль бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;

- амалий машғулотларда берилган топшириқларни бажариш.

Мустақил таълим мавзулари

1. Зардуштийлик моҳияти, эволюцияси ва жамият тараққиётидаги ўрни ҳақидаги таълим сифатида.

